Бугунги кунда морфология соҳасининг мутахассислари қизиқиш билдираётган муаммолардан бири – морфемаларнинг ўзакка қўшилиш тартибидир. Бирдан ортиқ кўшимчалар бир сўз таркибида келганда, уларнинг қайси бири олдин, қайсиси кейин жойлашиши нафақат тилшунослар, балки тил ўрганувчилар учун ҳам қизиқ. Масалан, инглиз тилида сифат ясовчи *-ous* ва мавҳум от ясовчи *-ness* кўшимчалари мавжуд. Улар бир сўз таркибида келиши мумкинми, агар бирга кела олса, қандай тартибда жойлашади, деган саволларга жавобни *СОСА*да ўтказилган қидирув натижалари асосида бериш мумкин. Қидирув натижалари шуни кўрсатдики, **ness+ous* тартибидаги морфемалар бирикиши корпусда мавжуд эмас, бу орқали тилда ҳам йўқ, деган хулосани бериш мумкин. **ous+ness* тартибига мос келувчи натижалар 112 ҳолатда кузатилди, бу 10 дан ортиқ сўз-турларнинг умумий қўлланилган сонидир. Масалан, *consciousness, seriousness, nervousness, righteousness, graciousness, dangerousness* ва бошқалар.

Кейинги ўринда маълум бир морфемани ўрганаётган тадқиқотчи унинг қўлланилиши бўйича кенгроқ маълумотга эга бўлишга ҳаракат қилади. *СОСА*нинг энг оддий қидирув натижаларининг ўзи ҳам бунга етарли бўла олади. Масалан, тадқиқот объекти инглиз тилидаги **ism* кўшимчаси бўлса, унинг қўлланилиши учун мисоллар сони 512 тани ташкил этди ва бу 20дан ортиқ сўз-турнинг тақрорий қўлланилиши натижасида ҳосил бўлган сондир. Мисол учун, *communism, criticism,*

¹ Baayen R.H. Corpus Linguistics in Morphology: Morphological Productivity. 2009. – 52 p. Available at URL: <https://www.ling.upenn.edu/~kroch/courses/lx400/BaayenHSK2009.pdf>

² McEnery T., Wilson A. Corpus Linguistics. – Edinburgh: Edinburgh University Press. 2001. – P 109.

nationalism, mechanism, realism, anti-Semitism ва бошқалар. Юқоридаги миқдордаги мисоллар тадқиқотнинг самарали якунини таъминлайди.

Инглиз тилини ўрганувчилар учун яна бир муаммо – феъл шакллариининг тўғри ва нотўғри формада замонга мослашувидир. Ушбу мураккабликни янада оширадиган жойи шундаки, баъзи феъллар ўтган сифатдош шаклига ҳар иккала услубда ўта олади. Масалан, инглиз тилида исботламоқ, далил келтирмоқ маъноларида келувчи *prove* феълнинг ўтган сифатдош (*past participle/perfect form*) шакли *proved* ёки *proven* ҳолатида ифодаланиши мумкин. Бу икки шакл ва уларнинг қўлланилиши бўйича *СОСА*да қидирув берилганда айнан тугалланган замон формасида келган мисоллар билан қизиқилганда, *have proven* бирикмаси 2616тани ташкил қилган бўлса, 3001талик частотани *have proved* грамматик замон формаси кўрсатди. Худди шу тартибдаги қидирув *BNC* корпусида ҳам ўтказилди. Натижалар *have proven* учун 82 та ва *have proved* учун 1169 тани ташкил этди. Бу фарқ ўз-ўзидан америкача инглиз тили ва британияча инглиз тили ўртасидаги сўз, асосан феъл шакллариини ясашда морфологик фарқлиликининг мавжуд эканини яққол кўрсатди.

Морфология билан боғлиқ яна бир муаммо сифатларнинг даражаланишида кўринади. Бунда асосан мураккаблик инглиз тилидаги икки бўғинли сифатларнинг қиёсий ва орттирма даражаларини ясашда кўзга ташланади. Масалан, *самимий* деган маънони берувчи *sincere* сифати икки бўғинли бўлиб, у ҳам шакл ясовчи кўшимча, ҳам сўз қўллаш орқали орттирма даражага ўтказилади, яъни *sincerest* ва *most sincere* каби. *СОСА*да ушбу шакллар қидирувга берилганда, *sincerest* 85 ўринда, *most sincere* 65 ўринда қўлланганига гувоҳ бўлинди. Айнан шу сўз формалари 15 миллиардан ошиқроқ сўзларни ўз ичига олган *English Web 2015 (enTenTen15)* корпусида ҳам қидирилганда *sincerest* ва *most sincere* шакллари мос равишда 5769 ва 3355 частоталарни кўрсатишди. Ҳар иккала ҳолатда ҳам, инглиз тилида *sincerest*, яъни морфема қўшилиши орқали ҳосил қилинадиган шаклнинг устунлиги аниқланди.

Замонавий КЛнинг энг катта ютуқларидан бири сифатида қаралаётган ўз ичига 560 миллиондан ортиқ сўзли матнларни жамлаган *СОСА* лисоний корпусининг тадқиқот объекти сифатида танланиши аҳамиятлидир. Корпуснинг таркибий тузилиши кўриб чиқилди ва унинг оғзаки (*spoken*), бадий (*fiction*), машхур журналлар (*popular magazines*), газета (*newspapers*) ва илмий журналлар (*academic journals*) каби бешта жанрга бўлинган матнлардан шаклантириб борилиши аниқланди. Йиллик ҳисобда ўртача 20 миллион сўз миқдорли матнлар қўшиб борилади ва ҳозир унинг умумий ҳажми 570 353 748 та сўздир.

*СОСА*нинг функционал хусусиятларини очиб бериш мақсадида семантик, синтактик, фразеологик ва морфологик тадқиқотлардаги аҳамияти ўрганилди. Унга кўра, сўзларнинг семантикмаъно муносабатларига киришишини аниқлаш жиҳатидан *cause* ва *result in*

феъллари ўзаро солиштирилди. Синтактик тадқиқотлардаги аҳамияти феълнинг бирикуви *love* феълдан кейин келиши мумкин бўлган феъл формаларини ўрганиш ва бошқа мисолларда очиб берилди. Фразеологик бирликларни ўрганиш ва улар ҳақида хулосаларга келиш мақсадида *СОСА*да *way* билан келадиган иборалар таҳлил қилинди. Морфологик бирликларнинг инглиз тилида қўлланилиши юзасидан олиб борилган амалий тадқиқотлар ҳам *СОСА*нинг ижобий функционал аҳамиятларни очиб беришга қаратилди. Бунда, бирикиб келадиган қўшимчалар, феълнинг формалари, морфема татбиқига мисоллар ва икки бўғинли сифатларнинг орттирма даражасини яшашдаги фарқлилик ўрганилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Baayen R.H. Corpus Linguistics in Morphology: Morphological Productivity. 2009. – 348 p. Available at URL: <https://www.ling.upenn.edu/~kroch/courses/lx400/BaayenHSK2009.pdf>
2. McEnery T., Wilson A. Corpus Linguistics. – Edinburgh: Edinburgh University Press. 2001. – 235 p.
3. O'G'Li A. N. B. Structure of 'Coca' (corpus of Contemporary American English) and simple queries on it // Наука, образование и культура. – 2019. – №. 10 (44).
4. Ataboyev, N. (2019). THE RESULTS OF THE CORPUS ANALYSIS AS A QUANTITATIVE REPRESENTATION OF LINGUOCULTURAL CONCEPTS. *Philology Matters*, 2019(2), 97-103.
5. Ataboev, N. B. (2019). Problematic issues of corpus analysis and its shortcomings. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 10(78), 170-173.
6. Bobojon O'g'li, N. A. (2018). Compiling Dictionaries by Using Corpus Analysis and its Advantages. *International Journal of Progressive Science and Technologies*, 9(2), 206-212.

ТИЛШУНОСЛИК ИЛМИДА ҲУРМАТ ФУНКЦИЯСИ ВА УНДА ЮКЛАМАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

**Бегматова Р.Ф.
ЎзДЖТУ ф.ф.б.ф.д. (PhD)**

Юкламалар тўғрисидаги илмий изланишларда уларнинг хурмат шакли назариясига бағишланган ҳинд-европа тиллари материаллари асосида олиб борилган тадқиқотлар сони сезиларли даражада кўп. Ҳурмат категорияси, биринчидан, ижтимоий аспект сифатида, иккинчидан эса халқнинг миллий маданиятининг унсури сифатида таърифланади. Мулоқотда хурматни намоён қилиш мулоқотдошларнинг ўзини тутиши ва коммуникатив тафаккурига бориб тақалади.

Олимлар хурмат категориясининг универсал асосий бирликларини аниқлашга уринишган. Жумладан, рус олими В.В.Леонтьевнинг таснифига

кўра, хурмат лингвистик категорияси тадқиқи Грайс таълимоти, дискурсив таълимот ва интеракционал йўналтирилган таълимотларни ўз ичига оладики, ҳозирги кунда мазкур категория борасидаги илмий изланишлар, асосан, интеракционал йўналишда олиб борилмоқда.

Л.В.Юлюгинанинг қайд этишича, интеракционал ва трансакционал мулоқот мавжуд. Интеракционал мулоқотда ҳамкорликка эришиш, суҳбатдошлараро хурмат, бир-бирини тушуниш равон кечиши учун хурмат шакли муҳим саналади. Трансакционал мулоқотнинг асосий вазифаси деганда ахборотни мазмунли узатиш назарда тутилади.

Ижтимоий ҳодиса саналган лингвистик хурмат категорияси анъанага кўра нутқ маданияти ва вербал этикет парадигмасида ўрганилади. Н.Маҳмудов “мен” ва “бошқалар” ўртасидаги муносабатни кўрсатувчи нутқий одат (этикет), хурмат ифодалаш усуллари ҳам прагматиканинг ўрганиш соҳаси саналади», деб ҳисоблайди. Дарҳақиқат, тилда лингвистик хурматнинг ўрганилишидан мақсад суҳбатнинг миллий специфик стратегияларини аниқлаб, уйғун ва низоларсиз кечишини таъминлашдир. Зеро, лингвистик хурмат категорияси сўзловчи ва тингловчининг хурматини сақлаш, иззатини жойига қуйиш каби коммуникатив стратегиялар ва тактикалар мажмуидир.

Ижтимоий аспектлар саналган ўзаро масофани сақлаш ва субординацияга риоя қилиш хурмат шаклининг асосини ташкил қилувчи компонентлар сирасига киради. Шу мулоқотдошларнинг ижтимоий мавқеини ҳам назардан қочирмасликни талаб қилишини эслатиб ўтади:

1) сўзловчи ва тингловчининг ижтимоий позицияси тенг бўлиши лозим;

2) сўзловчи тингловчи билан бир-бирларини яқиндан таниши лозим.

Ҳинду қабиласи эркалари ўз сингисининг исмини тилга олмайдилар. “Нега, айтиш мумкин эмасми?” деб сўрашса, “Мен уни жуда хурмат қиламан”, деб жавоб беришади. Л.Блумфильд таъкидлашича, бу табунинг бир кўринишидир. Бундан келиб чиқадики, хурмат категорияси нафақат тил бирликлари ёрдамида ўз ифодасини топади, балки табу ҳодисаси орқали ҳам намоён қилинади.

Маданиятлараро мулоқотда турли фанларнинг тадқиқот объекти бўлган хурмат категорияси универсал коммуникатив стратегиялардан бири сифатида хурмат/беҳурматлик биполяр моделига эга. Рус тилида *-ка* юкламаси хурмат шаклини интенсификация қилиш жараёнида кенг ишлатилади: қўлланиш миқдори жиҳатидан мурожаатларда аввало исмни айтиб чақириш биринчи ўринда, эркалаш-кичрайтириш иккинчи ўринда ва учинчи ўринда *-ка* юкламаси кўп қўлланилади.

Олимнинг фикрича, рус тилидаги *бы* юкламаси хурмат даражасини ўстира олиш имконияти мавжудлиги билан, *-ка* юкламаси эса феъл ёрдамида ифодаланган талабни юмшатиши, қатъиятликни сусайтира олиши билан ахамиятлидир. Шунингдек, немис тилида *bitte* юкламаси

иштирокида илтимосни ифодалаш ҳурмат билан сўраш саналиб, у ҳурмат актуализатори сифатида қаралади. У мулоқот тактини сақлаб қолишда меъёрга таянган ҳолда юмшоқ ёки мулойим муомала қилишга ёрдам беради. Такт бу меъёрни ҳис қилиш демакдир.

Юкламалар ҳурмат функциясида қўллаш мулоқотдаги инсон омилига боғлиқ бўлиб, бунда сўзловчининг ҳурмат-эҳтироми, одоби ва назокатли муомаласини билдиради. Бунда суҳбатдошнинг ижтимоий тажрибаси асқотади.

Юкламаларнинг ҳурмат шакли муаммосини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар замонавий тилшуносликда ҳар хил йўналишда ва турли тиллар мисолида олиб борилмоқда. Немис ва япон тиллари юкламаларини қиёслаган А.Вернер немис тилида *mal, denn, vielleicht, doch* юкламалари ҳурмат категориясида вазифа бажаришини айтиб ўтади, у юкламаларни луғатларга киритишда интеракция функциясига урғу бериш заруриятини тилга олади.

С.Вурал *eigentlich, doch, denn, mal* юкламалари буйруқ-истак гапларда ҳурматни англатувчи индикатор эканлигини баён қилади.

М.Турмайер *dass*-гаплар тоқатсизликни англатиши *wenn*-гаплар ҳар доим ҳурматни акс эттириши, *doch* юкламасини қабул қилмаслиги, ҳамда ушбу гап турлари *schon* юкламаси билан қўллана олишига эътибор қаратади.

Директив нутқ актида юкламани элиминация қилиш гапнинг ҳурмат жилосини йўқотиш демакдир. Чунки *mal* юкламаси конвенционал, яъни шартли саналади. “Эркин ҳурмат ифодаланган таклиф” фреймида *einmal* юкламаси ҳам ҳурмат, мулоқотнинг эркин кечаётганидан дарак бериб, директиваларда қўлланилади тингловчидан ижобий жавоб кутилаётганлиги олдиндан дастурланади. *Vielleicht* сиз сўроқ немис тилида кескин, беандиша эшитилади. Унинг ўрни бошқа ҳурмат шаклини ифодалайдиган иборалар билан қопланади.

Vielleicht деярли ҳар доим урғусиз бўлиб, ушбу юклама билан ҳурмат шаклини ифодалаш шаклан ва мазмунан энг қисқа саналади. У қулайўриналмаштиришвоситасаналади. Истак-

талабгапниилтимосшаклигаайлантираолади.

Vielleichtdenn юкламасибиланўриналмаштиришимумкин.

А.Вернер *doch, mal, halt, auch, vielleicht, denn, bloß, nun, nur, schon, etwa, ja* ва бир неча юкламалар ҳурмат маъносини ифодалашни, бироқ ҳурмат шакли юмшатиш эвазига, яъни буйруқ ва илтимосларни юмшатиш ва низоларнинг олдини олиш ва залворли, вазмин, салмоқдорлик иллокуциясини бахш этиш имкониятларига кўра кечишини, юкламаларнинг ўрни, асосан, директив нутқ актларида эканлигини таъкидлайди. Унинг ёзишча, юкламаларнинг шимолий герман тиллари: норвег, швед, дания, голланд ва фриз тиллари қаторида немис тилида ҳурмат категорияси унсури сифатида қўлланилиши узок маданият

соҳиблари томонидан бир оз қийин англанади. Бу билан олима немис тилида мазкур категория муҳимлик касб этишини кўрсатади.

Ҳурмат категорияси икки субмаксималарини ўз ичига олади: 1) олижаноблик кўрсатиш; 2) шерикнинг манфаатини, фойдасини кўзлаб ўзини тутиш.

А.Вернер немис ва япон тилларидаги модал юкламалар тизимини қиёсий ўрганиб, икки тилда ҳам модал юкламалар томонидан англашиладиган ҳурмат шакли мавжудлигини, япон тилида модал юкламалар корреляция ёрдамида сўроқ гап, инкор гап ва интонация билан алмашилишини қайд этади ҳамда аёллар ва эркаклар томонидан қўлланиладиган ҳурмат шаклини ифодаловчи паритикеллар орасида фарқ борлигини айтиб ўтади.

Шундай қилиб, нутқий мулоқотда ҳурмат категориясини ифодаловчи тил воситалари қаторида юкламалар ҳам ҳурмат функциясини бажаради. Юкламалар – лексик маънога эга бўлмасда, бошқа лексик ва синтактик бирликларга турли маъно жилосини берувчи, морфологик, синтактик, функционал-семантик, стилистик, прагматик, когнитив ва лингвомаданий хусусиятларга эга, аксиологик, суггестивлик, актуализаторлик, матн шакллантирувчилик, эмоционал-экспрессивлик, модификаторлик, интерактивлик ва семантик функцияларни бажарувчи, гапда модаллик ва ҳурмат категориясини ифодаловчи ёрдамчи сўз туркумидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Гак В.Г. Теоретическая грамматика французского языка.-Москва: Добросвет, 2000.-415 с.
2. Бондарко А.В. К анализу категориальных ситуаций в сфере модальности: императивные ситуации // Теория функциональной грамматики. Темпоральность. Модальность: Сб. науч. тр. / Отв. ред. Ленинград: Наука, 1990.-С. 264.
3. Юлюгина Л.В. Функциональные особенности немецких пресуппозитивных частиц в диалогическом дискурсе (в сопоставлении с русским языком): Дисс. ...канд. филол. наук.- Воронеж, 2005.-212 с.
4. Ҳақимов М. Ўзбекпрагмалингвистикасиасослари.-Тошкент: Академнашр, 2013.-176 б.

FITONIMIYA VA FARMAKOFITONIMIYANI O'RGANISHNING ZAMONAVIY TENDENSIYALARI

**Odilshoh Bobokalonov,
BuxDU mustaqil ilmiy izlanuvchisi**

Ushbu maqolada tilshunoslikda fitonimiya va farmakofitonimiyalarning termin sifatida paydo bo'lishi va uning xususiyatlari to'g'risida gap boradi.

Tarixiy jarayonda shifobaxsh o'simlik nomlarining o'rganilishida ayrim bosqichlari tahlil qilinadi.

Kalit so'zlar: fitonim, farmakofitonim, fitonimiya, farmakofitonimik sistematika, tilshunoslik va tabiat, fitonimiya tarixi

В этой статье обсуждается роль и значение фитонимии в лингвистике и ее основной составляющей фармакофитонимии. Проанализированы некоторые этапы изучения названий лекарственных растений в историческом процессе.

Ключевые слова: фитоним, фармакофитоним, фитонимия, фармакофитонимическая систематика, лингвистика и природа, история фитонимии.

This article discusses the role and importance of phytonymy in linguistics and its main component of pharmacophytonymy. Some stages of studying the names of medicinal plants in the historical process are analyzed.

Key words: phytonym, pharmacophytonym, phytonymy, pharmacophytonymic systematics, linguistics and nature, history of phytonymy.

Inson tamaddunining rivojlanish bosqichlaridan inson va tabiat orasida chambarchas bog'liqlik uzilmas rishtalar tabiat qonuniyatining bir zanjiri sifatida namoyon bo'lib kelmoqda. Tabiiyki, inson tabiat ila tirik. O'z dardiga shifo istagan jamiyki mavjudotlar hayvonot va nabodot sirli olamiga murojaat etishi rad etib bo'lmaydigan jarayon sanaladi. Inson tabiatni o'rganishi, xususan bizni o'rab turgan atrof-muhitdagi shifobaxsh o'simliklarining dorivorlik xususiyatlarini kashf etishi va natijani til va nutq jarayoniga tadbiq etilishi tilshunoslikda fitonimiya sohasining paydo bo'lishi, shakllanishi va rivojlantirishga ehtiyoj paydo bo'ldi. Bu fanning yaralishida farmakofitonimiya sohasining o'rni nihoyatda beqiyos sanaladi. Farmakofitonimiya – yunoncha “phármakon” dori, afyun, “phutônumos” – o'simlik nomi so'zlaridan kelib chiqqan bo'lib, fanga atama tariqasida rus olimasi O.G.Rubsova tomonidan tavsiya etilgan[7, 218]. Tilshunoslik sohasi sifatida ushbu tushuncha har qanday millat tilida mavjud bo'lgan va mavjudligining madaniy, geografik va diniy xususiyatlarini aks ettiradigan eng qadimgi leksiko-semantik guruhlaridan birini tashkil qiladi. Xalq orasida shifobaxsh o'simlik nomlarini mujassamlashtiruvchi farmokofitonimiya sohasi eng qadimgi mikrosistemalardan biri bo'lib, unda shifobaxsh xususiyatga ega bo'lgan o'simlik dunyosini insonni o'rab turgan tabiatning ajralmas in'omi sifatida madaniy-mifologik va amaliy bilish tajribasi namoyon bo'ladi. Tilshunoslik fanining bir kichik tarmog'i sifatida farmakofitonimiya sohasi shifobaxsh o'simlik nomlarining lug'aviy ko'lamini o'rganish, tasniflash, ta'riflashdan tashqari leksik-semantik, etimologik va shu kabi lingvistik tahlil va metodlar asosida o'rganilishini ko'rsatib beradi. Albatta bu yo'lda tilshunoslik, o'simlikshunoslik va tibbiyot fanlarining o'zaro bog'liklari yaqqol namoyon bo'ladi.

O'simliklar va boshqa tabiiy mahsulotlarning davolovchi, dorivor va shifobaxsh xususiyatlari ular tarkibida turli biologik faol moddalarning: uglevodlar, yog'li moylar, saponinlar, flavonoidlar, oshlovchi moddalar, vitaminlar, fitogarmonlar, mikro va makroelementlar mavjudligi bilan ifodalanadi. Ushbu xususiyatlariga ko'ra shifobaxsh o'simliklar nomlari alohida ajratib olinadi va bir tizimga solingan farmakofitonimik sistematikada mujassamlashtiriladi. Dunyo tajribasida bu kabi ishlar yetarlicha ilmiy tadqiq etilgan bo'lsada tilshunoslik nuqtai nazardan sohaga doir qilinadigan ilmiy izlanishlar va haligacha javobini kutayotgan lingvistik muammolar mavjud.

O'simliklar, xususan shifobaxsh tarkibga ega fitonimlar to'g'risidagi dastlabki ma'lumotlar qadimgi sharq va g'arb xalqlari qo'lyozmalarida uchraydi. Tarixiy nuqtai nazardan ilk bor miloddan avvalgi 4-3 ming yillikda Mesopotamiyadan olingan oddiy xurmolardan foydalanishni tartibga soluvchi birinchi tibbiy yo'riqnoma ilk tarixiy manba sanalsada, ammo dorivor o'simliklar azal-azaldan, insoniyat yaralgan davrlardan buyon davolanish uchun ishlatilgan bo'lishi tabiiy hol [1]. O'simliklarni tekshirishga bag'ishlangan eng qadimgi ma'lumotlar yunon faylasufi Aristotel ishlarida uchraydi. Aristotelning shogirdi Teofrast birinchi bo'lib o'simliklarning hayotiy shakllari tasnifini bergan, o'simliklarni daraxtlar, butalar, yarim butalar va o'tlarga ajratgan. Teofrast botanikaning otasi hisoblanadi. X-XI asrlarda yashagan vatandoshlarimiz Beruniy va Ibn Sino asarlarida ham shifobaxsh o'simliklar to'g'risida ko'plab ma'lumotlar keltirilgan. Xususan, Beruniyning mashhur «Kitob as-saydana fit-tibb» asarida Sharq, ayniqsa Markaziy Osiyoda o'sadigan dorivor va shifobaxsh o'simliklarning to'la tavsifini bergan. Jumladan, «Kitob as-saydana fit-tibb» asarida 1116 tur va turkum nomlari tavsiflanadi. Shundan 750 turi fitonimlardan, 101 turi zoonimlardan, qolgan 255 turi minerallardan iborat. «Kitob as-saydana fit-tibb» asarining asosiy xususiyatlaridan biri shundaki, unda Abu Rayxon Beruniy dorishunoslik o'zi alohida fan bo'lishini ta'kidlab, shu bilan farmakologiya hamda farmakognoziya fanlarini asoslab berdi. Sharq dorishunosligi, tabobat tarixi kabi sohalarda ilmiy faoliyati olib borgan sharqshunos olim Ubaydulla Karimovning sa'y harakatlari ila ushbu tarixiy manbalar o'zbek va rus tillarida nashr etildi [6].

Hozirgi kunda barchamizni tashvishga solayotgan, o'simliklar qoplaminig biosferadagi ahamiyati, biosferaning eng muhim komponenti sifatida ularni muhofaza qilish, o'simliklar dunyosi genofondini saqlash, o'simlik boyliklaridan oqilona foydalanish muammolari birinchi o'ringa chiqdi. Bu masalalar tilshunoslik sohasida ham muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki, har qanday axborotni nutqda tashkil qilish, ishlab chiqarish va uzatish uchun asosiy vosita bu tildir. Til lug'ati, shu jumladan farmakofitonimlar leksikasi o'zida mujassamlashtirgan izohli, tarjima hamda ko'p tillik lug'atlarini yaratish, tizimlashtirish vazifalari nafaqat hozirgi o'zbek tilshunosligi uchun balki tibbiyot, farmasevtika va albatta o'simlikshunoslik sohalari uchun dolzarb tadqiqot manbai hisoblanadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. AUBRY Isabelle, L'herboristerie : historique et devenir, thèse de doctorat en pharmacie, Université René-Descartes Paris V, 1993.
2. Bobokalonov, O. (2020). Linguo-Cultural Peculiarities of the Phraseological Units with Pharmacophytonyms Components. International Journal of Progressive Sciences and Technologies, 23(2), 232-235.
3. BOBOKALONOV, R. O. (2021, March). INTERNATIONAL MEDICAL TERMS FROM FRENCH TO UZBEK LANGUAGE. In E-Conference Globe (pp. 136-144).
4. Juraeva, M., & Bobokalonov, O. (2020). Pragmalinguistical study of french-uzbek medicinal plant terminology. Electronic journal of actual problems of modern science, education and training: Modern problems of philology and linguistics, 6(1).
5. Shavkatovna, S. D., Ostonovich, B. R., & Isroilovna, T. G. (2021). LINGUOCULTUROLOGICAL ANALYSIS OF IMAGES-SYMBOLS OF LITERARY TEXT. International Engineering Journal For Research & Development, 6(TITFL), 236-238.
6. Очерки истории медицины в Средней Азии (в том числе в Узбекистане) с древнейших времен до середины XIX в., Т., 1993.
7. Рубцова О.Г. Названия лекарственных растений в разноструктурных языках (на материале русского, марийского, немецкого и латинского языков): дис. ... канд. филол. наук. Йошкар-Ола, 2015. 218 с.

ФЕРДИНАНД ДЕ СОССЮР ТАЪЛИМОТИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ

Бобокалонов П.Р.
БухДУ тадқиқотчиси

Annotation

This article explains the features of the development of system-structural linguistics, the concept of modality, the systemic aspects of the contradiction of simple and compound forms in the theoretical views of French linguists.

Keywords

Modality, Saussure's teaching, modern French, language theory, language tier, subject of speech

Европада XVIII аср бир қатор ёш грамматикачи файласуфлар учун мумтоз давр бўлди. XIX асрнинг охирида замон ва модаллик ўртасидаги тил муаммолари чуқур таҳлил қилинди.¹ Модалликнинг турли хил ходисалари ўрганилди.² Шарл Балли ўзининг “Умумий тилшунослик ва француз тилшунослиги” илмий асарида "модаллик" атамасига алоҳида

¹MishelBreal, Semantics Esse, 1897.

²CharlesBally. Lalinguistique généraleetla linguistique française (Umumiy tilshunoslik va frantsuz tilshunosligi), 1932.

урғу бериб ўтди: "Модаллик – бу гапнинг руҳи; у фикр каби моҳиятан нутқ мавзусининг фаол ишлаши учун ўйлаб топилган. Шунинг учун биз нима бўлишидан қатъий назар модаллик ўрнига бошқа ибора топилмагунча жумла қийматини белгилай олмаймиз. Аммо биз аллақачон бу атамани Фердинанд Брунода¹ ғоялар усуллари” ҳақида гапирганидан топишимиз мумкин.”²

XX асрнинг бошида шведцариялик тилшунос Фердинанд де Соссюрнинг шогирдлари Шарл Балли, Алберт Сешезэй ва Алберт Рейдлингер ўлимидан кейин унинг "Умумий тилшунослик курси"ни нашр этилишини таъминладилар. Шарл Балли устози изидан бориб, Буффоннинг “услуг одамдир, ҳатто” иборасига кўра унинг “Чиройли ёзув” қоидалари анъанавий концепциясига (бу концепция соссюрча маънода, тилга қарши) ўз нуқтаи назарини маълум қилди. Бир томондан у стилистиканинг меъёрий тенденцияларини инкор этди, чунки бу фаннинг мақсади ёзув санъатини баён қилиш эмас, иккинчи томондан, бу ёзувчиға, адабиётға, ёзма матнға қизиқиш орқали тилға мурожаат қилиш мумкин эмас.

Шарл Балли умумий лингвистика масалалари билан қизиқиб, ўзининг икки асарида³ Фердинанд де Соссюрнинг ғояларини қўллаб-қувватлади ва бошқача ёндашув асосида тилни ўрганиш билан боғлиқ барча муаммоларни ўз ичига олган қарашларини кенгайтди.

Шарл Бруно "хукм муддатлари" атамаси остида модалликнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумот берган эди. Таъкидлаш жоизки, бу китоб бир неча марта (унинг сўнги "Précis de grammaire historique de la langue française" номли асари мукамал шаклда) қайта нашр этилди.⁴

Густав Гиййом ҳам замонавий француз тилига бағишланган биринчи тадқиқотини 1919 йилда амалга ошириб, унда сўз маъносининг кўплаб турли нозик кўринишлари намоён бўлишини таъкидлаган эди. У эрта йигирма ёшида отнинг мавжудлигининг икки ҳолати – нутқ вазиятидан олдинги кучли ҳолат ва нутқда вазиятидан кейинги кузатиладиган самарали ҳолатни кузатиб фарқлади. От маъносининг кучли ҳолатдан самарали ҳолатға ўтишини отнинг белгиси сифатида баҳолади. Гиййом шу тариқа тил назариясини таҳлил қилишнинг биринчи тамойилини аста-секин яратди, яъни тил ва нутқ босқичида сўзловчи тилнинг ҳар икки даражасининг фарқини ҳар жойда ажралиб туришини аниқлаб берди. Бунда тилнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатға ўтишиға имкон берадиган

¹Ferdinand Brunot. *Fikrvatil*, 1922.

²Charles Bally. *Linguistique générale et linguistique française* (Umumiy tilshunoslik va frantsuz tilshunosligi), 1932.

³L'Arbitraire du signe, valeur et signification, in *Le Français moderne*, VIII, 1940; *Linguistique générale et linguistique française*, 1932 et 1944.

⁴Қаранг: Ferdinand Brunot. *L'inscription de la parole*. *La Nature*. 16 juillet, 1892. Ferdinand Brunot. *L'Histoire de la langue française*, (1905-1938) en 11 tomes. Les tomes X et XI ont été publiés à titre posthume, (1939-1979). XII et XIII, (1948-1972).

фикрлаш операцияси эҳтиёж зарурияти бўлиб хизмат қилади. Айнан шу назарий қарашини Гиййом ўзининг “тилни таҳлил қилишда вақтнинг оператив параметрини киритиш зарурияти” билан изоҳлаб, ўзининг иккинчи асари “Замон ва феъл” (Temps et verbe, 1929)да илмий асослади. Бу асар феълда ифодаланган замон муносабатини лингвистик нуқтаи назардан тўғри тасвирлашга ёрдам берди. Гиййом нутқ жараёнининг тилдан фарқли жиҳатларини эътироф этиб, контейнер ҳолатида ифодаланган жараённинг давомийлигини турли йўллар билан жойлашига қараб алоҳида тизим ҳосил қилиши мумкинлигини таъкидлаб, шу майл-муносабат ва замон муносабатларига хроногенез (унинг бирлиги “хронез”) номини берди.

Шундай қилиб, ҳар қандай операция “хронез”и жуда қисқа вақтни талаб қиладиган фикр операциясига тўғри келади. Оператив ҳаракат вақтини белгилловчи рамзий хронез шу ҳаракат ривожланишининг вақт билан боғлиқликда доира ўқи бўйлаб нутқни бир нуктага ушлаб турадиган тил ярусидир. Хронез оператив вақт ичида эртами-кечми содир бўлиши кутилаётган нутқ шароитида мос келадиган борлиқ ва воқелик ҳақида кам ёки кўп аниқ тасвирни беради.

Ҳар бир замон оперативида универсал замоннинг кам ёки кўп хусусияти – хроногези – вербал майлга алоқадор бўлади. Ҳар бир вербал майл остида феъл замонларининг бири бошқасидан фарқ қиладиган кўплаб майл-муносабатлар зиддиятидан иборатки, уларнинг тугалланмас вазифавий хусусияти ўзаро қандай зиддиятда туриш ўрнининг қиймати билан аниқланади.

Француз тилида феълнинг содда ва қўшма шакллар зиддияти тизим аспектига асосланади ва ҳар қандай жараённинг қарама-қаршилиги аспект тизимида, шунингдек, ҳар қандай жараённи давомийлигининг ички қисмида ифодаланиши мумкин бўлган систематик позициялар тўпламига асосланади. (**имменант аспект**: boire ; boit ; buvait – ичмоқ; ичяпман; ичар эди ва ҳоказо) ёки давомлиги ташқи кўринишда (**трансцендент аспект**: avoir bu; a bu ; avait bu – маст бўлмоқ; маст бўлган; маст бўлган эди ва бошқалар).

У шу ўринда: “Нутқнинг “феъл” деб номланган қисми ушбу шароитда нутқ субъекти учун мавжуд бўлган тизимлар тизими сифатида пайдо бўлади ва унга гапни шакллантириш зарур бўлганда, феъл маъносининг мазмунини тузишга имкон беради. Ушбу кашфиётга асосланиб, Гиййом нутқ ҳаракати пайтида турли хил сўзларни қуриш усулини таҳлил қилишга, яъни уларнинг тузилишини шартлаштирадиган турли хил психосистемаларни қайта тиклашга ҳаракат қилади,” деб тушунтиради.¹

¹GustaveGuillaume, Tempsetverbe. Théoriesdesaspects, desmodesetdestempsuivideL'architectoniquedutempsdansleslanguesclassiques, Honoré Champion, Paris, 1984 (original 1929), ISBN 2 85203 129 9.

Хуллас, Фердинанд де Соссюрнинг таълимоти эҳтиёж даражасида такомиллашиб, Европа худудидан бутун дунё бўйлаб ёйилди.

Foydalanilganadabiyotlar

1. Elektronmanba: <http://patrick.boylan.it/text/boylan> 35.htm. 2013
2. CEFR, 2001 yil - UmumiyEvropastandarti, tillar: o'rganish, o'rgatish, baholash, 2001. EvropaKengashi. Parij: Les Editions Didier.
3. Claes, M.- T., 2003. [2013 yiloktyabr] Ta'limdagimadaniyatlararoolchov: http://francparler-oif.org/FP/articles/interculturel_claes.htm.
4. Clanet, C., 1993. Madaniyatlararo: yondashuvlarga kirish ta'lim va gumanitar fanlarbo'yichamadaniyatlararotadqiqotlar. Tuluza: Mirailuniversitetimatbuoti.
5. Cosmidou, O., 2003. Ko'ptillilikto'g'risida. Chet tillarmarkazi, Gumanitarfanlarfakulteti, Kaunas TexnologiyaUniversiteti, Kaunas, Litva: ramute.vingeliene@ktu.lt
6. Lola Ikromova Scientific And Theoretical Views About The Description Of The Notion Frame In Linguistics
7. Hojjeva G.S. LINGUVOCULARY PROPERTIES OF ART TERMS (On the example of French and Uzbek languages). International Journal of Progressive Sciences and Technologies (IJPSAT) Volume: 25 No. 1 2021, – P. 09-15.
8. Qurbonov S.Q. Lehrer des Lehrstuhlsfür deutsche und französischeSprachen der Staatlichen Universität zuBuchara, page 176. MATERIALS OF THE INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL CONFERENCE “THE IMPORTANCE OF TEACHING FOREIGN LANGUAGES IN TRAINING CONTEMPORARY OFFICERS”.
9. GulchehraHojiyeva. NATIONAL IDENTITY AND LINGUISTICAL ANALYSIS OF TRANSLATION OF ART TERMS IN UZBEK LANGUAGE. Journal of Contemporary Issues in Business and Government. P- ISSN: 2204-1990. Vol. 27, No. 2, 2021. Pages 1651-1660. DOI: 10.47750/cibg.2021.27.02.174https://cibg.org.au/article_9597.html
10. Худоев С. (2021). ПРАКТИЧЕСКИЕ МЕТОДЫ И ПРИЁМЫ ПОВЫШЕНИЯ МОТИВАЦИИ ОБУЧЕНИЯ НА УРОКАХ НЕМЕЦКОГО ЯЗЫКА. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 1(1). http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/1548
11. Ikromova L.B, Nabiyeva Z. Rasulova M. “The similarities and differences of proverbs with other genres”. Scopus. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 06, 2020 ISSN: 1475-7192 <https://www.psychosocial.com/article-category/issue-6/>
12. Juraeva M.M. Theoretical Views of Concept, Frame, Tale-Concept, Tale-Frame in Cognitive Linguistics. International Journal of Engineering and Advanced Technology (IJEAT) Volume-8, Issue-5S3, 2019. – P. 392-395. <https://www.ijeat.org/wp-content/uploads/papers/v8i5S3/E10840785S319.pdf>
13. Kuldasheva N.B. THEORETICAL VIEW POINTS OF LINGUISTS ON TERMINOLOGY. SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS International

Scientific Journal. Theoretical & Applied Science, p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) 2019 Issue: 12 Volume: 80. 2019. – P.<http://T-Science.org>;

14. Jo'rayeva M.M., Hojiyeva G.S. O'zbekcha-fransuzcha fransuzcha-o'zbekcha lug'at(dictionnaire ouzbek-françaisfrançais-ouzbek). Musiqa va san'at sohasiga oid ikki tilli lug'at. Buxoro, 2019 . – B. 184.

15. Kuldasheva N.B. Lexic-semantic Features of Sport Terms. International Journal of Engineering and Advanced Technology (IJEAT) Volume-8, Issue-5S3 2019. – P.376-378.

16. Kuldasheva N.B., Kuldashev A. SOME DIFFERENT DIFFICULTIES IN SPORTS EXERCICES. SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS International Scientific Journal. Theoretical & Applied Science, p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) Year: 2019 Issue: 12 Volume: 80 Published: 30.12.2019, <http://T-Science.org>;

ANALYSE STRUCTURALE DES TERMES MÉDICAUX DANS LES LANGUES FRANCO-OUZBÈKE

Bobokalonov Rajab
BuxDU, II bosqich magistranti

Le terme n'est peut-être qu'un des éléments du code, mais il a une très grande importance, car il sert à exprimer de façon concise une réalité qui peut exiger parfois plusieurs lignes. Le traducteur médical doit donc se familiariser avec les termes médicaux et surtout ne pas se faire piéger, car leur forme est parfois trompeuse. Il arrive que l'étymologie, grecque ou latine, ne soit pas d'un grand secours à cause de l'évolution du sens de ces termes.

La maîtrise du vocabulaire médical repose sur la connaissance des racines grecques et latines. L'étymologie est donc essentielle à l'apprentissage de ce vocabulaire. Le sens, par exemple, d'endomérite peut facilement être appréhendé à partir de ses éléments de formation d'origine grecque: le radical *métr-* (matrice), le préfixe *endo* (à l'intérieur) et le suffixe *-ite* (inflammation). Ce terme désigne une inflammation de la muqueuse utérine. Celui de mégacaryocyte peut aussi être facilement appréhendé: formé de *méga* (grand), de *karyon* (noyau) et de *kytos* (cellule), ce terme désigne une cellule à gros noyau.

Ce lien reste arbitraire mais Ferdinand de Saussure a émis l'idée que c'est par le contraste des signes entre eux, cette opposition, qui leur permet de se constituer les uns par rapport aux autres. Ce lien a été ensuite complété à maintes reprises et visuellement illustré par le triangle sémiotique.

Signifié - Signifiant - Référent

Schéma 1. Triangle sémiotique de Ferdinand de Saussure

Si l'on considère le triangle « *signifié/signifiant/référent* », on retrouve bien une cogénération et une interdépendance entre les trois éléments.




Schéma 3. Double triangle semiotique de Christophe Roche

Du point de vue de leurs structures formelles, nous distinguons deux groupes principaux de dénominations terminologiques: termes-mots et termes-syntagmes. Les termes-mots sont simples ou résultent des formations morphologique (dérivation) ou morphologique et syntagmatique (composition, confixation) ou encore de la réduction. Il s'agit des unités terminologiques graphiquement simples, c'est-à-dire formées par un mot. Les termes-syntagmes résultent de la formation syntagmatique. Il s'agit des unités terminologiques graphiquement complexes, composées de deux ou plusieurs mots¹.

Il est important de souligner que les structures lexicales et conceptuelles que l'on peut extraire de textes ne se superposent pas avec la conceptualisation du monde : dire n'est pas concevoir. L'oublier c'est aboutir à des systèmes non réutilisables dépendants d'un corpus donné qui ne peuvent être qualifiés de systèmes notionnels ni de terminologies. La variabilité du signifié ne permet pas de cerner la stabilité du concept. Se focaliser uniquement sur le discours scientifique et technique, c'est oublier que la terminologie résulte avant tout d'une activité scientifique. C'est-à-dire d'une activité qui consiste à comprendre, modéliser et représenter un réel et des modes de raisonnement dans un système formel afin de décrire, vérifier et prédire certains faits. Cette activité, propre à l'ingénieur, suppose d'une part la capacité à appréhender la réalité et d'autre part la capacité à l'exprimer dans une théorie donnée. Pour cela il est nécessaire de redonner à l'ingénieur une place centrale au sein de la terminologie.

Les termes-mots dérivés sont selon l'affixe préfixés, suffixés ou parasynthétiques (dérivation multiple).

Les préfixes formant les termes nouveaux sont, pour la plupart, d'origine grecque ou latine (préfixes savants): *micro-*: *micro-usinage*, *micromoteur*, *micromachine*, *micro-injection*, *micro-bouturage*, *microquasar*; *hyper-*: *hypermédia*, *hyperdocument*; *nano-*: *nanoéruption*; *quasi-*: *quasicristal*; *semi-*:

¹Néologie terminologique en français contemporain à partir des *Cahiers de termes nouveaux* 1991, 1992

semi-rail; super-: *superaspartame*; exo-: *exophalange*, *exosquelette*; eu-: *eusociété*; trans-: *translocation*; per-: *pervaporation*.

Le type de dérivation par les suffixes et préfixes d'origine latine ou grecque se rapproche fort de la confixation ou de la composition savante; la structure formelle des termes-mots ainsi dérivés rappelle celle des termes mots confixés, où les confixes grecs ou latins se combinent entre eux: *morpho synthèse*, *stéréo lithographie*, *organogenèse*, *magnétoencéphalographie*, *radio immunothérapie*, *métallo plasturgie*; ou encore s'ajoutent à des mots français: *télé relève*, *immuno-adhésion*, *magnéto glisseur*, *phytomédicament*.

Le moyen le plus productif, selon les résultats de l'étude, est syntaxique, c'est-à-dire la formation de combinaisons terminologiques à deux, trois et quatre composants à la suite de la complication de processus, d'objets et de phénomènes.

Pour les combinaisons terminologiques à deux composants, la structure caractéristique est Nom + Nom / N + N ; Adjectif + Nom / A + N et Nom + Verbe / N + V. Par exemple: a) lèvre de lièvre → губы зайца → **quyon lab**. b) fente palatine → волчья пасть → **bo'ri og'iz** (N + N); c) **husnbuzar** (N + V) - acné juvénile (N + A).

Les combinaisons terminologiques à trois composants sont caractérisées par la structure Nom + Nom + Nom / N + N + N: *syndrome de la queue de cheval* – **ot quyrug'i sindromi**, et Adjectif + Nom + Nom / A + N + N: *acné polymorphe juvénile, obstruction intestinale dynamique* (N + A + A) etc.

La plupart des termes-syntagmes sont composés de deux mots et la structure N < A prédomine: *veille technologique*, *balistique biologique*, *étiquette électronique*, *ordinateur biologique*, *mutation homéotique*, *coefficient synaptique*, *étoile magnétique*, *réalité virtuelle*, *serrure vocale*, *insuline nasale*, *gant sensitif*, *nez électronique*.

Plusieurs termes-syntagmes à deux éléments ont des synonymes de forme simple:

balistique biologique = *biolistique*,
protéine homéotique = *homéoprotéine*,
ingénierie parallèle = *IP*,
étiquette à puce = *étiquette-puce*,
canon à particules = *micro-canon*,
gène à homéobox = *homéogène*.

Le discours scientifique et technique « mélange » différents systèmes sémiotiques. La langue naturelle côtoie un langage symbolique et joue par rapport à ce dernier le rôle d'une métalangue – d'une glose – décrivant, expliquant, interprétant le langage symbolique. Ces systèmes sémiotiques ne répondent pas aux mêmes lois. Ils sont mobilisés par différentes pratiques qui ensemble constituent




Schéma 2. Le terme et le concept par Christophe Roche

la terminologie proprement dite.

Ces différentes pratiques sont liées à la compréhension des objets du monde, à leur représentation à des fins de manipulation et aux discours auxquels ils peuvent donner lieu. Même si ces pratiques sont liées, il est important de les distinguer et d'étudier les rapports qu'elles peuvent entretenir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Mirziyoev Sh.M. Erkin va farovon demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. – Toshkent: O'zbekiston, 2016. – B. 56.
2. Guérin S. «Emploi de termes hybrides gréco-latins dans le langage médical». Les Presses de l'Université de Montréal, Meta, 46 (1- 7), 2001.
3. Tursunov U. O'zbek terminologiyasi masalalari. –Toshkent, 1933, 18-19-b.
4. Bouché, P. Les mots de la médecine, Paris, Belin, 1984. – 51 p.
5. Rajab B. English Explanation Of Medical Hybrid Terms With French Prefix "Anti" //International Journal of Progressive Sciences and Technologies. – 2021. – T. 25. – №. 1. – C. 352-356. DOI: <http://dx.doi.org/10.52155/ijpsat.v25.1.2838>
6. Bobokalonov R.O. International medical terms from french to uzbek language (Fransuztilidano'zbektiligao'zlashganbaynalminaltibbiyterminlar) // E-Conference Globe, – 2021, p. 136-144

NEMIS VA O'ZBEK TILLARIDA "VATAN" KONSEPTIVA UNING LINGVOKULTUROLOGIG TALQINI

Hayotova Dilafro'z Zoyirovna
Buxoro davlat universiteti "Nemis va Fransuz tillari "kafedrasi o'qituvchisi

Annotatsiya. Mazkur maqolada tilshunoslik fani, uning yangi yo`nalishli bo'lgan lingvokulturologiya, konsept, vatan konseptining o'zbek va nemis tilidagi talqini to'g'risida fikr yuritiladi. Qolaversa, vatan konseptiga doir olimlarning nazariy qarashlari haqida ma'lumotlar beriladi

Tayanch so'zlar: lingvokulturologiya, termin, tushuncha, vatan, konsept, leksema sxema, etnografiya, psixologiya, ssenariy.

Аннотация. В данной статье речь идёт о языкознании, о новом направлении в языкознании культурологии, о концепте, об интерпретации концепции родины на узбекском и русском языках. Представляются разные научные воззрения учёных о современном концепте.

Ключевые слова: лингвокультурология, терминология, понятие, родина, лексема, концепт, рамка, схема, гештальт, прототип, сценарий.

Annotation. This article is about linguistics, a new direction in linguistics of cultural studies, the concept and the interpretation of the concept of the motherland in Uzbek and Russian. It also gives an idea of the theoretical views of conceptual scientists.

Key words: linguoculturology, terminology, concept, motherland, lexeme, concept, frame, diagram, gestalt, prototype, script.

Lingvokulturologiya tilshunoslikning yangi yo‘nalishlaridan biri bo‘lib, til va madaniyatning to‘qnashuvi asosida hosil bo‘lgan va bir vaqtning o‘zida barcha xalqlarning tilida aks etadigan madaniyat, urf-odat, an‘analarni o‘rganadigan fan hisoblanadi. Shuningdek, lingvokulturologiya fani orqali milliy qadriyatlar, an‘analar va madaniy shakllarning lison (ong) va tilni shakllantirishi; uni ma‘lum bir jamiyatga xos bo‘lgan qolipga solishi; mustaqil fikr yuritish ko‘nikmasini hosil qilishini ham o‘rganishimiz mumkin. Bundan shu ayon bo‘ladiki, lingvokulturologiya fanida tadqiq qilinayotgan til orqali nafaqat hozirda mavjud til xususiyatlarini, balki, o‘tmishda va hozirda shu tilda muloqot qilgan xalq madaniy hayoti, urf-odati va qadriyatlarini ham bilib olish mumkin. Demak, bu o‘rinda lingvistika (lingvokulturologiya) xalqlarni yanada chuqur o‘rganishda madaniyatshunoslik, tarix, psixologiya, etnografiya kabi fanlar bilan hamkorlik qilishini ta’kidlash joiz.

Lingvokulturologiya fanining tadqiqot obyekti sifatida, asosan, xalq og‘zaki ijodi namunalarini olishimiz mumkin. Negaki, ibora, maqol, matal, hikmatli so‘zva metaforalar asrlar osha lingvistik omil asnosida milliy qadriyat va an‘analar, umuman, o‘sha millat haqida to‘liq ma‘lumot saqlanib qolgan bebaho xazina sanaladi. Buyuk rus tilshunosi Larin iboralarga quyidagicha ta’rif bergan: “Iboralar har doim xalq dunyoqarashini, ma‘lum davrga xos ustuvor g‘oyalarni, jamiyat qurulishini ifodalaydi. Bu tong yorug‘i quyosh shu‘lasi orqali ayon bo‘lganidek aniq ifodalanadi”.

Ma‘lum bir tilni o‘rganish uchun unga qardosh tilni ham chog‘ishtirib ko‘rish va har ikkalasini qiyosan tadqiq etish tilshunoslik fani uchun yaxshi metodlardan biri sanaladi. Shunday ekan, lingvokulturologiyada ham bir-biriga har taraflama yaqin va o‘xshash bo‘lgan bir oilaga mansub tillarni o‘rganish yaxshi samara beradi. Zero, bazi holatlarda madaniy qadriyatlari, joylashish o‘rni, mansub bo‘lgan til oilalari, gramatik qurilishi, leksikasi jihatdan butunlay farq qiladigan tillar lingvokulturologik asnodan o‘rganilganda xalq og‘zaki ijodi namunalaridagi mavjud o‘xshashlik tadqiqotchini hayratga soladi. Qadimdan mavjud bo‘lgan “Buyuk ipak yo‘li” va boshqa iqtisodiy, siyosiy hamda madaniy aloqalar natijasida turli millat va elatlar adabiyotida paydo bo‘lgan ijod namunalarini bugungi avlodga meros qilib qoldirilganligini isbotlaydi.

XXI asrda lingvistika nafaqat aloqa-aralashuv vositasibo‘lmish tilni, balki millatning madaniy belgisini yoritib beradigan yangi yo‘nalishni ham tadqiq eta boshladi. Tilga bunday yondashuv V.Gumboldt va A.A.Potebn kabi olimlarning qo‘ygan tamal toshlari asosida bo‘ldi. Shu o‘rinda V.Gumboldtning: “Millatim tiliga qo‘yilgan to‘siq mening dunyoqarashimga qo‘yilgan to‘siq demakdir”, degan fikri har bir xalq tili uning madaniyati, urf-odati va hatto, dunyoqarashi bilan naqadar bog‘liq ekanligini yana bir karra isbotlaydi. Shunday ekan, har bir tilni o‘rganar ekanmiz, tadqiq etiladigan davr, millat, uning madaniy hayoti,

mavjud siyosiy tizim, mamlakatning iqtisodiy ahvoli kabi xususiyatlarni bilish va tadqiqot ishida aniqlangan ma'lumotlarni inobatga olish juda muhim omil sanaladi.

Til kishi yashayotgan haqiqiy hayotni tasvirlab bera oladigan muhim vosita hisoblanadi. Shu sababli g'arb davlatlari falsafasi bir necha ming yillar mobaynida "tilshunoslik ombori"dan unumli foydalangan holda boyib bormoqda. Hozirgi davr buyuk faylasuflaridan biri bo'lmish A.M.Xaydegger tilni "Qulayliklar uyi" deya ta'riflaydi. Shuning uchun ham, lingvistika – til haqidagi fan, har qanday ijtimoiy fanni o'rganish jarayonida muhim metodologik asos, baza (ombor) vazifasini o'taydi. Demak, xalqlar madaniyati yoki madaniyatshunoslik fanlarini o'rganish jarayonini ham tilshunoslik fanidan ayri holda tasavvur qilib bo'lmaydi. Shunday ekan, lingvokulturologiya fanida til nafaqat hozirgi xalqlar mentalitetini, balki qadimgi davr xalqlari dunyoqarashi, ularni o'rab turgan atrof-muhit, mavjud jamiyat va o'ziga bo'lgan munosabati ham o'rganiladi. Chunki, yuqorida sanab o'tilgan belgi-xususiyatlarning bari xalq tomonidan yaratilgan va asrlar osha avloddan-avlodga o'tib kelayotgan maqol, matal, ibora, metafora va hikmatli so'zlarda saqlanib qolgan. Shu narsa qiziqki, odamzot o'z ona tili va milliy qadriyatlarini yoshlikdan o'zlashtirgan, o'rgangan taqdirdagina, haqiqiy ma'nodgi insonga aylanishi mumkin. Negaki, xalqning eng nozik qadriyatlari va madaniyati shu til orqali gavdalanadi. Buni biz hammaga mashhur bo'lgan Tarzan va Maugli ismli bolalar hayotida sodir bo'lgan voqealar misolida ham ko'rishimiz mumkin. Zero, tug'ilganidan hayvonot dunyosiga tushib qolgan va shu sharoitda voyaga yetgan bolalarda hech qanday insoniy fazilat, madaniyat va hatto, lisoniy zabonning ham yo'qligi ularni o'z tengdoshlari va zamondoshlaridan tubdan ajratib turardi. Zotan, hayvonlar tilini o'zlashtirgan Maugli va Tarzan uchun shu jamiyat urf-odatlarini, an'analari va o'ziga xos bo'lgan madaniy hayot odatiy hol edi.

Atrofni o'rab turgan olam haqidagi ma'lumotlarning ko'pi insonlarga lisoniy omil asosida yetkazib beriladi. Shuning uchun ham, kishida moddiy olamdan ko'ra, ma'naviy olam qurshovi kuchliroq bo'lib, intellektual, milliy, ijtimoiy zarur bilimlarni shaxsiy leksikonda takomillashtirib boradi. Ko'p hollarda, hali amalda ko'rmagan va bilmagan voqea-hodisa, narsa-buyum, fan-texnika yangiliklari haqida qandaydir lug'at boyligi va uning izohlangan tasavvuri xalq ongida mavjud bo'ladi. So'z qo'llash mahorati ham kishining jamiyatga qanchalik moslashganini, barcha yangiliklardan xabardorlik darajasini ko'rsatadi. Ko'p hollarda, leksik qobiliyat insonning jamiyatdagi mavqeini ham belgilab beradi. Hatto, faylasuflar: "ma'lum so'zni butunlay anglab yetish uning moddiy holatini o'rganishni osonlashtiradi", deyishadi. Ya'ni, yaratilgan kashfiyotning o'zini ko'rishdan oldin uning nomlanishi va xususiyatlarini o'rganish qo'lga kiritilgan ishni tushunishni birmuncha yengil qiladi.

Demak, lingvokulturologiya fani ma'lum xalq madaniy hayoti, undagi yutuq va kamchiliklar, yaratilgan yangiliklar va kashfiyotlarni lingvistik omil

asosida o'rganadi, deyish mumkin. Shuningdek, lingvokulturologiyada insoniyat umri davomida mavhum saqlaydigan sir-sinoatlardan eng muhimi ya'ni, ma'lum bir xalqqa tegishli bo'lgan lingvistik abstrakt tushunchalar ham o'rganiladi. Uni ochish yoki javobini topish orqali millatning asrlar davomida qilgan ishlari, bajargan amallari hamda erishgan yutuqlari va hatto, boshqa xalqlardan sir saqlagan tilshunoslikka oid tushunchalarini ham bilib olish mumkin. Shunday ekan, bizning maqsadimiz tilshunoslik ortida yashiringan, barcha xalqlarga xos bo'lganichki va madaniy xususiyatlarni aniqlashdir.

Vatan — kishilarning tugilib o'sgan joyi, yurti, mamlakati, tarixan muayyan xalqqa tegishli hudud hamda uning tabiati, aholisi, o'ziga xos taraqqiyoti, tili, madaniyati, turmushi va urf-odatlarini majmuidir.

Vatan — (arab. vatan — ona yurt) kishilarning yashab turgan, ularning ajdod va avlodlari tug'ilib o'sgan joyi, hududi, ijtimoiy muhiti, mamlakati. Vatan kishi yoki avlodlar tug'ilib o'sgan va kamol topgan zamin, o'lkadir. Vatan ostonadan boshlanadi, deb bejiz aytmaydi xalqimiz. Tili, e'tiqodi, urf-odatlarini va milliy sifatlarini bir bo'lgan avlodlar yashagn va yashayotgan jo'g'rofiy muhit Vatanni ifoda etadi. Vatan — insonning o'z uyi-ro'zg'ori, yashab turgan diyori ma'nosida tushunilib, u keng va tor ma'noda ham qo'llaniladi. Biror xalq vakillari jamuljam yashab turgan, ularning ajdodlari azal-azaldan istiqomat qilgan hudud nazarda tutilsa, bu keng ma'nodagi tushunchadir. Kishi tug'ilib o'sgan uy, mahalla, qishloq nazarda tutilsa bu tor ma'nodagi tushunchadir. O'zbekiston xalqining milliy taraqqiyot yo'lidagi bosh g'oyasi - mustaqillikni mustahkamlash, ozod va obod Vatan, erkin va farovon hayot barpo etishdir. Milliy istiqloq mafkurasining asosiy g'oyalari o'zining moxiyati, falsafasi, jozibasini bilan bosh g'oyani xalqimizning qalbi va ongiga yanada chuqurroq singdirishga xizmat qiladi. Kishilarimizning ma'naviy yuksakligi vatanimiz ravnaqining kafolotidir. Vatan - insonning kindik qoni to'kilgan muqaddas zamin, uni kamolot sari etaklovchi tabarruk maskandir. U ajdodlardan avlodlarga qoladigan eng buyuk, bebaho meros, eng aziz xotira. Vatan- ota-bobolarimizning xoki poklari jo bo'lgan, vaqti-soati yetib har birimiz bosh qo'yadigan muqaddas zamin. Vatan - bu xalqning o'tmishi, buguni va kelajagi. Xalqimiz Vatan ostonadan boshlanadi, deb bejiz aytmagan. Kishi ulg'aygan sari uning Vatan haqidagi tushunchasi ham kengaya boshlaydi. Ostona, uy, mahalla, qishloq, shahar, tuman, viloyat va nihoyat mamlakat darajasiga ko'tariladi. Tushuncha va kechinmalar nuqtai nazaridan esa vatanparvarlik tarixiy taraqqiyot jarayonida paydo bo'lib, tashqi muhit va davrlar ta'sirida shakllangan va o'zgarib kelgan ijtimoiy-ruhiy tuyg'udir. Vatani bor odamning gurur-iftixori yuksak bo'ladi. Togdek tayanchi - Vatani borligini his etgan inson hayotning har qanday sinovlariga doimo tayyor turadi. Kurrai Zamin - Er sayyorasi butun jumla jahonda yashayotgan olti milliarddan ziyod xalqlar uchun Vatan hisoblansa, har bir xalq uchun taqdiran va tarixan ato etilgan hudud ona-Vatandir. Vatanni, ota-onani tanlamaydilar. Ular yaratganning o'zi

tomonidan berilgan ulug' va muqaddas ne'matdir. Ana shu ulug' ne'matni, asrab-avaylash, uning sarxadlarini gullatib-yashnatish o'z qo'limizda. Vatan so'zi hamisha ona so'zi bilan yonma-yon keladi. Bu shunchaki oddiy gap emas. Otasiga hurmatu ehtirom saqlagan farzand vatanni ham mukarram tutadi. Demak, dunyoda ona bitta, Vatan ham, Vatanga muhabbat tuyg'usi ham ilohiy bir ne'mat, shuning uchun ham u har bir kishiga aziz va muqaddasdir. Vatan insonning kindik qoni to'kilgan tuproq, uni kamol toptiradigan, hayotiga ma'no-mazmun baxsh etadigan tabarruk maskan. U ajdodlardan avlodlarga qoladigan buyuk meros, eng aziz xotira. Vatan - ota-bobolarimizning hoki poklari jo bo'lgan muqaddas zamindir.

“Vatan” konsepti ko'p qirrali bo'lib, unda xalqning o'tmishi, buguni kelajagi mujassamdir. Inson ulg'aygan sari uning vatan haqidagi tushunchasi ham kengayib boradi. Vatan har bir kishining qalbida yashaydi. Vatan atamasiga ulug'lar, donolar turli sifatlar berishgan. “Vatan-odamning kindik qoni to'kilgan yerdir” degan ta'rifga o'zbek yozuvchisi Tohir Malik quyidagi fikrlarni bildiradi: “Vatan-odamning kindik qoni to'kilgan yerdir” degan ta'rifga e'tiroz bildirmagan holda shartli tushuncha ekanligini ta'kidlaydi. “Agar tug'ilgan to'la ma'noda vatan bo'lganida edi, biz tomonlarda tug'ilib o'sgan nemislar, yunonlar, yahudiylar, Qrim tatarlari va yana boshqa millatning vakillari ota-bobolari yurtiga ko'chib ketmas edi”. Vatan ostonadan emas, balki har bir kishining qalbidan, vijdonidan boshlanadi. Vatanga muhabbatni jamlay olgan yurak faqat odam bolasiga xosdir.

Heimat so'zini etimologik tahlil qiladigan bo'lsak, bu so'zning paydo bolishi (Mittelhochdeutsch-1050 yildan 1350 yilgacha bolgan) 1050 -1350 yillarga borib taqaladi va *heimote, heimuote, heimoti* “joy, makon inson tug'ilgan joyi, o'zini o'z uyidek his qiladigan joy ma'nosini anglatadi. Nemis tilida *Heimat* so'zi fonetik o'zgarishga XV duch kelgan. XVII asrgacha bu so'z sredniy rodga qo'llanilgan. Hozirgi kunda biz bu so'zni jenskiy rod bilan ishlatamiz, ammo hozirgi kunda ham ba'zi hududlar shevasida sredniy rodga ishlatilyapti. *Heimlich* sifati ham XVIII asrdan boshlab olmon tilda qollanilgan va “vatanga ta'luqli, tugilib o'sgan joyga ta'luqli ekanligini bildiradi”. Aka-uka Jakob va Vilhem Grimmlarning “*Deutsches Wörterbuch*” kitobida *Heimat* va *Vaterland* so'zlarining asosiy ma'nolari haqida ma'lumotlar mavjud. *Vaterland* so'zi *Heimat* so'zidan keyin paydo bo'lgan. [8]

“*Das grosse Wörterbuch der deutschen Sprache*” kitobida *Heimat* leksemasini ikkita ma'noga ajratadi: a) *Land, Landesteil oder Ort, in dem man [geboren und aufgewachsen ist] oder sich durch ständigen Aufenthalt zu Hause fühlt (oft als gefühlbetonter Ausdruck enger Verbundenheit gegenüber einer bestimmten Gegend); b) Ursprungs-, Herkunftsland eines Tiers, einer Technik oder anderes.* Ularning birinchisida, insonning muayyan joyga, uning qaerda tug'ilganiga bog'liqligi haqidagi insoniy tuyg'ularga asoslanadi, bu qiymat insonning biror joyga bog'lanishiga asoslanadi. Leksemaning ikkinchi ma'nosi sof moddiy

asosni aks ettiradi, chunki u mamlakatning kelib chiqishini yoki hayvonot dunyosi yoki texnologiya dunyosining yaratilishini, kabi ma'nolarni ko'rsatadi. "Meyer neues Lexikon"da quyidagi fikrlar berilgan: "Heimat, subjektiv von einzelnen Menschen oder kollektiv von Gruppen, Stämmen, Völkern, Nationen erlebte territorial Einheit, zu der ein Gefühl besonders enger Verbundenheit besteht". Ushbu talqinda yana ma'lum bir hududga bog'lanish tuyg'usini haqida gap ketgan bo'lib, ammo bu bog'lanish shaxs yoki odamlar guruhida ularning subyektiv dunyoqarashi asosida shakllangan, lug'at tuzuvchilar bu odamning tug'ilgan joyiga bog'liqligini ko'rsatmaydilar. "Das Psychologie - Lexikon" kitobida insonning tug'ilgan joyga intilishi haqida gap boradi. Odatda bu inson o'sib-ulg'aygan va bolaligini o'tkazgan joyga bog'liqlik tuyg'usi ko'proq ma'lum bir landshaftda, o'ziga xos muhitda va millat va xalqida ko'proq namoyon bo'ladi. Umuman olganda, "ota-ona uyi" tushunchasi inson hayotida katta ahamiyatga ega, chunki vatandan uzoqda, "chet elda" yoki "begona yerda" inson o'z bolaligini, tug'libo'sgan joyini sog'inib yashaydi.[7]. Nemis tilida "Vatan" konsepti ikkita leksema bilan beriladi: *Vaterland* va *Heimat*. Bu ikki so'zning qo'llanilishi tarixiy voqealarga borib taqaladi. Germaniya ministiri bo'lgan faylasuf Y. Gebbel (16-mart, 1942 yilda) o'zining farmoyishida har bir kishi vatan uchun o'zini qurbon qilib, qahramon bo'lishi kerakligini ta'kidlaydi. Shu farmoyishdan so'ng olmon xalqi *Heimat* so'zi o'rnida *Vaterland* so'zini ishlata boshlashdi.[3]

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Jo'rayeva M.M. Fransuz va o'zbek ertaklarida modallik kategoriyasining lingvokognitiv, milliy-madaniy xususiyatlari. Monografiya. Fanlar akademiyasining "Fan" nashryoti. – Toshkent, 2016
2. Jo'rayeva M.M. Fransuz va o'zbek ertaklarida modallik kategoriyasining lingvokognitiv, milliy-madaniy xususiyatlari. Filolog fan diss Toshkent, 2017. – B. 45; 48
3. Игнатова. Е. М. Концерт Родина в социально-культурном контексте Германии. Вопросы филологии-2006-№С-8
4. Аскольдов С. Концепты слова Русская Словесность. М, 1997, – С.269
5. Арутюнова Н. Д. Воля и свобода / Н. Д. Арутюнова // Логический анализ языка. Космос и хаос. Концептуальные поля порядка и беспорядка. – М.: Индик, 2003. – С. 73–100.
6. Пименова М. В. Концепт сердце : Образ. Понятие. Символ : монография / М. В
7. Das Psychologie – Lexikon. - Deutschland, 2008
8. Akademie der Wissenschaften zu Göttingen Deutsches Wörterbuch von Jacob Grimm und Wilhelm Grimm. - Berlin, 2013.
9. Rahmatov, A. (2021). FLIPTEACHING» КАК ИННОВАЦИОННЫЙ СПОСОБ ИЗУЧЕНИЯ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА. ЦЕНТР НАУЧНЫХ

- ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 1(1). извлечено от http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/1542
10. Hayotova D.Z (2021). NATIONAL-CULTURAL LINGUOCULTUROLOGICAL FEATURES OF THE CONCEPT OF HEIMAT (HOMELAND) IN GERMAN AND UZBEK LANGUAGES. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 1(1). извлечено от http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/939
11. Lola Ikromova Scientific And Theoretical Views About The Description Of The Notion Frame In Linguistics <https://ijpsat.ijsh-t-journals.org/index.php/ijpsat/article/view/3147>
12. Mahmudova D.H. Sadriddin Salim Bukhariy's role in the development of the literary environment of Bukhara in the late XX and early XXI centuries. Scholastico-2021. Angliya – 2021. 92-96 b.
13. Kuldasheva N.B. THEORETICAL VIEW POINTS OF LINGUISTS ON TERMINOLOGY. SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS International Scientific Journal. Theoretical & Applied Science, p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) 2019 Issue: 12 Volume: 80. 2019. – P. <http://T-Science.org>;
14. Juraeva M.M. Theoretical Views of Concept, Frame, Tale-Concept, Tale-Frame in Cognitive Linguistics. International Journal of Engineering and Advanced Technology (IJEAT) Volume-8, Issue-5S3, 2019. – P. 392-395. <https://www.ijeat.org/wp-content/uploads/papers/v8i5S3/E10840785S319.pdf>
15. abbarova M.X. TWO STORIES - TWO DESTINIES Journal of Contemporary Issues in Business and Government Vol. 27, No. 2, 2021 <http://uniwork.buxdu.uz/hujjat.asp?id=4456>
16. Juraeva Nilufar Shukhratovna "THE MAIN AREAS (SPHERES) OF EUPHEMISMS AND TABOOS IN FRENCH LINGUISTICS" https://buxdu.uz/docs/jurnallar/ilmiy_axborot/ilmiy_axborot_5_son_2020.pdf#page=136
17. Adizova, O. (2021). В НАУЧНО-БИОГРАФИЧЕСКИХ РАБОТАХ АЗИЗА КАЮМОВА ОБ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ НАВЫКАХ СОЗДАТЕЛЯ. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 6(2). извлечено от http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/2055
18. Jumayev, E. (2021). Семантические особенности аффикса -(и)бди. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 5(5). извлечено от http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/2432
19. Bobokalonov R.R., Bobokalonov P.R., Hayatova N. "Meaning of canonical words-sentences in the spirit of tolerance" PHILOLOGY, INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL, N2(26), Volgograd 2020, 40-43 pp. <https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/article/view/562>

20. Akramov, B. (2021). Osobennosti terminologii turizma vo fransuzkom yazike. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 2(2). http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/1616

21. Кулдашова Н.Б. Француз ва ўзбек тилларида спорт терминологиясининг миллий-маданий хусусиятлари. PhD илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Б., 2020. –Б. 1-148.

22. Kuldasheva N.B. THEORETICAL VIEW POINTS OF LINGUISTS ON TERMINOLOGY. SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS International Scientific Journal. Theoretical & Applied Science, p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) 2019 Issue: 12 Volume: 80. 2019. – P.<http://T-Science.org>;

23. Kuldasheva N.B., Kuldashev A. SOME DIFFERENT DIFFICULTIES IN SPORTS EXERCICES. SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS International Scientific Journal. Theoretical & Applied Science, p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) Year: 2019 Issue: 12 Volume: 80 Published: 30.12.2019, <http://T-Science.org>;

‘SAN’AT’’TERMININING FRANSUZ VA O’ZBEK TILI LUG’ATLARI ASOSIDA LINGVO-MADANIY TAHLILI

Hojiyeva Gulchehra Salimovna
Buxorodavlatuniversitetimustaqiltadqiqotchisi
durbora@mail.ru

Annotatsiya

Mazkur maqolada tilshunoslikda terminologiyaning tutgan o’rni, bu borada dunyo olimlari tomonidan olib borilgan tadqiqotlar, “san’at” terminiga turli lug’atlar asosida berilgan ta’riflar, hamda ushbu so’z vositasida yasalgan san’atga oid atamalar va ularning xususiyatlari fransuz va o’zbek tili lug’atlari vositasida asoslangan.

Kalitso’z: til, tilshunoslik, terminologiya, san’at, san’at asari, havaskorlik, mahorat, art, les beaux arts, oeuvre d’art, art populaire.

Annotation

This article discusses the role of terminology in linguistics, research conducted by world scholars, definitions of the term "art" on the basis of various dictionaries, as well as terms related to art and their features are based on French and Uzbek dictionaries.

Key words: language, linguistics, terminology, art, work of art, hobby, skill, art, les beaux arts, oeuvre d’art, art populaire.

Tarixdan ma’lumki, insoniyatning eng buyuk kashfiyoti shubhasiz bu — “til”dir, zero insonni hayvondan ajratib turuvchi ham uning tili hisoblanadi. Tildagi so’z boyligini o’rganmay turib, xalqning o’zligini ifodalovchi boy ma’naviy me’rosi hamda tarixini mukammal bilib bo’lmaydi. Zero, har bir o’rganilgan til insonga yangi hayot bag’ishlaydi. Bir tilning mavjud

bo'lishi, davr bilan hamohang va barhayot yashashida nafaqat aynan shu tilga xos bo'lgan so'zlar, balki dunyo yangiliklarini o'zida aks ettirgan xorijiy atamalar ham muhim o'rin tutadi. Chunki til taraqqiyotidan ma'lumki, duyoda faqat o'zining sof til birliklariga — terminlariga ega bo'lgan biror til mavjud emas va bunday o'zga tillardan termin o'zlashtirish jarayoni to'xtovsiz davom etmoqda.

Tilda sodir bo'ladigan bu kabi holatlarni bevosita o'rganuvchi soha, tilshunoslikning muhim bo'gini hisoblangan *terminologiya* bo'lib, bugungi kunda ushbu sohaning eng oldinda turgan vazifalaridan biri — turli tillarni qitosiy o'rganishdir.

Terminologiyasohasidauzoqyillarmobaynidako'plabdunyooolimlaritadqiqot olibbordilar. Bu borada ko'pgina jahon olimlaridan, xususan, avstriyalik olim O.V.Nubasov, rus olimlari V.G.Gak, D.S.Lotte, O.S.Axmanova, S.O.Karsevskiy, V.V.Antimirova, V.A.Tatarinov, A.L.Abramyan, B.N.Golovin, R.Yu. Kobrin, V.P.Danilenko, M.A.Marusenko, A.A.Strelsov, N.M. Golubeva-Monatkina, A.A. Reformatskiy, fransuz olimlaridan F. de Sossyur, Gi Rondo, Mariya Tereza Kastelvi, Mari-Klod Lomning tadqiqotlari ahamiyatga molik [8,10].

Shu bilan birga, o'zbek olimlaridan I.K. Mirzayev [23,472], M.M. Jo'rayeva [11;12], N.B. Kuldasheva [15;16], Adizova O.I. [1;2] ning tadqiqot ishlari, L.B.Ikromova [9], SH.B. Murtozayev[18;19], M.M.Mahmudova [17], P.R.Bobokalonov [3;4], Jabbarova M.X. [10], A.P.Rahmatov [20], Xudoyev S.S. [20;22], Xaitova G.B. [14], D.H.Karimova [2;13]hamda G.S.Hojiyeva[7] ning ilmiy maqolalari mazkur soha rivojiga xizmat qilmoqda.

Keyingi yillarda mamlakatimizda musiqa va san'at sohalariga, bu boradagi mamlakatlararo madaniy aloqalarni rivojlantirishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Shu nuqtai nazardan tadqiqot davomida o'zbek tilidagi san'at bilan bog'liq terminlar ularning fransuz tilidagi tarjimalari asosida lingvistik hamda kulturologik xususiyatlariga ko'ra qator misollar vositasida qiyosiy tahlil ostiga olingan.Mazkur ilmiy ishda “san'at” terminiga lug'atlar asosida ta'rif beramiz.

1-misol.

“*San'at*” — arabcha “ish”, “mehnat”, “mahorat”, “kasb-hunar” demakdir. U ijtimoiy madaniyatning astetik zavq beruvchi, musiqa, musavvirlik, haykaltaroshlik kabi voqelikni badiiy obrazlar vositasida aks ettiruvchi har bir ayrim sohasi hisoblanadi. M: Tasviriy san'at. Shuningdek, turliamaliy, tadbqiqiy sohalarning o'ziga xos ish uslubi, sistemasihamdir. M: Harbiy san'at. Ko'chma ma'noda esa, muayyan faoliyat sohasidagi yuksak mahorat,ustalik, iste'dod bo'lib hisoblanadi. M: So'zsan'ati. Notiqlik san'ati.[21, 442].

2-misol.

“*Art*” n.m. (lat. *ars, artis*) **1.** Expression, à travers les oeuvres humaines, de la notion idéale de beau; l'ensemble des activités humaines qui aboutissent à la création de ses oeuvres; ensemble des oeuvres artistiques d'un pays,

d'une époque: *Les grands créateurs d'art. L'art plastique. L'art cinématographique. L'art japonais*. **2.** Aptitude, habileté à faire qqch: *Il a l'art de trouver les mots qui réconfortent* (**syn.** don, génie). **3.** Ensemble des moyens, des procédés, des règles intéressantes d'une activité, une profession: *Art culinaire. Art dramatique* (= qui préside à l'écriture d'une pièce de théâtre et à sa mise en scène). **4.** Manière de faire qui manifeste un goût, une recherche, un sens esthétique: *Cuisinier qui présente ses plats avec art*. **5.** Chacun des domaines où s'exerce la création esthétique, artistique: *L'enluminure, art du Moyen Âge*. [5.84] Ya'ni:

“**San'at**” terminilotin tili (*ars, artis*) dan olingan bo'lib, quyidagi xususiyatlarni o'zida jamlaydi:

✓ Go'zallik haqidagi idealtushunchani inson asarlari orqali ifoda etish; uning asarlarini yaratishga olib keladigan barcha inson faoliyati; bir mamlakat, bir davrning badiiy asarlari to'plami: *San'atning zabardas namoyondalari, arboblari. Plastik san'at. Kinomatografiya san'ati. Yapon san'ati.*

✓ Layoqat, birorishniqilaolishqobiliyati: *Undaruhlantiruvchisozlarnitopibaytishqobiliyati bor.*

✓ Biror kasbyokifaoliyatgadoirqiziqarliqoidalar, jarayonlarga oid vositalar to'plami: *Oshpazlik san'ati. Drama san'ati (teatruchunpyesayozishvaunisahnalashtirish mahorati).*

✓ Did, izlanuvchanlik, estetik tuyg'uni namoyon etish usuli: *O'z taomlarini san'atkorona namoyish etadigan oshpaz.*

✓ Yaratuvchanlik, did vasan'atkorlik kasetgan har bir yo'nalish: *Miniatura, O'rta asrlar san'ati*. [Tarjima: G.S. Hojiyeva]

Ma'lumki, san'at keng ma'noli tushuncha, termin bo'lib, ildizi uzoq o'tmishga borib taqaladigan, davrlar silsilasida o'lmay, kundan-kunga o'z tarmoqlarini yangilab, rivojlantirib borayotgan insoniyatning eng buyuk intellektual kashfiyotlari jamlanmasidir. Bugungi kunda san'atning yuzlab turlari, o'z navbatida, shu turlarning yana o'nlab turkumlari, bir so'z bilan aytganda, ijtimoiy hayotimizda ushbu termin kirib bormagan biror soha yoki jabha mavjud emas. Zero, har qanday harakatni san'at darajasiga ko'tarish mumkinligi barchamizga ayon. Quyidagi misollar asosida fikrimizni dalillashga harakat qildik:

3-misol.

Artnm1. san'at;

les beaux arts tasviriy san'at;

les arts décoratifs amaliy-dekorativ san'at;

2. mohirlik, ustalik, mahorat;

l'art de persuader ishontirish mahorati;

homme de l'art o'z ishining mohiri, bilag'on kishi, mutaxassis;

avec art mohirlik, ustalik bilan;

connaître l'art de bir orna saniqaday qilishni bilmoq;

avoir l'art de mahoratiga egabo'lmoq;

3. mahorat, san'at;

l'art militaire harbiy mahorat; harbiy san'at;

l'art oratoire notiqlik san'ati;

l'art culinaire pazandalik mahorati. [6.46]

4-misol.

Art m1. san'at;

les beaux arts, les arts d'agrément tasviriy san'at, nafissan'atlar, sanoyinafisa (rassomlik, musiqavah.k.)

les arts plastiques tasviriy, yaqqol tasvirlash uchun xizmat qiladigan san'at

les arts libéraux erkin san'atlar

oeuvre d'arts san'atasari

art populaire xalq san'ati

art non professionnel havaskorlik

art militaire harbiy mahorat, harbiy san'at

les arts industriels, arts et métiers hunar, kasb

les industries d'art badiiy hunarmandchiliklar

2. mahorat, biror narsa qila olish qobiliyati, bilarmonlik, ep; kasb, hunar, hunarmandchilik.

homme de l'art mutaxassis

art dentaire tish davolash mahorati, tish doktorligi

art vétérinaire veterinariya, hayvonlarkasalliklarivaularnidavolash haqidagi fan

arts ménagers ro'zg'orshunoslik, uy-ro'zg'ortutish

avec art mohirona, san'atkorona, mahorat (mohirlik, ustalik) bilan

je voudrais avoir l'art de vous plaire sizga yoqish yo'lini topishni xohlardim.

[24, 63].

Yuqoridagi “*san'at*” terminining o'zbek va fransuz tili lug'atlarida berilishi asosida quyidagicha xulosa qilish mumkin:

1. San'at — eng qadimiy ijod mahsuli bo'lib, u zamon va makon nuqtai nazaridan tarkib topadi, rivojlanadi, taraqqiy etadi va avloddan-avlodga o'tadi.

2. San'at insonning shaxsiy qobiliyatlarini badiiy va estetik xususiyatlari asosida namoyon etishi bilan xarakterlanadi.

3. “*San'at*” termini o'z o'rnida *layoqat, mahorat, qobiliyat, yaratuvchanlik, mohirlik, ustalik, kasb, hunar, mutaxassislik, havaskorlik* kabi atamalar bilan yonma-yon qo'llaniladi va yoki shu kabi atamalarga asos bo'lib xizmat qiladi, deyish mumkin.

4. Har bir xalqning san'atga oid terminlari o'sha mamlakat madaniyati, milliy mentaliteti, azaliy urf-odatlar va ananalarini o'zida aks ettirib qolmasdan, shu xalqning dunyoda tutgan ijtimoiy, iqtisodiy va siyosiy o'rni hamda san'at borasida erishgan yutuqlari, yaratgan yangiliklari va kelajak rejalari, g'oyalari o'zida aks ettiradi, shu jumladan, fransuz va o'zbek tilidagi terminlar ham.

Foydalanilganadabiyotlar:

1. Adizova, O. I.(2021). Роль произведений АзизаКаюмова в истории узбекской литературы. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 4(4).http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/2053
2. Adizova Obodon Istamovna and Karimova Dilafruz Halimovna, "THE IMPORTANCE OF THE BIOGRAPHICAL METHOD IN REVEALING THE ROOTS OF THE WORK OF ART", IEJRD - International Multidisciplinary Journal, vol. 5, no. 4, p. 5, May 2020.
3. Bobokalonov R.R. , Bobokalonov P.R., Hayatova N. "Meaning of canonical words-sentences in the spirit of tolerance" PHILOLOGY, INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL, N2(26), Volgograd 2020, 40-43 pp. <https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/article/view/562>
4. P.R. Bobokalonov, R.R. Sayfullaeva, R.R Bobokalonov, N.I. Hayatova "Social Map of the language: neurolinguistic and optimization of speech" INTERNATIONAL JOURNAL OF PSYCHOSOCIAL REHABILITATION, Vol 24, Issue 09,2020 ISSN:1475-7192. <https://www.psychosocial.com/article/PR290075/22732/>
5. Dictionnaire LAROUSSE Maxipoche. Paris, 2011. -p. 84.
6. Fransuzcha-o'zbekcha lug'at. Ibragimov X. va boshq., Markaziy Osiyoni tadqiq qilish in.-ti, 2-qayta ko'rilgan nashr. T., Nihol. 2008, 588 b. , 46-b.
7. GulchehraHojjiyeva. NATIONAL IDENTITY AND LINGUISTICAL ANALYSIS OF TRANSLATION OF ART TERMS IN UZBEK LANGUAGE.Journal of Contemporary Issues in Business and Government. P-ISSN: 2204-1990. Vol. 27, No. 2, 2021. Pages 1651-1660. DOI: 10.47750/cibg.2021.27.02.174https://cibg.org.au/article_9597.html
8. Hojiyeva G.S. Linguvoculary Properties Of Art Terms (On The Example Of French And Uzbek Languages). International Journal of Progressive Sciences and Technologies (IJPSAT). ISSN: 2509-0119. Vol. 25 No. 1. February 2021, pp. 09-15 <https://ijpsat.ijsh-t-journals.org/index.php/ijpsat/article/view/2746/1628>
9. Ikromova L.B, Nabiyeva Z. Rasulova M. "The similarities and differences of proverbs with other genres". Scopus. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 06, 2020 ISSN: 1475-7192 <https://www.psychosocial.com/article-category/issue-6/>
10. Jabbarova M.X.TWO STORIES - TWO DESTINIES. Journal of Contemporary Issues in Business and Government Vol. 27, No. 2,2021.<http://uniwork.buxdu.uz/hujjat.asp?id=4456>
11. Juraeva M.M. CATEGORY OF MODALITY: RESEARCH AND INTERPRETATION. SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS International Scientific Journal. Theoretical & Applied Science, p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) Volume: 86/6. 2020.– P. 149-154.<http://www.t-science.org/axivDOI/2020/06-86/PDF/06-86-29.pdf>

12. Juraeva M.M. Theoretical Views of Concept, Frame, Tale-Concept, Tale-Frame in Cognitive Linguistics. International Journal of Engineering and Advanced Technology (IJEAT) Volume-8, Issue-5S3, 2019. – P. 392-395. <https://www.ijeat.org/wp-content/uploads/papers/v8i5S3/E10840785S319.pdf>
13. KarimovaDilafruz. (2021). ON THE HISTORY OF THE CREATION OF GRIMM BROTHERS' FAIRY TALES AND THEIR TRANSLATIONS INTO UZBEK. Euro-Asia Conferences, 3(1), 95–97. Retrieved from <http://papers.euroasiaconference.com/index.php/eac/article/view/301>
14. Khaitova G.B. Terminology in Agriculture . ACADEMIC JOURNAL Vol.13(2021):June 2021 DOI: <https://doi.org/10.47494/mesb.2021.13.614> . 2021-06-12. <https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/article/view/614>
15. Kuldasheva N.B. THEORETICAL VIEW POINTS OF LINGUISTS ON TERMINOLOGY. SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS International Scientific Journal. Theoretical & Applied Science, p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) 2019 Issue: 12 Volume: 80. 2019. – P.<http://T-Science.org>;
16. Kuldasheva N.B., Kuldashev A. SOME DIFFERENT DIFFICULTIES IN SPORTS EXERCICES. SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS International Scientific Journal. Theoretical & Applied Science, p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) Year: 2019 Issue: 12 Volume: 80 Published: 30.12.2019, <http://T-Science.org>;
17. MahmudovaM.M. SadriddinSalimBukhariy's role in the development of the literary environment of Bukhara in the late XX and early XXI centuries.Scholastico-2021. Angliya – 2021. 92-96 [b.https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/1610](https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/1610)
18. Murtozaev SH.B. Oh the Manuscript of “Avariful-maarif” (Those People Recognizing Enlightenment) of Shakhbuddin Umar Sukhravardi. International Journal on Integrated Education. – T. 2. – №. 5. – P. 166-169. <https://journals.researchparks.org/index.php/IJIE/article/view/198>
19. MurtazoyevSh.B. The Spiritual Heritage of Abu Hafs Umar Suhrawardi and it's significance for the Contemporary World.CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY VOLUME: 02 ISSUE: 03 | MARCH2021(ISSN: 2660-6836). P. 53-60. <https://cajssh.centralasianstudies.org/index.php/CAJSSH/article/view/82>
20. Ruziev Y., Khudoev S., Rakhmatov A. THE USE OF THE PAST TENSES IN GERMAN AND ENGLISH. ACADEMICIA. An International Multidisciplinary Research Journal (Double Blind Refereed & Peer Reviewed Journal) ISSN: 2249-7137 Vol. 11, Issue 6, June, 2021. <https://saarj.com/wp-content/uploads/paper/ACADEMICIA/2021/FULL-PDF/ACADEMICIA-JUNE-2021/6.12,%20Yarash%20Ruziev.pdf>
21. O'zbektiliningizohlilug'ati. IIIjild. “O'zbekistonmilliyensiklopediyasi”, T., 2008. 442-b.

22. Худоев С. (2021). ПРАКТИЧЕСКИЕ МЕТОДЫ И ПРИЁМЫ ПОВЫШЕНИЯ МОТИВАЦИИ ОБУЧЕНИЯ НА УРОКАХ НЕМЕЦКОГО ЯЗЫКА. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 1(1). http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/1548
23. Мирзаев И.К. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста: дисс. док. филол. наук. – Т., 2002. – С.472.
24. Французско-русский словарь. Ганшина К.А., М., 1971, 911 с., 63 с.

YOZMA OMMAVIY AXBOROT VOSITALARIDA FRAZEOLOGIK BIRLIKLARNING AHAMIYATI

Isroilova Manzura Jamolovna
TerDUXorijiyfilologiyafakulteti
fransuztilio`qituvchisi

Abstract. Phraseology is the focus of many linguists, and scholars who have studied the field have differing views on phraseological units. Phraseology is the study of set or fixed expressions, such as [idioms](#), [phrasal verbs](#), and other types of multi-word [lexical units](#), in which the component parts of the expression take on a meaning more specific than or otherwise not predictable from the sum of their meanings when used independently. This article focuses on the semantic-pragmatic analysis of phraseological units commonly used in the French press.

Key words: language of the press, phraseological units, integration of languages, literary language, colloquial language, metaphor, metonymy, personification.

Til jamiyat taraqqiyoti bilan birga rivojlanadi, tilning grammatik qurilishi takomillashadi, leksik fondi boyib boradi. Til taraqqiyoti jamiyat taraqqiyoti bilan uzviy bog'langan. Kishilik tarixidan shu narsa ma'lumki, avval urug'dosh tili, keyin qabila tili, elat, xalq va millat tili shakllangan. Har bir millat o'z adabiy tilining mustahkamlanishi uchun harakat qiladi. Jamiyat taraqqiyotining keyingi bosqichlarida dialektlar kamayib, adabiy tilga yaqinlasha borishi kuzatiladi. Buni adabiy til ta'sirining kengayish, integratsiyasi bilan izohlash mumkin. Integratsiya bir tilga mansub shevalarning adabiy til me'yorlariga yaqinlashuvidir. Bunday jarayonlar tasodifan yuz bermaydi, balki jamiyat taraqqiyotiga, ijtimoiy hayotning taraqqiyot jarayonlariga bog'liq tarzda sodir bo'ladi. Bizga ma'lumki til to'xtovsiz harakatda bo'lganligi sababli u ichki va tashqi omillar asosida boyib boradi, tildagi bu o'zgarishlar dastlab ommaviy axborot vositalarida namoyon bo'ladi, sekin-asta esa ayni tilning grammatikasi, leksik fondi kabilarda o'zini nimoyon etadi. Ommaviy axborot vositalari tili ommaviy axborot vositalarining o'zi paydo bo'lgan paytdan boshlab tadqiqotchilar e'tiborini jalb qila boshladi. Mutaxassislar ommaviy axborot vositalari tilini o'rganish zarurligini bir necha bor ta'kidladilar, chunki u tillarning rivojlanish jarayonlarini o'zida eng aniq va to'liq aks ettiradi. Ommaviy axborot vositalari inson ongiga kuchli ta'sir ko'rsatadi, shuning uchun


zamonaviy tilshunoslikda kuzatilishi mumkin bo'lgan tilni o'rganish, yondashuvlarining yangi tendentsiyalarini ommaviy axborot vositalari tilida ko'rish oson.

Media-matnlar doimo dinamik va zamonaviydir. Ular nutqni ifodalaydi va aloqa ishtirokchilari tomonidan davom etayotgan voqealar kontekstida qabul qilinadi. Matbuot materiallari tilning barcha uslubiy spektrlarining "birlashishi" ni anglatadi. Xabarning funktsiyasi va harakatning funktsiyasi ularda teng darajada amalga oshiriladi. Shuning uchun ham ommaviy axborot vositalari ularni amalga oshirishning umumiy usullari va ayrim nashrlarga xos bo'lgan o'ziga xos xususiyatlar nuqtai nazaridan ayniqsa qiziqdir [Aleksandrova 2003].

Ommaviy axborot vositalari ikkita asosiy shaklda mavjud - og'zaki va yozma. Og'zaki nutq - bu radio va televidenie; nutq, yozuvlari, kompakt-disklar, audio va video kassetalar, kompyuter yozib olish qurilmalaridagi nutq va boshqalar. Yozma ommaviy axborot vositalariga gazeta, jurnal, internet nashrlari kiradi. Yozma nashrlar o'zining keng uslubiy xususiyati bilan ajralib turadi. OAV tilining rivojlanishi evolyutsion xarakterga ega. Unda nutqning ta'sirchanligini oshirish, matnga ma'lum bir uslubiy rang berish, xabarni badiiy-ekspressivligini oshirishda frazeologik birliklardan samarali foydalaniladi. Frazeologik birliklar tarkibidagi obrazlar tizimi, ularning ayrim soha va kundalik hayotga muvofiq ishlatilishi ma'lum millat dunyoqarashining shakllanishida uning moddiy-ma'naviy, ijtimoiy-siyosiy hayoti bilan chambarchas bog'liq bo'lib shu millatning o'ziga xos milliy-madaniy hayoti, an'analari, urf-odatlarini haqida ma'lumot berishda muhim ahamiyatga ega. Tadqiqotchilar A.I. Gorshkov (2001), N.I. Klushina (2006) OAV uslubi zamonaviy adabiy tilning eng "ochiq" funktsional uslublaridan biri ekanligini ta'kidlaydi. Jurnalistika lug'atining "ochiqligi" ekstralingvistik omillar bilan belgilanadi, ularning asosiysi jurnalistlar e'tiborini tortadigan turli xil mavzulardir. OAV tomonidan ko'rib chiqiladigan yopiq bo'lmagan mavzular to'plami orasida asosiylari quyidagilar: siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy, tibbiyot, sport va shou-biznes. Ushbu mavzularning har biri o'ziga xos qurilish leksema, frazemalariga ega. Jurnalistik uslubning eng tez-tez uchraydigan so'zlari har bir davrda o'ziga xos bo'lib, ma'lum davrning siyosiy-ijtimoiy, madaniy-ma'rifiy hayotini o'zida aks ettiradi. Ular yordamida ma'lum bir davrning o'ziga xos xususiyatlarini baholash uchun foydalanish mumkin. Bunday so'zlar, iboralar jurnalistika uchun kontseptual bo'lib qoladi, ular gazeta mafkurasi va siyosatini aks ettiradi. Kontseptual so'zlar o'ziga xos tarixiy davrda muhim bo'lgan siyosiy va iqtisodiy atamalarni o'z ichiga oladi. Davr o'zgarishi bilan kontseptual so'zlar o'zgaradi. Bu o'zgarish jarayonida frazeologik birliklarning jurnalistika tiliga ta'siri alohida ahamiyatga ega bo'lib, matnning, nutqning emotional-ekspressivligini oshirishga xizmat qiladi.

Frazeologiyaga sohasida olib borilgan tadqiqotlarda turg'un birikmalar, idiomalar, maqol va matallar, qanotli so'zlar, aforizmlar, shtamplar ham frazeologik birlik atamasi ostida o'rganilmoqda. Turg'un birikmalarining frazeologik birliklardan farqlanuvchi integral va differentsial belgilarini

aniqlashtirish frazeologik birliklarning semantik-pragmatik xususiyatlarini tavsif va talqin qilish uchun muhimdir. Frazeologik birliklar yoki frazemalar kelib chiqishi jihatidan juda qadimiy bo'lsada frazeologiya fan sifatida shakllanishi fransuz tilshunosi Sh.Balli bilan bog'liq. U o'zining "Précis de Stylistique"(1905) va ikki tomli "Traité de stylistique française" nomli kitobida frazeologik birliklarning o'ziga xoslikari haqida fikr yuritgan va frazeologik birlashmalarning tashqi hamda ichki belgilarini bir-biridan farqlab, uning struktural xususiyati tashqi, semantik tabiati esa ichki xususiyatini ifodalaydi deb izohlab o'tadi. V.V.Vinogradov, N.M.Shanskiy, O.S.Axmanova, V.L.Arxaangelskiy, Yu.A.Gvozdarev, A.G.Nazaryan, S.Royzenzon, Yu.Yu.Avaliani, A.Bushuy, A.Mamatov, B.Yo'ldoshev kabi tilshunoslar frazeologizmlarning tadqiqi masalasida samarali tadqiqotlar olib bordilar. Frazeologizmlarning morfologik xususiyati va paradigmaticasi, gapdagi sintaktik, stilistik vazifalari tahlil qilindi. Bu tadqiqotlarda ba'zi tilshunoslar (Z.G.Uraksin, G.A.Bayramov, F.A.G'aniev, G.X.Axunzyanov, L.K.Bayramova, M.F.Chernovlar) frazeologik birliklarni **tor** ma'noda tadqiq etsalar, boshqalari(A.Mamatov, B.Yo'ldoshev)**keng** ma'noda tadqiq etadilar va umumlashgan ma'no anglatuvchi, komponentlari qisman yoki to'raligicha ko'chma ma'no ifodalovchi turg'un leksik-semantik birliklar frazeologik birliklar va frazeologik doirani keng tushunib, unga obrazli iboralar, metaforik ifodalar, maqollar, aforizmlar, birikma terminlar, shtamplashgan iboralar kabi barqaror so'z birikmalarini ham kiritadilar. Frazeologik birlik - bu lisoniy belgining bir turi va har qanday belgi singari, u uch jihat bilan tavsiflanadi: shakli, mazmuni va ishlatilish yo'li orqali. Frazeologik birliklarning o'ziga xos xususiyati shundaki, unda ushbu uchta xususiyat bitta kompleksda foydalaniladi, ulardan bittasi yo'qligi boshqa tartibdagi leksik birlik ekanligini bildiradi. Quyida ularni ikki kategoriyali semantik-pragmatik planda ko'rib chiqamiz:



Frazeologik birliklarning tuzulishiga ko'ra quyidagi turlari mavjud:

<i>Locutions nominales- O'tli iboralar</i>	<i>Locutions verbale- Fe`lli iboralar</i>	<i>Locutions pronominales- olmoshli iboralar</i>	<i>Locutions prépositives ou conjoctives -predlogli-bog`lovchili iboralar</i>
un amour-en-cage, un arc-en-ciel, l'en-tête, le baise-en-ville (sac de voyage), un croc-en-jambe, le pet-en-l'air, un encas,	Rendre hommage à qqn, Avoir un coup de foudre(pou qqn), avoir le souffle coupé, être électrisé(e) par un contact, gagner en autonomie, mettre des fringues	Au grand jamais, jamais de la vie, ni l'un ni l'autre, Tout d`abord, tout à coup En un instant, en tout état de cause	à cause de , à l'aide de , à la faveur de , au moyen , au moyen de , dans la suite , par suite de

Bundan tashqari frazeologik birliklar ifoda qiymatiga ko`ra, locution proverbial (maqolli iboralar): Chien qui aboie ne mord pas, Au royaume des aveugles, les borgnes sont rois, Bien mal acquis ne profite jamais.; locution basée sur l'emploi métonymique (metonimik ma`no ifodalovchi frazeologik birliklar): Promettre la lune; locution basée sur hypérbole (giperbolaga asoslangan frazeologik birliklar): Faire d'une mouche un éléphant; locution basée sur le pléonasm (so`zda takror ishlatiluvchi frazeologik birliklar): Autre temps, autre mœurs; locution basée sur des jeux de mots (so`z o`yiniga asoslangan frazeologik birliklar): léger comme un éléphant va boshqalar.

Fransuz matbuotida standartga, so'ngra shtampga aylanishi mumkin bo'lgan stilistik neytral frazeologik birliklar va stilistik rangdagi frazeologik birliklardan foydalaniladi. O'quvchi e'tiborini jalb qilish uchun jurnalistlar xalq ichida ommalashgan frazeologik birliklardan foydalanadilar. Har bir frazeologik ob`ekt har bir kontekstda o`ziga xos mazmun kasb etadi, boshqa muhitga kirib, ular yangi semalarni beradi, o'zgaradi va shu bilan yangi frazeologik iboralar paydo bo'ladi, ular nutqda mustahkamlanadi yoki aksincha, keyinchalik ma'nosini yo'qotadi. Zamonaviy fransuz jurnalistikasida muntazam qo'llaniladigan stilistik rangdagi frazeologik birliklarga maqol va matallar, qanotli so'zlar va iboralar kiradi. Fransuz gazetasi somatik komponentlarni o'z ichiga olgan frazeologik birliklardan keng foydalanadi. Masalan qo`l somatik komponentli:

«Je vous demande, *les mains jointes*, d'ordonner à tous les chefs de gouvernement d'assurer la circulation fluide des camionscitermes d'oxygène qui arrivent à Delhi », a-t-il lancé. « Si nous travaillons comme une nation unie, il n'y aura pas de pénurie de ressources », lui a rétorqué Narendra Modi.(LE MONDE, DIMANCHE 25-LUNDI 26 AVRIL 2021)

Oyoq somatik komponentli frazema:« On a eu dû mal à se concentrer au boulot aujourd'hui », avoue Lea Krussel, qui rappelle qu'elle et ses collègues n'ont pas *mis les pieds* dans un bar ou un restaurant depuis le 8 décembre 2020, date du début du deuxième confinement au Danemark.

Zamonaviy fransuz yozma ommaviy axborot vositalarida metafora asosida yaratilgan frazeologik birliklar tez-tez ishlatiladi. Bundan tashqari, fransuz yozma matbuotida so'zlashuv, xalq tilidagi frazeologik birliklar, shuningdek, professional jargonlardagi frazeologik birliklardan ham foydalaniladi. Fransuz gazetasi frazeologiyasi ekspresiv-baholovchi paradigma bilan ajralib turadi. Fransuz gazeta va jurnallari sahifalarida sport, tibbiyot, siyosat, musiqa, shou-biznes, dengiz ishlari va harbiy sohalar kabi faoliyat sohalarining terminologiyalari keng aks ettiriladi. Kuzatishlar shuni ko'rsatadiki, zamonaviy fransuz jurnalistikasida uchraydigan frazeologik birliklari orasida ingliz tilidan o'zlashtirilgan frazeologik birliklarni ko'plab ko'rishimiz mumkin. Fransuz yozma matbuotida teatr, musiqiy, tibbiy, harbiy, siyosiy va iqtisodiy atamalar metaforizatsiya ko'p amalga oshiriladi. O'quvchining e'tiborini jalb qilish uchun frazeologik birliklar ko'pincha matn sarlavhasi vazifasida qo'llaniladi. *Brigitte Bardot* :« *Les balles perdues des chasseurs tuent chaque année* »(LE MONDE, DIMANCHE 25-LUNDI 26 AVRIL 2021).

Fransuz gazetasi frazeologiyasi ekspresiv baholovchi paradigma bilan ajralib turadi, shu jumladan salbiy baholovchi, kamsituvchi, kinoyali, ijobiy baho beruvchi, o'ynoqi frazeologik birliklardan ham foydalaniladi.

Haqiqiy materiallarni tahlil qilish shuni ko'rsatdiki, zamonaviy fransuz yozma matbuotida maxsus lug'at: atamalar, professionalizm, professional jargon, nomenklatura keng qo'llaniladi. Ixtisoslashgan lug'at "sun'iy til" ning bir qismidir, ammo uning gazetada ishlashi o'ziga xos xususiyatlarga ega. Gazeta tilida maxsus atamadan erkin foydalanish jurnalistika tilining xalqchil bo'lishga olib keladi. Ushbu hodisa tufayli umumiy so'z boyligi kengayadi, ya'ni atamalar jamoat lug'atiga o'tkaziladi. Bundan, terminologik birliklar bir terminologik tizimdan ikkinchisiga o'tishga moyil bo'lib, turli terminologik tizimlarda bir vaqtning o'zida ishlatilishi mumkin. bundan tashqari, fransuz yozma matbuotida falsafa, qurilish va harbiy atamalar sohasidagi ixtisoslashgan atamalardan keng foydalaniladi. Yozma ommaviy axborot vositalarida yuqori darajada ixtisoslashgan terminologiya metaforizatsiya jarayoniga ham tegishli. Majoziy ma'noda ishlatilgan atamalar metaforik konstruktsiyalar tarkibiga kiritilgan.

Professionallik va professional jargon fransuz gazetalarning hikoyalarida keltirilgan. Haqiqiy materiallarni tahlil qilish shuni ko'rsatdiki, professional jargon fransuz gazetalari va jurnallari sahifalarida professionallikdan ko'ra

ko'proq uchraydi. Ekspressiv baho yaratish uchun fransuz gazetasi tilida eng samarali usul metafora konstruktsiyalarining shakllanishiga olib keladigan maxsus lug'at metaforizatsiyasi hisoblanadi. Obrazli qayta o'ylashga duchor bo'lgan atamalarning umumiy ma'nolari qo'shimcha semantik yukga ega bo'ladi. Fransuz gazetasi tilida ekspressivlik va obrazlilikni oshirish usullaridan biri bu semantik ikki rejali (to'g'ridan-to'g'ri va obrazli ma'noga) asoslangan frazeologik burilishlardan foydalanishdir. Fransuz yozma jurnalistikasida stilistik jihatdan neytral va stilistik rang barang frazeologik konstruktsiyalar qo'llaniladi. Stilistik jihatdan neytral frazeologik birliklar "nol" uslubiy rangga ega va standartga, ba'zan esa shtampga aylanishga qodir.

Fransuz gazetasida frazeologik birliklardan keng foydalanilganda ular tarkibiga faol ibora hosil qiluvchi valentli somatik komponentlar ham kiradi. Frazeologik iboraning bir qismi bo'lgan ba'zi bir somatizmlar mehnat faoliyatining universal organlari vazifasini bajaradi. Fransiya matbuoti metafora asosidagi frazeologik birliklardan foydalanadi. Ko'pincha, frazeologik birlikning ma'nosi tarkibiga sifat qo'shish yoki kuchaytiruvchi vazifa berish orqali kengayadi. Ushbu uslub uslubiy effekt yaratish uchun ishlatiladi. Fransuz yozma jurnalistikasida frazeologik birliklardan foydalaniladi, ular tarkibiga og'zaki, og'zaki, professional so'z birikmalarining elementlari kiradi. Gazeta-publitsistik ixtisoslashuvining asosiy maqsadi yozma ommaviy axborot vositalarining o'ziga xos gazeta-publitsistik fondini rivojlantirishdan iborat. Bunda gazeta lug'atini shakllantirish uchun material bu-umumiy adabiy lug'atdir. Biroq, uning ba'zi qatlamlari gazeta jurnalistik uslubida samarali hisoblanadi. Yozma ommaviy axborot vositalarining o'ziga xos xususiyati standart nutq va frazeologik birliklar kombinatsiyasidir. Standartga intilish gazetada maxsus so'z birikmalari: barqaror birikmalar, klishe va shtamplangan konstruktsiyalardan foydalanishda namoyon bo'ladi. Unda ijtimoiy baholovchi rang berishning rivojlanishi, gazeta tilida frazeologik birliklarning mavjudligi bilan birga maxsus so'z birikmalaridan majoziy ma'noda foydalanish yozma ommaviy axborot vositalarining baholash, ifoda etish jarayonini aks ettiradi. Hissiy jihatdan baholovchi lug'at tarkibida belgilangan ob'ekt yoki hodisaga nisbatan hissiy munosabat haqida ma'lumot beriladi. Ilmiy-texnik taraqqiyot, madaniyat rivoji ta'siri ostida gazeta leksikasi tezda yangi so'zlar bilan to'ldirilmoqda. Gazetadagi adabiy tilning o'zgarish, so'z boyligini yangilash jarayonlari faol bo'lib, bu gazeta tilining adabiy tilga kuchli ta'siri bilan bog'liq. Biroq, so'z boyligining yuqori harakatchanligi bilan so'zlardan foydalanish xarakteri doimiy bo'lib qoladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Alefirenko N. F. Frazeologiya i paremiologiya / M. F. Alefirenko, N. Semenenko. - M.: Flinta: Nauka. 2009.
2. Aleksandrova O. V. Yazik sredstv massovoy informatsii kak chast kollektivnogo prostranstva obshestva.—M., 2003.
3. Abdullaev F. Til qanday rivojlanadi? – Toshkent: Fan, 1972.
4. Balli Sh. "Précis de Stylistique" (1905)

5. Bushuy A.M. Leksikograficheskiy opisaniy frazeologii. Samarqand: 1982
6. Yo'ldoshev B. O'zbek tilida frazeologik birliklarning uslubiy va pragmatik imkoniyatlari. - Samarqand, SamDU nashri, 2002.
7. Mamatov A. Frazeologizmlarning shakllanish asoslari. – Toshkent: Navro'z, 1996.
8. Nazaryan A.G. Frazeologiya sovremennogo fransuzskogo yazika, - M.: Visshaya shkola, 1986.
9. V.G.Gak, I.A.Kunina, I.P.Lalayev, N.A.Mavshovich, Ya.I.Retsker, O.A.Xortik. Fransuzko-russkiy frazeologicheskiy slovar. - Moskva 1963.
10. Fransuzko-russkiy slovar sovremennogo slenga i nenormativnoy leksiki. - M.: AST: Vostok-Zapad, 2008.
11. Gorshkov A. I. Russkaya stilistika: ucheb, posobiye / A. I. Gorshkov. — M.: Astrel : ACT, 2001.
12. Klushina N. I. Strategiya imenovaniya v vozdeystvuyushey rechi / Vestnik Moskovskogo universiteta. Ser. 10. Jurnalistika. - 2006. - № 5. - S. 49-65.
13. Abramova A.G. Frazeologicheskiye yediniti s komponentami - somatizmami v raznostrukturnix yazikax: na materiale russkogo i chuvashskogo yazikov. AKD. - Cheboksari, 2005.
14. Almatova Sh. O'zbek tili frazemalarining komponent tahlili: Filol.fan.nomz.diss...avtoref. – Toshkent, 2008.

SINGLE HOMONYMS IN KARAKALPAK LANGUAGE

Kaljanov Ali

PhD student, Karakalpak Scientific-Research
Institute of Humanitarian Sciences, Karakalpakstan
department of the Academy of Sciences
of the Republic of Uzbekistan, Nukus

Abstract. The article considers the single homonyms in the Karakalpak language. Such homonyms have their own peculiarities. In this article, we will find some single homonyms. Thanks to this, there will be a variety of classifications of homonyms of the Karakalpak language.

Keywords: homonyms, Karakalpak language, single homonyms.

Words that are same in form but have different meanings are called homonyms. Homonyms which are widely developed in the modern Karakalpak language, as well as some other features of the language, lead to the fact that it is often impossible to determine whether a word belongs to a part of speech by one form; it is not always possible to differentiate the word and the basis of the word, a complex word and a phrase; the structure of some formations can be interpreted in two ways.

Most homonyms in the Karakalpak language were formed as a result of accidental coincidence of the form and borrowings, as well as a result of compression of phrases and conversion. Some homonyms arose as a result of the separation of the meaning of a polysemantic word. The result of borrowing is not only the addition to the lexical structure of the language, but also the modern coloring of lexical units changes during the borrowing process and their internal structure forms homonymous relations, which helps to diversify lexical units and partially predetermines it.

Single homonyms are the existing one homonymous line. That is, they have two homonyms. For example: "ay" is the moon and the month. There is only one homonymous line here. That is, there is no third one. Therefore, all homonyms that have one line are included in the single homonyms.

Such homonyms do not become a problem for linguists. Because these homonyms are sometimes found in dictionaries. Only grammatical homonyms can be difficult to see. Now, on the table-1 we will look at some homonyms.

Table – 1 : Single homonyms

Single homonyms	Classification of homonym
Abzal	lexical homonym
aǵarǵan	lexico-grammatical homonym
Azıw	lexical homonym
Ay	lexical homonym
Ayqulaq	lexical homonym
Akt	lexical homonym
ala kóz	lexical homonym
Alda	lexico-grammatical homonym
Alma	lexico-grammatical homonym
Altın	lexical homonym
Altınshı	grammatical homonym
Alım	lexical homonym
Alısıw	lexical homonym
Alıw	lexical homonym
Ań	lexical homonym
Apparat	lexical homonym
arbajol	lexical homonym
Arzanlaw	lexical homonym
Arqaw	lexical homonym
Arna	lexico-grammatical homonym
Artıw	lexical homonym
Arsha	lexical homonym
Arıq	lexical homonym

In general, there are more than 200 single homonyms in the Karakalpak language. As can be seen from the table, most single homonyms are included in

lexical homonyms. Single homonyms may not always be worth it in such situations. When the borrowing of words coincides with such homonyms, then we no longer count single homonyms. Because there are already three homonymous rows of words.

Our research results have important implications considering various factors. In the analysis presented, single homonyms were defined as words associated with singular homonymic by language users.

REFERENCES

1. Ali Kaljanov. The Universal (Mixed) Homonyms in Modern Karakalpak Language. *Science and Education*, (2020). 1 (5), 142-145.
2. Ali Kaljanov. Grammatical homonyms in modern Karakalpak language. *Journal on International Social Science*, (2020). 1 (1), 1-6.
3. Ali Kaljanov. Problems of training homonyms in the modern Karakalpak language. *International journal of discourse on innovation, integration and education*.(2020). 1 (2), 10-13.
4. Ali Kaljanov. The Some Questions of Grammatical Homonyms in Modern Karakalpak Language. *International Journal on Orange Technologies*, (2020). 2 (9), 19-21.
5. Ali Kaljanov. The essence of homonyms in the Karakalpak language. *Journal of Foreign Languages and Linguistics*. (2021). 2 (3). 24-26.
6. Ali Kaljanov. (2021). The short study of multiple homonyms in Karakalpak language. *International scientific and current research conferences*, 51-53.
7. Pakhratdinov K, K. Bekbergenov. Dictionary of homonyms of the Karakalpak language. *Qaraqalpaqstan*, Nukus. (2015).

GROSSE FORSCHUNGEN ZUR DEUTSCHEN SPRACHE

Karimova Dilafruz Halimovna
(**Staatliche Universität Buchara**)
dilafruz.karimova.1975@mail.ru

Annotatsiya. Mazkur maqolada butun dunyo aholisining yarmidan ko'pi aka-uka Grimmlarni faqat ertaknavislar sifatida tanishi, biroq ular uzoq yillar davomida ertaklar to'plashdan tashqari, nemis tili grammatikasini o'rganish bilan ham shug'ullanganligi va buning natijasida "Nemis tili grammatikasi"ning chop etilganligi, ular olib borgan tadqiqot ishlari haqida firka yuritiladi.

Kalitso'zlar: sehrliertaklar, fundamental grammatika, qiyosiy-tarixiyusul, etimologiklug'at, mifologiya, yozmamadaniyat, filologiktadqiqot

Abstract. The article deals with the facts that more than half of the world's population recognizes the Brothers Grimm only as storytellers, but for many years they not only collected fairy tales, but also studied German grammar, and as a result "German grammar" was published as a reflection of the research they had done.

Key words: fairy tales, fundamental grammar, comparative-historical method, etymological dictionary, mythology, written culture, philological research

Jakob Grimm wurde 1785, Wilhelm - 1786 in Hanau geboren. Ihr Vater war Amtmann. Der Vater starb früh und die Mutter blieb allein mit sechs unmündigen Kindern. Jakob und Wilhelm haben das Bett und das Brot, die Schule und die Universität, den Bibliothekdienst und die Leidenschaft für die poetischen und sprachlichen Altertümer miteinander geteilt. Sie wurden zusammen erzogen und haben beide in Marburg Jura studiert. Hier wurden sie von ihrem Lehrer Savigny in die Welt der Forschung eingeführt. Wilhelm heiratete 1825 und hatte drei Kinder, Jakob blieb unverheiratet. Sie haben als einfache Bibliothekare gearbeitet. Das war die Entscheidung Jakobs, er verzichtete auf die aussichtsreiche Laufbahn eines Diplomaten. Er wollte sich als bescheidener Bibliothekar in Kassel ganz dem Studium des deutschen Altertums widmen. Wilhelm folgte ihm. Sie haben auf diesem Gebiet hervorragende wissenschaftliche Leistungen erreicht. Sie haben mehr als 200 deutsche Märchen gesammelt, bearbeitet und 1812 unter dem Titel «Kinder- und Hausmärchen» veröffentlicht. Die Brüder haben alle Märchen, die sie seit 1807 gesammelt hatten, in der schlichten Sprache des Volkes aufgeschrieben und publiziert. Dadurch haben sie die Märchen von dem Vergessen gerettet. Der Stil der Märchen war sehr einfach und volksnah. Die Brüder haben in den Märchen den echten klassischen Volkston bewahrt. Solche Märchen wie «Rotkäppchen», «Der Wolf und die sieben Geißlein», «Hänsel und Gretel», «Frau Holle», «Das tapfere Schneiderlein» sind überall in der Welt von Kindern und Erwachsenen beliebt, auch in Usbekistan. In Usbekistan werden die Märchen der Brüder Grimm viel veröffentlicht und gelesen. In den Märchen kommt die naive Lebensansicht zum Ausdruck. Das Böse wird bestraft, das Gute siegt. Der Struktur nach sind die Märchen verschieden: es gibt Zaubermärchen, Tiermärchen, Lügengeschichten, Schwänke.

Key words: culture, dominant, tradition, ritual, linguoculturology, lingvokulturema, anthroponyms, onomastics, pantronomy, first name, last name, nominator

Abstract. One of the greatest blessings of the Creator is the child. It is an inexhaustible blessing for a parent to grow up, to grow up, to mature, and to find his or her place in life as a person. Choosing a good name for a child means acknowledging and appreciating this gift from God. Because a beautiful, meaningful name makes a person's life more beautiful. On the contrary, no one likes weird names. We can refer to many sources about what names should not be given to a child, what names should be given to a baby. But names also have their own history, their own genetics. A number of linguists have conducted a number of studies in this regard. In the following article, we will present the facts based on a number of facts. After all, as life goes on, names, which are ethnocultural units passed down from generation to generation by mankind, will always be a big part of our needs.

Ключевые слова: культура, доминанта, традиция, ритуал, лингвокультурология, лингвокультура, антропонимы, ономастика, пантрономия, имя, фамилия, номинатор.

Аннотация. Одно из величайших благословений Создателя - это ребенок. Это бесконечное благословение для родителей расти, расти, созреть и найти свое место в жизни как личность. Выбрать хорошее имя для ребенка - значит признать и оценить этот дар от Бога. Потому что красивое многозначительное имя делает жизнь человека прекраснее. Напротив, некрасивые имена никто не любит. Мы можем сослаться на множество источников о том, какие имена нельзя давать ребенку, какие имена следует давать ребенку. Но у имен тоже есть своя история, своя генетика. Ряд лингвистов провели ряд исследований по этому поводу. В следующей статье мы представим факты, основанные на ряде фактов. В конце концов,

на протяжении жизни имена, являющиеся этнокультурными единицами, передаваемыми из поколения в поколение человечеством, всегда будут составлять большую часть наших потребностей.

Malumki, o'zbek oilalarida bitta bolaning bir davrning o'zida ham Alibek, ham Tursun deb ikki nom bilan atashga ham duch kelamiz. Bolaga ism tanlashda o'tmish ajdodlar ota-bobolarga ism sifatida xizmat qilgan atoqli otlarga murojaat qilish, chaqaloqqa nomni o'sha otlar orasidan saylashga intilish dunyoning turli qit'alarida yashovchi xalqlarning keng amal qiluvchi rasm- rusumlardandir. Bu odatga O'rta Osiyo xalqlari ham amal qiladilar. Bunda, asosan, ikki xil maqsad ko'zda tutiladi: birinchidan, bolaga ismni ota-bobolar nomidan tanlash bilan o'tmish avlod, ajdodlarni eslash va hurmatlash; ikkinchidan, chaqaloqqa, o'tganlar ruhi, arvohi "yor bo'ladi" uni "qo'llab-quvvatlaydi" deb ishonish. Bundan tashqari, kishilar o'z bolasining ismi chaqaloqqa qo'yilgan marhum qarindoshga o'xshasin, o'shandek badavlat yoki botir bo'lsin, xushfe'l, xushmuomalali, mehnatsevar, tirishqoq bo'lsin deb orzu qilishadi. Mana shunday maqsad va intilishlar zaminida o'tmish ota-bobolarning nomi kishilar tasavvurida aziz va xosiyatli bo'lib qolgan.

Tabarruk ismlar qatoriga islom dini bilan bog'liq qator nomlar kiradi. Xususan, o'zbek tilida asosan arab tilidan kirib kelgan ismlarni ko'plab uchratishimiz mumkin. Chunki musulmon diniga mansubligimiz, revolyutsion rivojlanish tariximizda arab xalifaligining bog'liqligi sababli aksariyat hollarda ota-bobolarimizga ham Olloh Tangri Taolloning muborak 99 ismlaridan namuna qilib qo'yilgan. Masalan Karim, Akbar, Sobir, G'affor, Sattor, Habib, Hamid, Jalol, Ahad, Ahmad va shu kabi ko'p qo'yilgan ismlardir. Payg'ambarimiz Muhammad sallolohi alayhi vassallamning muborak nomlarini Muhammadamin, Muhammadsolih, Muhammadali singari tarzda qo'yilganini ham uchratishimiz mumkin.

Ammo o'zbek tilining turkiy qatlam ismlari ham o'ziga xos xususiyatlarga ega. S.Kenjayeveva o'zining nomzodlik dissertatsiyasida o'zbek ismlarini bag'ishlov ismlar, tasviriy ismlar va ism istaklarga ajratib tasniflaydi.

Bag'ishlov ismlar, ya'ni memorativlarning yuzaga kelishi va kishiga berilishi sabablari insonlarning tabiat va tabiat kuchlari haqidagi qadimiy tasavvurlari bilan ya'ni ba'zi hayvonlarni, o'simliklarni, tabiat hodisalarini ilohiy deb bilish va ularga sig'inish, ularni e'zozlash bilan bog'liqdir.

O'zbek tili antroponimiyasining turkiy qatlamida quyidagi memorativ ismlar uchraydi:

1) osmoniy jismlar nomidan yasalgan ismlar: Yulduz, Oyxon, Kuntug'mish, Oy to'ldi, Kuntug'di...

2) turli tabiat hodisalari va stixiyalari nomidan yasalgan: Bo'ron, Dovul, Chaqmoq...

3) turli geografik obyektlarning nomlaridan yasalgan nomlar: Dengiz, O'rmon, Daryo, ...

4) hayvon va qushlarning nomi bilan aloqador ismlar: Qaldirg'och, Qo'chqor,

Arslon, Bo‘ri, Mohi, Gurki...

5) turkiy qabila va urug‘larning nomidan yasalgan antroponimlar. Bu nomlarga o‘zbekcha va turkiy xalqlar uchun mushtarak bo‘lgan etnonimlardan yasalgan ismlar kiradi: Do‘rmon, Barlos... [3]

Fransuz leksikologiyasida ham antroponimlar xilma-xilligini kuzatish mumkin. Zero fransuz madaniyatida ham bolaga ism qo‘yish an‘analarga asosan qo‘yiladi. Fransuz tilida yuzlab ismlar mavjud. Fransuzcha ismlar bevosita ingliz ismlariga o‘xshaganligi sababli ularning talaffuzi va inglizcha ekvivalentlari mavjud.

a) Fransuz ismlari asosan bir xil jinsdan ikki nomli qo‘shimlardan iborat, ya‘ni Jan Pierre, Pol-Henri, Anne –Laure yoki Mari- Élise. Kamdan kam hollarda, ular bir bola nomidan va bitta qiz ismidan iborat bo‘lib, birinchi navbatda Jeanne-Marie da o‘g‘il bola yoki Mari-Jacques da qiz uchun to‘g‘ri jins nomini bildiradi. Aniqlangan ismlar bir birlik deb hisoblanadi, ular birgalikda birinchi va ikkinchi emas, balki shaxsning ismi. Boshqacha qilib aytganda, agar siz Pierre –Luis Lefevrni tanishtirsangiz, uni Pierre emas, balki Pierre-Louis deb atashni unutmang.

b) Ko‘pgina erkaklar nomlari ushbu qo‘shimchalardan birini qo‘shilishi bilan ayollarga xoslanishi mumkin. –e, -ette, ine. E‘tibor bering, agar erkakning nomi oxirida unvonsiz bo‘lsa, unda –e ning qo‘shilishi Arnaud (Silent) va Arnaude deb nomlangan ayollarga ma‘lum bo‘lishiga sabab bo‘ldi.

c) Bolalar ismlariga erkalash, suyish ma‘nosida –ette, -otte kichraytirish qo‘shimchasini qo‘shish mumkin. Masalan: Charlotte, Jeanette...

O‘zbek tilida shunday ismlar ham borki, ularda kishilarning o‘z farzandiga bo‘lgan eng yaxshi tilaklari, odamlarning orzu va intilishlari, zamonaviy ideallari o‘z yorqin ifodasini topgan. Bunday ismlar ism-tilaklar, ya‘ni dezirativlar deb nomlanadi.

Ism-tilaklarda tilak, istak ismning ma‘no-motivini tashkil qiladi. Ism-tilaklarda chaqaloqqa aytilayotgan, bildirilayotgan yaxshi niyatlar bo‘rtib ifodalanadi, ism ana shu istakning turli ko‘rinishlarini anglatadigan so‘zlardan yasaladi va tanlanadi. Kishilar o‘z farzandlarining dovyurak va qo‘rqmas bo‘lib yetishishini orzu qilishi

tilimizda Arslon, Botir, Mard, Sherbek, Qahramon, Eryigit, Azamat, Kuchlik, Shijoat,

Qaytmas kabi ismlarning tug‘ilishiga olib kelgan. Odamlarning haqgo‘ylik va adolatga, bilim va ma‘rifatga intilishi, o‘z bolasining ana shunday fazilatlar egasi bo‘lishini orzu qilishi ham qadimiy va tabiiy hodisadir. Mana shunday orzular Adolat, Odil, Oqiljon, Donoxon, Orifa, Oqila, Fozil, Fozila, Erdona, Adiba, Soliha, Shoirka kabi nomlarning bizning davrimizga kelib keng tarqalishiga sabab bo‘ldi. Ota-ona chaqaloqning sog‘-omon o‘sishini, ko‘payishini xohlab, yoki yetarli ekanligini bildirish uchun Ko‘paysin, Unsin, O‘lmasxon, Yo‘lchi, To‘xtasin kabi ismlarni qo‘yishgan. Ilash, Qo‘ldosh, Yo‘ldosh, Ergash, Hamdam, Jo‘raxon, Tirkash kabi ismlar esa bolaning eson-

omon ulg'ayishi va oila safiga qo'shilib ketishini xohlab qo'yiladi. O'g'iloy, Ulbo'lsin singari ismlar esa keyingi farzand o'g'il bo'lishini istagan ota-onalar tomonidan qo'yiladi. Bolaning sog'lom, irodali, chidamli bo'lishini istashadi va ularga o'z tasavvurlaridagi chidamli va mustahkam narsalarning nomidan ism qo'yishadi: Tosh, Bolta, Temir, Tesha, Olmos, Tilla, Po'lat kabi. Ba'zan chaqaloqqa ko'z tegishining oldini olish maqsadida atayin xunuk va dag'al ismlar tanlanadi: Itolmas, Yamoq Yobonqul, Devona. Ba'zan oila a'zolaridan biror kimning vafotidan keyin tug'ilgan chaqaloqqa vafot etgan kishining ismi yoki O'rinboy, O'rinbuvi, Yodgor, Yodgora kabi ismlar qo'yiladi.

Tasviriy ismlar esa chaqaloqning tug'ilgan kuni, oyi, fasli, kunning biror payti, joyi, tug'ilgandagi sodir bo'lgan biror tabiat hodisasi kabilar inobatga olinib qo'yiladi.

Masalan: Jumaboy, Bozorboy, Odina, Jumaniyoz, Asad, Ashura, Ramazon, Muharram, Bahoroy, Yozbeka, Azonboy, Namoz, Saharbeka, Yo'lchi, Safar, Dobon, Dovul, Oyto'ldi, Oydin, Yildirim.

Ota-onalar o'z farzandining, ayniqsa, qizlarning chiroyli, go'zal bo'lib ulg'ayishini orzu qilishadi. Shu sababdan ham o'zbek antroponimiyasida go'zallik tasviri bilan bog'liq ismlar juda katta miqdorni tashkil etadi: Sulubeka, Barno, Vosil, Lobar, Jamol, Jamila, Jamola, Zebo, Zarofat, Nigora, Husniya, Vasila, Vasilat, Vajiha va.b.

Ismlar shaxslarni o'zaro farqlash ehtiyojidan tashqari ijtimoiy-lisoniy vazifasiga ko'ra ism beruvchilar (nominatorlar)ning muayyan maqsadini ham ifodalaydi. Mana shu maqsad bolaga ism tanlash va yasash uchun asosiy, yetakchi motiv hisoblanadi. Mana shu maqsadda nominatorning, bevosita u mansub bo'lgan xalqning milliy-madaniy xususiyatlari o'z ifodasini topadi. O'zbek ismlarini bu jihatdan tahlil qilish shuni ko'rsatadiki, antroponimlar millatning, xalqning milliy urf-odat va an'analari, dunyoqarashi, madaniyatini o'zida aks ettiradi.

Shaxsni atashda ismdan tashqari familiya ham muhim belgi hisoblanadi. Shaxsan buyuk millat sifatida o'zbek xalqida farzandga familiya berish asriy an'alarimizdan biridir. Bunda asosan bolaga bobosining ismi familiya sifatida tanlanib, unda kimning avlodi ekanligini bilish mumkindir. Ba'zida farzandni otasining familiasiga (ya'ni kata bobosining ismi) olinadi. Aniqroq qilib aytganda bobosining ismiga -ov, - ova qo'shimchalari qo'shish bilan familiya hosil qilinadi.

Masalan: *Rustamov Alibek Azamat o'g'li*

Bola- Alibek

Otasi – Azamat

Bobosi –Rustam

O'zbek xalqimizda shunday bir qadriyat borki, har bir shaxs o'zining 7 pushtini (avlodini) bilishi kerak. Zero, 1 bolaning ismida 3 avlod nomi biriktirilgan.

Fransiya bir million turdagi familiyalar bilan dunyoda rekord o'rnatdi. Fransuz tilida familiyalarning kelib chiqishi mustamlakachilik, bosqinlar va ko'chishlar kabi turli ijtimoiy hodisalar sababli galliya, lotin, grek, german hamda arab,

portugal, italyan, arman va boshqa tillardan kirib kelgan familiyalar bilan boyidi.

Fransuz tilidagi familiyalar ham o'zbek tilidagi kabi quyidagi memoratif hodisa natijasida yuzaga keladi.

- 1) Yashash joyini ko'rsatadigan ismlar: Laforêt, Dupré, Dupont, Beaumarché...
- 2) Kasbini ko'rsatadigan ismlar: Avocat, Chevalier, Couturier...
- 3) Asosiy sifati yoki xislatini ko'rsatadigan ismlar: Lesage, Roux, Gentil...
- 4) Ko'p qo'llanadigan ismlar: François, Simon, Vincent...

Fransiyaning ba'zi hududlari maxsus mahalliy ismlarga ega. Xususan, "de" yoki "du" qo'shimchali ismlar (de Gaule singari) zodagon oilaga mansublikni bildirgan. Bugungi kunda Fransiyada ko'p qo'yiladigan familiyalar Martin, Bernard hamda Dubois.

НЕКОТОРЫЕ ЛЕКСИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ДЕЛОВОГО ФРАНЦУЗСКОГО ЯЗЫКА

**Таирова М., преподаватель
Саидова О., студентка**

Аннотация. В данной статье рассматриваются лексические особенности делового французского языка. Выделяется специфика деловой корреспонденции в целом.

Ключевые слова: лексическая система, лексический состав, деловая переписка, слово, речевые формулы.

Annotation. Cet article examine les caractéristiques lexicales de la langue française des affaires. Dans cette article la spécificité de la correspondance commerciale en général est mise en évidence.

Mots clés: système lexical, composition lexicale, correspondance commerciale, mot, formules de discours.

Annotsiya. Ushbu maqola fransuz tilibiznesleksikasining xususiyatlarini o'rganadi. Umuman olganda, mazkur maqolada ishbilarmonlik yozishmalarining o'ziga xos xususiyatlari izohlangan.

Tayanch so'zlar: leksik tizim, leksik tarkib, ishbilarmonlik yozishmalari, so'z, nutq formulalari.

Для деловой переписки характерны устойчивые словосочетания. Многие из них принадлежат профессиональной терминологии. Наблюдается высокая степень употребления терминов, к которым примыкает большой пласт номенклатурной лексики: наименования и должности. Используются достаточное количество аббревиатур.

Однородность стилистической окраски лексики деловой письменной речидостигается за счет высокой частотности процедурной лексики (с обобщенным значением), представляющей в тексте документа конкретное действие, предмет или признак официально-правовой интерпретации. Термины процедурная лексика составляют по отдельным жанрам документов от 50% до 70% всех словоупотреблений. В текстах документов недопускается употребление бранных слов и вообще сниженной лексики, разговорных выражений и жаргонизмов, тем не менее, в язык деловой переписки попадают профессиональные жаргонные слова: *кадровик, платежка и т.п.* Использование подобной лексики в деловых письмах так же неуместно, как и канцеляризм в бытовой беседе, поскольку она закреплената только за устной сферой общения. При рассмотрении лексических особенностей деловых писем на французском языке отмечается стандартизированное использование формул вежливости. Требование вежливости может трактоваться по-разному, в зависимости от той культуры, в которой данное общение осуществляется. На Западе, в том числе во Франции, соблюдение норм вежливости является важным инструментом для достижения своей цели, установления определенной тональности взаимоотношений. Изменение в тоне писем может быть воспринято как сигнал тревоги или даже отказа. Краткость является другим существенным требованием при составлении того или иного документа. Несмотря на то, что требование краткости и вежливости не может быть истолковано однозначно в письменной деловой культуре различных стран и компаний, оно признается необходимым всеми исследователями. Соблюдение установленных норм вежливости, ограничений и требований, которые существуют по объему того или иного документа, совершенно необходимо для установления связи между корреспондентами. Во французском языке используется большее количество форм вежливости, чем в русском языке, в начале, в конце и в тексте письма. Только для окончания письма существует десяток вежливых форм от банальных *choporny* до витиеватых выражений, которые трудно перевести на русский язык за неимением эквивалентов. Некоторые из них даже звучат как пережитки XVIII в. Однако, по мнению специалистов, наиболее употребительными в деловом общении являются самые простые формы вежливости, например:

bien
cordialement; sincer
ement a
vous; respectueusem
ent.

Перегруженные выражения отвлекают внимание читающего от содержания письма. Но в зависимости от случая во французских письмах могут встречаться более классические формы вежливости, такие как:

*acceptez, cher Monsieur, mes (sincères, respectueuses, etc...) salutations (les plus cordiales...);
recevez, cher monsieur, l'expression de ma parfaite considération; veuillez croire, cher monsieur, à l'assurance de nos sentiments;
je vous prie d'accepter mes sincères salutations.*

Во французском языке, как и в других языках, постоянно появляются новые слова под влиянием технической эволюции и иностранных слов. Но требуется длительный период для того, чтобы эти слова адаптировались в языке и были признаны говорящими на нем. Сфера деловых отношений наиболее подвержена заимствованию из других языков.

Неологизмы часто позволяют упростить или сократить фразу, используя одно слово вместо целого выражения на французском языке. Тем не менее, экономия слов в устной речи объясняется необходимостью быстрого высказывания, а в письменной речи есть риск затруднить понимание из-за сокращения фразы.

Источником неологизмов в деловом французском языке был и остается английский язык. На французском языке такие новые гибриды из двух языков называются «franglais». Это могут быть английские слова, подстроенные под французскую грамматику, или придуманные слова на основе английских эквивалентов: *affichable, briefeur, digital, doublonner, faxer, lister, manager, optimiser, performant*.

Иногда бывает сложно заменить однозначное английское понятие французским словом. В таком случае предпочтение отдается уже известным словам на английском языке, а не заново созданному из двух языков.

Кроме процесса обогащения лексики делового общения словами из английского языка наблюдается процесс образования неологизмов за счет расширения значения слов: это так называемые «семантически неологизмы». Многие термины, кроме своих традиционных значений, приобретают и новую коннотацию, возникающую под влиянием англо-американской культуры. Происходит смещение значения слов, которые во французском языке имели несколько иную коннотацию. Подобная семантическая многозначность вызывает затруднения не только у людей, изучающих французский язык, но даже у исконных носителей языка. Например:

— глагол *initier*, традиционное значение которого ‘осведомлять, приобщать, вводить в курс (дела)’, сегодня часто используется в более близком к английскому значению ‘начать, предпринять’ (от англ. *initiate*).

В русском языке также существует похожий термин: *инициировать*;

— прилагательное *sophistiqué* наряду с исходными значениями ‘усложненный, мудреный, поддельный, фальшивый, манерный’, теперь часто используется в значениях, отмеченных в английском языке — ‘улучшенный, сложный’;

— существительное *décade*. Традиционно во французском значит десяти-дневный период, но сейчас приобретает англоязычное значение период в десятилет (французский аналог *décennie*).

Обогащение словаря делового французского языка неологизмами в наши дни осуществляется из-за счета аббревиаций, например:

ANPE: Agence national pour l'emploi; ASSEDIC: Associations pour l'emploi dans l'industrie; c/c: Compte courant; ESSEC: École supérieure des sciences économiques et commerciales; SMIC: Salaire minimum interprofessionnel de croissance.

Часто неоднозначность аббревиатуры может вызвать затруднения при переводе, сравните: *AR* может значить как *kaller-retour*, так и *accusede reception*.

По сравнению с русским языком во французском более строгие правила обращения к адресату. Если адресат находится в равном положении, то принято использовать обращение «*Monsieur*» или «*Cher Monsieur*», если они знают друг друга в течение какого-то времени. Следует избегать таких обращений, как «*Mon cher Monsieur*» и «*Cher Monsieur Dubois*».

К вышестоящему обращаются просто «*Monsieur*», но не «*Cher Monsieur*». Если пишет мужчина женщине, то он обращается к ней «*Madame*», «*Chère*

Madame». Никогда не употребляется «*Chère madame Dupont*», кроме как книжное стоящим. Более простыми и обычными являются обращения женщины к женщине: «*Madame*», «*Chère Madame*», «*Machère Marie-Thérèse*» (но никогда «*Ma Chère madame Dupont*»).

По мере того как устанавливаются более дружеские отношения, упрощается и стиль обращения. Причиной всех вышеперечисленных лексических особенностей является унификация официальных документов на современном этапе развития. Она рассматривается как выбор одного языкового варианта из нескольких возможных способов передачи одной и той же информации. С точки зрения лексики важнейшей стороной унификации текстов документов является использование языковых формул — устойчивых оборотов, словосочетаний, моделей предложений, отобранных в результате многолетней практики,

терминов, принятых сокращений, условных обозначений, единиц измерения, предусмотренных государственными стандартами .

ЛИТЕРАТУРА

- [1] Ба Л. Деловая переписка на французском языке: Учеб. пособие. — М.: Астрель: АСТ, 2007.
- [2] Веселов П.В. Современное деловое письмо. — М.: Наука, 1990.
- [3] Голованова И.А., Петренко О.Е. Деловой французский? Это не так трудно! — М.: Просвещение, 1997.
- [4] Таирова М.Х. Обучение французскому языку в школах, как второму иностранному языку. — Жиззах.: Халкаро илмий-амалий конференция материаллари, 2021.
- [5] Жиро Р. Французско-русский и русско-французский деловой словарь (Dictionnaire francais- russe et russe-francais de la langue des affaires). — Paris: Institut d'etudes slaves, 1994.
- [6] Паневчик В.В. Деловое письмо. — М., 1999.
- [7] Самохина Т.С. Эффективное деловое общение в контекстах разных культур и обстоятельств. Учебное пособие по профессиональной межкультурной коммуникации. — М.: Р. Валент, 2005.
- [8] Westheimer P.H., Nelson R.B. Savoir rédiger ses lettres. Une correspondance d'affaires efficace. Editions Eyrolles (France) pour la traduction française, 1991.

L'UTILISATION DU JEU COMME SUPPORT D'APPRENTISSAGE D'UNE LANGUE ETRANGERE

M.Kh.Tairova, UEB, enseignante
Z.Klimentova, étudiante

Annotation : Dans cette article on pose la question de l'évaluation et de la place du jeu dans l'enseignement d'une langue étrangère. Dans le cadre du sujet, les principales caractéristiques des jeux dans l'étude d'une langue étrangère sont regroupées.

Mots clés : Jeu, motivation, apprentissage, langue vivante, pédagogie, support ludique.

Annotation: This article raises the question of the assessment and place of play in teaching a foreign language. Within the framework of the topic, the main features of games in the study of a foreign language are grouped.

Key words: play, motivation, learning, modern language, pedagogy, play support.

Аннотация: В данной статье поднимается вопрос об оценке и месте игры в обучении иностранного языка. В рамках темы сгруппированы основные особенности игр в изучении иностранного языка.

Ключевые слова: игра, мотивация, обучение, современный язык, педагогика, игровая поддержка.

Annotatsiya: Ushbu maqolada chet tilini o'rganishda o'yinning o'rni va uni baholash to'g'risida savol ko'tarilmoqda. Mavzu doirasida chet tilini o'rganishda o'yinlarning asosiy xususiyatlari guruhlandi.

Kalit so'zlar: o'yin, motivatsiya, o'rganish, zamonaviy til, pedagogika, o'yinni qo'llab-quvvatlash.

Dans le cadre de cette article, nous avons décidé de nous concentrer uniquement sur l'utilisation du jeu en classe de langue et de préciser ses atouts mais également ses limites d'un point de vue pédagogique. L'apprentissage d'une langue par le biais d'activités ludiques nous a paru être une évidence et une manière d'enseigner qui nous a semblée intéressante d'analyser. Lors de nos stages en responsabilité, nous avons mis en place diverses situations de jeux car nous pensons qu'elles conditionnent l'enthousiasme et la motivation des élèves et qu'elles permettent d'accroître leur participation orale et leur sens de la communication. De plus, le jeu constitue pour nous et pour futures enseignantes, une source considérable d'exploitations. Nous avons axé notre article sur la problématique suivante : **En quoi le jeu facilite-t-il l'apprentissage d'une langue étrangère à l'école primaire ?** Dans un premier temps, nous avons tenté de dégager différentes définitions du jeu en nous appuyant sur diverses sources, puis nous sommes intéressées à son évolution à travers les instructions officielles depuis 1989, date à laquelle l'apprentissage précoce des langues apparaît au sein des programmes. Nous nous sommes également interrogées sur l'apprentissage de l'anglais par le jeu en dégageant d'abord ses avantages mais aussi ses limites d'un point de vue pédagogique pour tenter de trouver un compromis à adopter. Enfin, nous avons trouvé intéressant de faire part de notre expérience pratique où nous avons mis en place des activités ludiques dans le but d'enrichir, d'affirmer ou d'infirmer nos hypothèses et de mesurer l'impact du jeu sur l'envie et le plaisir que prennent les élèves à apprendre la langue. Le travail qui suit se base sur des recherches théoriques et expérimentales et met en relief les innombrables atouts du jeu mais aussi ses limites. Il démontre ainsi que le jeu ne peut être l'unique entrée dans la langue étrangère.[4]

Le jeu est une réalité sociale complexe et selon les pays, on le considère comme étant éducatif ou bien contraire aux apprentissages. L'auteur distingue les enseignants plutôt du côté préscolaire issus du « jardin d'enfants » pour qui le jeu est l'activité centrale par laquelle l'enfant apprend, c'est donc bien plus qu'un outil, c'est une façon d'être au monde et les enseignants du « côté français » d'après qui le jeu est présent du fait de l'âge des enfants mais doit disparaître au plus tôt. Il est considéré comme une valeur affective et sociale, mais aucun sens ne lui est réellement donné, il n'est pas considéré comme un outil. En France, il existe une volonté de maîtriser l'action et ses conséquences, le jeu est donc toujours transformé en exercice. Nous pensons que le mieux serait de considérer le jeu comme un outil, c'est-à-dire de situer son utilisation

entre ces deux tendances.

A partir de ces définitions, nous avons regroupé les principales caractéristiques du jeu. Le jeu est donc une activité :

- **Libre** : les joueurs décident librement de s'engager dans un jeu,
- **Délimitée** dans le temps et l'espace (en classe le temps d'une séance par exemple)
- **Fictive** : le jeu se déroule en dehors de la vie réelle et courante,
- **Réglée** : le jeu comporte des règles qui lui sont spécifiques,
- **Gratuite** : le jeu est sans conséquences pour les joueurs,
- **Incertaine** : le déroulement et l'issue du jeu ne peuvent être connus à l'avance,
- **Demandant** une certaine implication de la part du joueur.

Le jeu : un outil parfois contraignant pour l'enseignant

Dans ce type d'activité, l'enseignant joue un rôle central : il doit tout d'abord « cadrer » les interactions entre élèves pour réussir à construire un véritable apprentissage. Il est important de recentrer le jeu car il perdrait toute crédibilité si jamais il laissait place à un moment de distraction non contrôlé. De plus, sa place dans la gestion du jeu est essentielle : il doit se positionner en tant que « médium d'apprentissage déterminant ». Le temps de déroulement d'un jeu doit être bien évalué pour ne pas empiéter sur la séance suivante, pour ne pas lasser ou frustrer les élèves et surtout pour qu'elle soit productive pour les élèves. Le jeu amène une certaine effervescence lorsqu'il comporte une compétition ou un défi, car les enfants s'impliquent sans réserve dans un jeu motivant, recourant alors spontanément au français, l'activité ludique en perd donc tout son intérêt. Il convient donc de fixer des règles de jeu et de conduite dès le début de la séance et, considérant leur besoin de parler, de donner aux élèves des formules, des phrases types pour exprimer leur enthousiasme ou leur déception. Il semble nécessaire de faire des pauses pour un retour au calme ou un rappel des règles. Aussi, l'enseignant doit prévoir et préparer le matériel nécessaire au jeu, cela peut lui demander beaucoup de temps et d'imagination. Le jeu en classe de langue apporte donc, comme nous l'avons évoqué, un certain nombre de contraintes pour l'enseignant. Ce dernier doit également garder à l'esprit que des méthodes d'enseignement variées sont la clé de tout apprentissage ; même le jeu peut être lassant pour l'enfant si celui-ci se répète trop souvent dans les séances.

En faisant la conclusion on peut dire que l'utilisation du jeu comme support d'apprentissage d'une langue vivante nous a semblée être une approche intéressante à analyser dans le cadre de cette article et en vue de notre futur métier de professeur des écoles. En effet, il a été très enrichissant de s'engager dans une réflexion didactique portant sur ce type d'approche et concernant un enseignement qui nous tient à cœur.

Le jeu est un facteur de motivation puissant et en ce sens facilite l'apprentissage d'une langue vivante. Il est un outil efficace de par l'attrait et l'implication qu'il suscite chez les enfants et l'authenticité de communication

qu'il permet. En effet, il est un vecteur de communication important et permet aux enfants de s'exprimer et d'échanger en leur offrant la possibilité d'être acteurs de leurs apprentissages. En plus de susciter le goût et le plaisir d'apprendre, l'utilisation du jeu permet de développer des compétences transversales liées à la socialisation comme le respect de soi, d'autrui, le respect des règles et permet d'instaurer un climat de classe agréable. Aussi, le jeu permet davantage de liberté et accorde une place à l'erreur qui doit être dédramatisée et exploitée. La prise en compte d'une approche ludique dans les apprentissages fait sens si l'on prend en compte le fait que le jeu fait partie intégrante de la vie d'un enfant dès son plus jeune âge.[9]

Cependant, comme tout support d'apprentissage, le jeu présente des limites. Il peut apparaître comme un outil contraignant pour l'enseignant s'il veut que ces situations ludiques soient favorables à un véritable apprentissage. En effet, pour être productif, la mise en place de jeux doit être réfléchie afin d'éviter lassitude ou frustration et de favoriser au mieux l'utilisation de la langue. Pour que l'approche ludique soit efficace, il est important que les enseignants intègrent le jeu de manière cohérente dans une séquence d'apprentissage. De plus, le recours à la pédagogie du jeu pose la question de l'évaluation et de la place accordée à l'écrit. Le jeu ne saurait être la seule entrée lors de séquences en langues, il semble donc nécessaire de varier les démarches d'enseignement en utilisant d'autres supports comme les albums, la chanson ou le drama.

La mise en place d'activités ludiques lors de nos stages au service de notre mémoire, a donné un sens plus concret à nos recherches. Nous avons remarqué l'implication et la motivation dont ont fait preuve les élèves à travers les situations que nous proposons. Il est important que le jeu reste au service du travail mais plaisir et travail ne sont pas deux notions incompatibles.

BIBLIOGRAPHIE

- 1.Allen D. (2006). Découvrir l'anglais par le jeu. Hatier Enseignants
- 2.Caillois R. (1958). Les jeux et les hommes : *Le masque et le vertige*. Gallimard
- 3.Freinet C. (1960). L'éducation du travail. Delachaux & Niestlé
4. Tairova M. Kh.,(2021). Approche différenciée de l'enseignement d'une langue étrangère à l'école. ZAMONAVIY FILOLOGIYA ILMI VA LINGVODIDAKTIKA MASALALARI Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari 11-iyun 2021-y, Qarshi
- 5.Haydée S. (2008). Le jeu en classe de langue. CLE INTERNATIONAL Techniques etPratiques de Classe
- 6.Henriot J. (1989). Sous couleur de jouer la métaphore ludique. José Corti
- 7.Huver E., Springer C. (2011). L'évaluation en langue. DIDIER Langue et Didactique
- 8.Tagliante C. (2005). L'évaluation et le cadre européen commun. CLE INTERNATIONAL Techniques et Pratiques de Classe

9. Maxmudova M.M.(2020).PRESERVATION OF ORIGINALITY IN THE TRANSLATION OF GOETHE'S WORKS. International journal of Psychosocial Rehabilitation. 2020.01. 152-159

TURLI TILLARDAGI FRAZEOLOGIK BIRIKMALARNI O'ZBEK TILIGA TARJIMA QILISH XUSUSIDA

Ubaydullayev Xurshid Shavkatovich
Farg'ona davlat universiteti, o'qituvchi
xbond17@mail.ru

Annotation

In this article it is discussed the methods of translating phraseological units from the literature of different languages into Uzbek.

Key words: translation theory, research, phraseological units, component, figurative meaning, thought.

Annotatsiya

Mazkur maqolada turli tillar adabiyotlarida keltirilgan frazeologik birliklarni o'zbek tiliga tarjima qilish usullari haqida fikr yuritilgan.

Kalit so'zlar: tarjima nazariyasi, tadqiqot, frazeologik birliklar, komponent, ko'chma ma'no, fikr.

XX asrga qadar "tarjima" so'zi faqat tarixiy, falsafiy, adabiy va badiiy asarlar o'girmasiga nisbatan qo'llanib kelingan. Og'zaki tarjimonga nisbatan esa turkiy xalqlarda "tilmoch", nemis tilida "dolmetechen", ingliz va frantsuz tillarida "interpret" atamaları qo'llanilgan. Tarjima nazariyasi xususida aytilgan fikrlar ham shu yo'sinda umumiy ma'no kasb etgan.

Tarjima nazariyasiga bag'ishlangan ilk tadqiqotlar o'tgan asrning 20-30 yillarida yuzaga kela boshladi. Bu davrda nashr qilingan Amos, Postget, Finkel, Alekseev kitoblarida va Sanjar Siddiqning "Adabiyot tarjimasi san'ati" (1936) risolasida tarjima nazariyasi fan sifatida e'tirof etilgan tezislarni uchratamiz. 50-yillarda taniqli tarjimon Ivan Kashkin va tilshunos Reformatskiyning tarjima nazariyasi xususidagi maqolalari e'lon qilingandan so'ng bu sohada bahs-munozaralar boshlanib ketdi. Professor Reformatskiy "tarjima amaliyoti barcha fanlar uchun xizmat qilsa-da, tarjima nazariyasi mustaqil fan bo'la olmaydi, balki tilshunoslikning bir bo'limigina bo'lishi mumkin", degan g'oyani ilgari surgan edi [1].

Bugungi kunda til va madaniyatlarning o'zaro ta'sirini o'rganish alohida dolzarblikka ega. Dunyo bo'ylab madaniyatlararo aloqalar rivojlanayotgani tufayli yuz berayotgan faol integratsiya jarayonlari yuz bermoqda. Har qanday tilning lug'at tarkibi jamiyatning madaniy-iqtisodiy hamda siyosiy hayotidagi muhim o'zgarishlarga ta'sir etadi.

Odatda erkin birikmalarni tarjima qilish muammo tug'dirmaydi. Agar erkin birikmalardagi so'zlardan biri ko'chma ma'noda qo'llansa, uni tarjimada berish qiyinlashadi. Ingliz tilida iboralarning bir nechta turi mavjud bo'lib,

ularning har-birini tarjima qilishda alohida yondashuv talab etiladi. Birinchi turdagi soʻz birikmasi *sifat+ ot* turi. Ularning semantik strukturasi bir-biridan katta farq qiladi.

Bu birikmada qoʻllanilgan otning xususiyatini va sifatini belgilaydi. Agar ingliz tilidagi *free educational institution* birikmasidan *free* soʻzi *institution* soʻzi bilan aloqasi yoʻq, bu degani baʼzi hollarda sifatlar otning xususiyatlari va sifatidan tashqari u bilan bogʻliq tushunchalarni ham ifodalashi mumkin. Yana bir misol: ingliz tilidagi *a medical man* birikmasini tarjima qilishda *a stout person* birikmasini tarjima qilishda qoʻllangan usuldan foydalanib boʻlmaydi. Ingliz tilidagi *a stout person* [2] oʻzbek tiliga *toʻladan kelgan* yoki *semiz odam* deb tarjima qilinadi. Ingliz tilidagi *a medical man* birikmasini oʻzbek tiliga tarjimasini soʻzma-soʻz toʻgʻri kelmaydi. Bu yerda ikki soʻz bitta maʼnoni ifodalaydi va *shifokor* deb tarjima qilinadi. Oʻzbek tilida ham bunday bitta maʼnoni ifodalovchi birikmalarni koʻplab uchratishimiz mumkin. Masalan: *togʻ qoʻyi, malla sochli, devor soati* va hokazo. Bir otni bir necha sifat aniqlab kelishi mumkin boʻlgan hollar ham uchraydi. Bunda aniqlanmish boʻlib ot kelishi mumkin. Masalan, *temir xotin, ichkari uy kaliti* kabilar.

Ayrim hollarda ingliz tilidagi frazeologik birliklarning bir qismi tasviriy ifoda bilan, yaʼni bir necha soʻz yordamida tarjima qilinishi mumkin: *In England e.g. it is even available in drugstores on the bargain counter. A bargain counter* – narxi tushurilgan mollar doʻkoni - *In England z.B. ist es sogar in Drogerien auf dem Sonderangebotstisch zu bekommen* [3].

Frazeologik birliklarni tarjima qilish erkin birimalarni tarjima qilishdan farq qilib, ularni oʻz va koʻchma yoki obrazli turlarini farqlab olish kerak. Oʻz maʼnosida qoʻllangan birliklarni tarjima qilish yuqorida fikr yuritilgan prinsiplarga asoslanadi. Eng muhim prinsiplardan biri – tarjima til normalarini unutmastik kerak. Koʻchma yoki obrazli turgʻun birikmalar tarjimasini alohida eʼtiborni talab etadi. Bunday iboralarning asosiy xususiyati ularning komponentlari yigʻindisidan anglab olish qiyinligi bilan xarakterlanadi. Turgʻun birikmalar maʼnosi alohida olingan soʻzlardan emas, balki ularning yigʻindisidan kelib chiqadi. Obrazga asoslangan turgʻun birikmalar matni ifodali hamda stilistik jihatdan boʻyoqdor boʻlishini taʼminlaydi. Tarjimada autentiv matnning oʻz boʻyoqdorlik aksini topishi uchun tasviriy ifoda vositalarini imkon qadar toʻliq saqlab, matnning ifodali va boʻyoqdorligini taʼminlash maqsadida tarjima matnida ham adekvat va obrazli turgʻun birikmalarining ekvivalentini topishi darkor.

Tarjima nazariyasi boʻyicha nashr etilgan adabiyotlarda frazeologik birliklarni tarjima qilishning toʻrt usuli borligi haqida maʼlumot beriladi. Ular quyidagilardan iborat: 1) obrazni qanday boʻlsa shundayligicha saqlash; 2) obrazni qisman oʻzgartirish; 3) obrazni butunlay boshqa obraz bilan almashtirish; 4) tarjimada butunlay obrazni saqlamaslik yoki uni tushirib qoldirish. 1. Odatda universal yoki internatsional obrazlar tarjimada toʻliq saqlanadi. Bunday frazeologik birikmalar tarixiy, afsonaviy, diniy, mistik,

mifologik va shu kabilarga asoslangan bo'ladi. Masalan, *in the seventh heaven - (wie) im siebenten Himmel sein* [4, 86] – *на седьмом небе от счастья – yettinchi osmonda*. Bunday frazeologik birikmalar asliyatning tarjima tilidagi ekvivalentlari deb ataladi. Tarjimada to'liq ekvivalentga ega frazeologik birikmalar deyarli hech qanday muammo tug'dirmaydi, chunki ular stilistik hamda pragmatik jihatlardan bir xil qiymatga, ma'noga, ifoda usuli va ta'sir kuchiga ega.

Ba'zan xorijiy tildagi obrazli frazeologik birlikni o'zbek tilidagi muqobili bo'lmasa ham saqlab qolish imkoniyati mavjud. Bunga kalkalash yo'li bilan erishish mumkin. Masalan, *nothing comes out of the sack but what was in it - из мешка ничего не выходит, кроме того, что было в нем – qopda nima bo'lsa, shu chiqadi yoki qozonda bori cho'michga chiqadi* kabi. Bu usul obrazli frazeologik birlikning ma'nosi shaffof bo'lgan taqdirda, ya'ni uni barchaga oson tushunish mumkin bo'lgan holdagina qo'llaniladi. Frazeologik birikmalar tarkibidagi so'zlar ko'chma ma'noda qo'llanilgan bo'lsa-da, uni tarjima qilishda kalkalashdan foydalanish matnni, matndagi ma'lumotni hamda matndagi g'oyani tushunishni yengillashtiradi, tarjima muqobilligini ta'minlaydi. Kalkalash aksariyat hollarda obrazli frazeologik birikmalarni oddiy frazeologik, ya'ni erkin birikmalarga aylantiradi. Bu usuldan qanchalik to'g'ri foydalanilganlik tarjima sifati ko'rsatadi. Aksincha, frazeologik birikma tarkibida qo'llangan so'z ma'nolari shaffof bo'lmasa, kalkalash usulidan foydalanish matnda qo'llangan ko'chma ma'noli so'zlarni qisman, ba'zan esa to'liq mos kelmaslikka olib keladi. Masalan, ingliz tilidagi *to send somebody to Coventry - бойкотировать кого-либо; прекратить общение с кем-либо; игнорировать кого-либо* [значение выражения предположительно восходит к книге Кларендона (*E. H. Clarendon*)] turg'un frazeologik birligini tushunish uchun undagi so'zlar ma'nosi yoki ma'nolar yig'indisi yetarli bo'lmaydi, chunki bu frazeologik birlik *yubormoq* yoki *Koventri* so'zining ma'nosiga bog'liq emas. Bu iboraning tarjimasi *baykot qilmoq* fe'liga to'g'ri keladi.

Ko'pincha chet tili va tarjima tillarida bir xil fikr ifodalanadi, biroq ular obrazlari bilan bir-biridan farq qiladi. Ularning har ikkisi bir xil ko'chma ma'noga ega bo'lib, bunday obrazlar o'rtasida mavjud ozgina farq hisobga olinmasligi mumkin. Bunda tarjima qilinayotgan frazeologik birlikdagi obraz tarjimada qisman o'zgarishga uchraydi. Shunday bo'lsa-da tarjima adekvat hisoblanadi: *a fine suit does not make a gentleman - Ein feiner Anzug macht keinen Gentleman* – kiyim odamni bezamaydi, *a burnt child dreads the fire – Пуганная ворона куста боится - sutdan og'zi kuygan qatiqni ham puflab ichadi*. Mazkur misolda ingliz, rus va o'zbek frazeologik birikmalari o'rtasida muqobillik yo'qdek ko'rinadi. Chunki birlikning birorta so'zi bir-biriga to'g'ri kelmaydi, biroq frazeologik birlikda ifodalangan obraz deyarli bir xil – *olovdan va qaynoq narsadan qo'rqish* ma'nosi berilib, turg'un birlikda berilgan ma'no umumlashtirilgan.

Xulosa qilib aytganda, hozirgi zamon tilshunosligida frazeologik birikmalar yozuvchilarning asarlarida va notiqlarning nutqida stilistik vosita sifatida juda keng foydalanilmoqda. Chunki u fikrni aniq, to'liq, obrazli ifodalab, nutqqa ifodalilik, emotsionallik va ko'tarinki ruhda bayon qilish uchun xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Tarjima nazariyasi va tanqidi muammolari (davra suhbat) (2014), «O'zbekiston adabiyoti va san'ati» gazetasi, 2014 yil 10-son, <https://www.ziyouz.com/portal-haqida/xarita/suhbatlar/tarjima-nazariyasi-va-tanqidi-muammolari-davra-suhbati>

2. https://www.google.de/search?ei=EIKvX8TIHd2PwPAPiLiI8A0&q=a+stout+person+&oq=a+stout+person+&gs_lcp=CgZwc3ktYWIQAzIGCAAQFhAeMgYIABAWEb4yBggAEBYQHjIGCAAQFhAeMgYIABAWEb4yBggAEBYQHjIGCAAQFhAeMgYIABAWEb4yBggAEBYQHjIGCAAQFhAeOgcIABBHELADUMCJAjAiQJg_I4CaAFwAngAgAGZAYgBmQGS AQMwLjGYAQCgAQKGAQGqAQdnd3Mtd2l6yAEIwAEB&sclient=psy-ab&ved=0ahUKEwjEkIDTviHtAhXdBxAIHQgcAt4Q4dUDCA0&uact=5

3. <https://context.reverso.net/%C3%BCbersetzung/englisch-deutsch/bargain+counter>

4. Langenscheidt, 1000 deutsche Redensarten, Dr. Heinz Griesbach, Dr. Dora Schulz, Langenscheidt, Berlin und München, 1981

5. Prof. Dr. Roxana Nubert, Temeswarer Beiträge zur Germanistik, Mirton Verlag, Temeswar 2014

Э.М.РЕМАРКНИНГ “IM WESTEN NICHTS NEUES” РОМАНИДА ФЕЪЛ ЗАМОН ШАКЛЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ

Хаас Албина

Университет Мюнстер, Германия

Рўзиев Яраш Бозорович

PhD, Бухоро давлат университети

Таянч сўзлар: замон шакллари, контекст, нутқ моменти, иш-ҳаракат, транспозиция, парадигматик маъно, синтагматик маъно, бадий услуб, стилистик таъсирчанлик.

Ключевые слова: временные формы, контекст, момент речи, действие, транспозиция, парадигматическое значение, синтагматическое значение, художественный стиль, стилистический эффект.

Key words: the tense forms, the context, the point of speech, action, paradigmatic sense, syntagmatic sense, the literary style, the stylistic effect.

Мақола немисёзувчиси Э.М.Ремаркнинг “Im Westen nichts Neues” романида феъл замон шакллариининг қўлланишига бағишланган. Ушбу

бадий асар мисолида замон шаклларининг кўп маънолиги, транспозицион қўлланиши ва стилистик хусусиятлари таҳлил қилинган.

Статья посвящена употреблению временных форм глагола в романе "Im Westen nichts Neues" немецкого писателя Э.М.Ремарка. На примере этого художественного произведения рассматриваются многозначность, транспозиционные возможности и стилистические особенности временных форм немецкого глагола.

The article is devoted to the use of tense forms of the verb in the novel "ImWestennichtsNeues" of German writer E.M.Remarque. An example of this literary work is considered the ambiguity, the possibility of transposition use and stylistic features of tense forms of the German verb.

Таниқли немис ёзувчиси Эрих Мария Ремарк 1898 йили Германиянинг Оснабрюк шаҳрида туғилади. Ўрта мактабни битириши биланоқ, 1916 йили 18 ёшида аскар сифатида Биринчи жаҳон урушига сафарбар этилади. Даҳшатли уруш оқибатида вужудга келган вайронагарчиликлар, азоб-уқубатлар ва очарчиликларни ўз кўзи билан кўради ва бошидан кечиради. У 1932 йили Германияни тарк этиб, аввал Швейцарияда, кейинчалик эса АҚШда яшайди. Умрининг охириги йилларида яна Швейцарияга қайтиб, 1970 йили ўша ерда вафот этади.

Унинг "Im Westen nichts Neues" („Ғарбда ўзгариш йўқ“ таржима бизники) романи бошдан-оёқ даҳшатли Биринчи жаҳон урушига бағишланган бўлиб, ёзувчи унинг оқибатларини ўз номидан эмас, балки аскар Паул Боймер орқали тасвирлаб беради. Асарда миллионлаб кишиларнинг ёстиғини қуритган, одамларни турли жабру-жафоларга гирифтор этган, очарчиликка дучор қилган, жуда кўп талафотлар келтирган урушни тезда унутаетган Ғарб давлатлари (жумладан Германия) раҳбарлари қаттиқ танқид қилинади. Романнинг „Ғарбда ўзгариш йўқ“ деб аталишининг боиси ҳам шунда.

Асар илк бор 1925 йилда Берлинда чоп этилади ва қисқа бир вақт ичида қайта-қайта босилиб, унинг нашри бир ярим миллион нусхадан ошиб кетади, жаҳоннинг етакчи 45 тилига таржима қилинади.

Биз ана шу тарихий романда феъл замон шаклларининг ишлатилишини аниқлаш мақсадида статистик таҳлил ўтказдик. Бошқача айтганда, 186 бетдан иборат асарни таҳлил қилиб, унда жами 8568 марта феъл қўлланганини, шундан 99,5 фоизини аниқлик майли замон шакллари ва қолган 0,5 фоизини шарт ва буйруқ майллари ташкил этганини аниқладик. Фикримиз янада аниқроқ бўлсин учун журналхонга қуйидаги жадвални ҳавола қиламиз:

Замон шакли	Жами	Презенс	Претерит	Перфект	Плюсквам-перфект	Футурум I
Асарда учраш	8568	7008	722	636	82	120

миқдори						
Улуши	100%	81,7%	8,4%	7,4%	0,95%	1,4%

Жадвалдан кўриниб турибдики, автор ўз романида асосан аниқлик майли замон шакллари ишлатган, шахсан презенс кўп (81,7%) қўлланган. Бунинг устига презенс ўзининг асосий маъноси – нутқ пайтида бўлаётган иш-ҳаракатни билдиришдан ташқари ўзининг қўшимча маъноси – ўтган замонни ифодалашда қўлланган. Демак, презенс баъзи ҳолларда асосий функциясига нисбатан кўпроқ қўшимча маънода ҳам ишлатилар экан. Презенснинг бу қўшимча маъноси тарихий презенс (historisches Präsens) деб юритилади. Тарихий презенс деганда, ўтган замонда бўлган иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисанинг ҳозирги замон шакли презенс орқали ифодаланиши тушунилади. Презенснинг ўтган замон маъносида қўлланиши К. Велкенинг фикрича, унинг метафорик хусусиятга эга эканлигидан [7, 159], германист Х. Фатернинг таъкидлашича, презенснинг бундай функцияда ишлатилиши, унинг кўчма маъно касб этиши, транспозицияга учраши билан боғлиқ [6, 50]. Презенс бу функциясида асосан тарихий асарларда қўлланади ва ўтган замонда бўлган иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисани ҳозирги замон шакли билан ифодалайди.

Хўш, нега шундай бўлади? Бунга сабаб нима?

Биринчидан, тарихий асар бўлганилиги учун, презенс ўзининг қўшимча маъносида ишлатилган. Бу факт германистларнинг “тарихий асарларда ўтган замонда бўлган иш-ҳаракат асосан тарихий презенс орқали ифодаланади” деган фикрларини яна бир бор тасдиқлайди;

Иккинчидан, тарихий презенснинг қўлланиши асарга қўшимча стилистик таъсирчанлик ва образлилик бахш этади. Китобхон асарда ифодаланган иш-ҳаракат, воқеа-ҳодисаларни худди кўз ўнгида бўлаётгандек қабул қилади. Бошқача айтганда, контекстдаги воқеа-ҳодисалар китобхон кўзи олдида янада яққолроқ, ойдинроқ намоён бўлади, гавдаланади.

Учинчидан, бадий асарда қайси замон шаклининг кўпроқ қўлланиши – бу ёзувчининг бадий услуби билан боғлиқ [2, 198]. Э.М.Ремарк ўзининг “Ғарбда ўзгариш йўқ” романидаги воқеа-ҳодисаларни тасвирлаш учун асосан тарихий презенсга мурожаат қилган экан, бу муаллифнинг ўзига хос бадий услубидан далолат беради.

Бутун бир контекстдаги воқеа-ҳодисалар тарихий презенсда берилиши мумкин, чунки у асар қаҳрамонларининг “нутқ моменти, объектив замони” бўлиб хизмат қилади. Одатда асар қаҳрамонларининг ўтган замони претерит, перфект ва плюсквамперфект ёрдамида ва келаси замони футурум ёрдамида ифодаланади:

Dieser Zufall ist es, der uns gleichgültig macht. Ich saß vor einigen Monaten in einem Unterstand und spielte Skat; nach einer Weile stand ich auf und ging, Bekannte in einem andern Unterstand zu besuchen. Als ich zurückkam, war von dem ersten nichts mehr zu sehen, er war von einem

schweren Treffer zerstampft. Ich ging zum zweiten zurück und kam gerade rechtzeitig, um zu helfen, ihn aufzugraben. Er war inzwischen verschüttet worden. 77

Биринчи гапда нутқ momenti билан бир пайтда бажарилган иш-ҳаракат презенсда берилган, иккинчи гапда қўлланган *vor einigen Monatens*үз бирикмаси эса кейинги иш-ҳаракатларнинг ўтган замонда бажарилганлигига ишора қилади ва табиийки, улар претерит ва плюсквамперфектда ифодаланган.

Немис тилида презенснинг келаси замон маъносида қўлланиши кўп учрайди ва у футурал презенс дея ном олган. Баъзи германистларнинг таъкидлашларича, презенснинг келаси замонни ифодалашда кўчма маънода қўлланиши ва контекстга образлилик бахш этиши камдан-кам учрайдиган ҳодисадир [5, 130–131]. Бунда контекстда кўпинча бундан кейин сўзловчи ёки асар қаҳрамони хаёлий воқеа-ҳодисалар, орзуларини баён қилишини кўрсатувчи ишора мавжуд бўлади, масалан: *Stell dir (doch) vor* ва б. Биз ҳам ушбу фикрни қўллаб-қувватлаймиз ва таҳлилларимиз натижасида презенснинг кўшимча маънолари бўлган тарихий презенс ва футурал презенснинг бир контекстда бирга қўлланишини аниқладик:

„Stell dir vor“, sagt er und holt ein paar gute Zigaretten heraus, „ich komme aus dem Lazarett hierher und falle gleich über ihn. Er streckt mir seine Pfote entgegen und quakt: ›Sieh da, Mittelstaedt, wie geht es denn?‹ - Ich sehe ihn groß an und antworte: LandsturmannKantorek, Dienst ist Dienst und Schnaps ist Schnaps. ... Als erstes nahm ich ihn zur Kammer und sorgte für eine hübsche Ausrüstung. Du wirst ihn sehen.“124-125

Yuqorida ko'rib chiqilgan fransuz tilidagi frazeologik birikmalarni o'rganish va o'zlashtirishdagi xatoliklar va qiyinchiliklarning oldini olish maqsadga muvofiqdir. Ularning oldini olish maqsadida til o'rganuvchilarga shu kabi frazeologik birliklarga xos xarakteristikalarini, fransuz tili iboralarning avvalombor ma'nosining qo'llanilishi holatlarini tushuntirish lozim. Bu yerda albatta, fransuz va o'zbek tillarining turli mintalitetga, turli tillar oilasiga tegishli ekanligini va shu asosiy faktor ta'sirida ularning frazeologik qatlamlari ham turli situatsiya, kontekstlarda turlicha konsept va obrazlar bilan ifodalanilishi o'rinli ekanligini ta'kidlashni unutmazlik zarurdir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Заславская П. И., Алямская Н. В., Пашина Р. А. Грамматика французского языка . Москва, 1969 -285 с.
2. Илия Л.И. Грамматика французского языка . Москва, 1955 -213 с. 76
3. Илия Л.И. Грамматика французского языка . Москва, 1964 - 237с.
4. Караева М.Х., Литочевская М.Ю. Француз тили грамматикаси. Тошкент, 1977. - 135 б.
5. Jurayeva M.M. Les médias français. Roman-German filologiyasining dolzarb muammolari xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallar to'plami. Samarqand, 2021. 239 b.

AGRICULTURE TERMINOLOGY AND ITS APPLICATION

Khaitova Gulshan Bahodirovna

A Teacher of German-French Department

Foreign Languages Faculty, Bukhara State University

Abstract – The article provides information on agricultural terms, their types and what they mean in the text. However, several terms have been analyzed through examples.

Key words: agricultural terms, terminology, definition, plowing, tilling, and harrowing.

I. Introduction

Every time we start learning about a new field, we come across terms we don't know the definition of. Usually we know these words well, but as we try to understand what we read, we realize that we don't actually know what they

mean. The first examples were coal, steel, and smelting. Often there are two or three terms that we understand in a general sense, but do not know the difference between them, such as cement and concrete.

II. Main part

Concepts are the building blocks of this knowledge and we cannot hope to explore a new topic without having a clear understanding of them. So we need to take the time to look for things and read multiple sources until we clearly feel the definitions and differences. It slows us down at first, but it does speed us up in the long run.

Here are some conditions you have recently considered:

Plowing, tilling, and harrowing

What are these things? We had a vague idea that they were all different ways of preparing the soil, and that's basically right.

Tilling is the most general term; it refers to any mechanical agitation of the soil. Plowing and harrowing are types of tilling.

Plowing specifically refers to taking the top layer of the soil and turning it over, flipping it upside down. This is done to bury anything that was growing on the surface (such as weeds), and to expose nutrients that are below the surface, and probably for other reasons.

Harrowing seems to be more like cutting or scraping the soil, and is used for multiple purposes including, preparing the seedbed.

To make things more confusing, there is a tool called a tiller that does a specific type of tilling, which is also basically combing or raking the soil, and sometimes "tilling" seems to be used in this narrower sense. So far the only difference we can see between a tiller and a harrow is that the harrow is wider, agitating many rows at once.

Spring vs. winter crops

A quote from *A History of Agriculture in Europe and America*:

In the three-field system, as noted above, one field was fallow, the second planted with winter grain (wheat or rye), and the third with a spring crop (barley, oats, beans, peas, vetches).

Why are some crops "winter" and others "spring"? Does this have to do with the biology of the plants? Is it a convention for some social or economic reason?

Turns out it is mostly biology. Every plant has an optimal temperature range to grow in, a range in which it might grow but might taste bad, and a range in which it won't grow or will die.

To make things more confusing, "winter" crops are planted in the fall, and can actually be planted again in early spring, a bit before the last frost; "spring" crops must be planted in late spring and grow through the summer. Actually, it's even more confusing than that, because this is all relative to local climate—in a hot, dry area like California, "spring" crops can be planted in fall. (The Penn

State page helpfully uses the less-confusing terms “cool-weather” vs. “warm-weather” plants.)

Arable land, pasture, and meadow

Sure, you know the word “meadow” and you can probably picture one, but can you define it? Can you distinguish it from a “pasture”, or “a big field with, like, grass and flowers and stuff”?

Arable land is basically farmland. Broadly, it can refer to any land capable of growing crops; in a narrower definition, especially for the purpose of agricultural statistics, it is land currently being used for crops (even if temporarily fallow). Here we are talking about the kind of crops that have to be replanted each year; arable land is distinguished from permanent cropland such as orchards or vineyards.

Pasture and meadow are both fields where grass and similar plants are grown to feed livestock. The difference? You let the livestock graze in the pasture, but not in the meadow—you save the grass in the meadow to make hay, presumably to feed the livestock in the winter.

(“Hay”, you might be wondering at this point, “hay... what is that? And how is it different from straw?” Straw is the dried stalks of cereal crops; it has uses as rough bedding, or for weaving into products such as hats or baskets, or for thatching roofs. Hay is food. Specifically, it is food for livestock, typically made from grass or alfalfa.)

Intensive vs. extensive agriculture

Extensive agriculture just means you’re not very efficient and so you use a lot of land to produce a given amount. Intensive agriculture means you get more efficient and use less land per unit output. Modern industrial agriculture is of course the most intense.

III. Conclusion

In short, there are many agricultural terms and it is very useful to study them. Because the terms can always mean different things. Therefore, it is necessary to analyze them in depth and compare them from different sources.

References:

1. Langenscheidts Großwörterbuch] / [W. Duda u. a.] [5. Aufl.]. - Berlin [u. a.] Langenscheidt, 2001.
2. Dubrova Y.Y. Structural and content specificity of multicomponent terms (based on military documents): Avtoref. dis. ... Cand. philol. sciences. -M., 2015 .-- p. 23.
3. Doniyorov R. Some issues of technical terminology of Uzbek language, - T .:, Science. 1977. - p. 144.
4. Grinev-Grinevich S.V. Terminology // Educational. manual for stud. Universities. - M .: Academy, 2008 .-- pp. 11-12.
5. <https://rootsofprogress.org/some-agricultural-terminology>

FRANSUZ VA O'ZBEK TILLARIDA TIJORAT VA BIZNES TERMINLARINING MILLIY–MADANIY JIHATLARI

**Nasriyeva Dilnoza
BuxDU, II bosqich magistranti**

“Dunyodagi qadimiy va boy tillardan biri bo'lgan o'zbek tili xalqimiz uchun milliy o'zligimiz va mustaqil davlatchilik timsoli, bebaho ma'naviy boylik, buyuk qadriyatdir”¹.

Darhaqiqat, til – mentalitet, qadriyat, an'ana va odatlarni ham o'ziga xos olamni tushunish usulini aynan til orqali qabul qiladigan insonni shaklantiruvchi qurol hisoblanadi. Madaniyatning bir tomonlama tilga ta'siri yoki tilning madaniyatga ta'siri g'oyalari til va madaniyatning o'zaro bog'liqligi va aloqasi, ularning uzviy lisoniy birlik ekanligini tasdiqlashga yordam beradi.

E.Sepirning fikricha: “Til-bu madaniyatni ilmiy o'rganishda yetakchilik, boshlovchilik qilishi bilan muhim ahamiyatga egadir”².

Darhaqiqat, hozirgi davr davlat tili hisoblangan o'zbek tilimiz lug'at tarkibining asosini turli tuman terminologik tizimlarsiz ta'savvur etib bo'lmaydi.

Tilshunoslik fani tilda bo'layotgan barcha o'zgarishlarni atroflicha o'rganar ekan, hozirgi kunda ilm- fan, texnika va raqamli iqtisodiyotning jadallik bilan rivojlanishi, tabiiyki, zamonaviy tilshunoslikning turli yangi oqimlari, yo'nalishlari, yangi ilmiy nazariy qarashlarning paydo bo'lishiga sabab bo'lmoqda.

Bu borada esa muhtaram prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev tomonidan qabul qilinayotgan qator Qaror va Farmonlari dasturul–amal bo'lib xizmat qilmoqda.

Har bir millatning turmush tarzi, yashash sharoiti, o'tmishi, tarixi, madaniyati, san'ati bir xil bo'lmaganidek, til taraqqiyotida ham mushtarak va differensial belgilar mavjud bo'ladi. Terminologiyaning rivojlanishi, shakllanishi, taraqqiy etishi esa, albatta, o'ziga xos qonuniyatlar asnosida yuz beradi. Shuningdek, terminologiya umumxalq tilining leksikasi negizida paydo bo'ladi, rivojlanadi hamda boyishi uchun xizmat qiladi.

Tarjimashunoslik, tilshunoslik, terminologiya, leksikologiya tarixiga nazar tashlar ekanmiz o'tgan asrlardan to hozirgi kungacha bo'lgan davr oralig'ida olib borilgan ilmiy tadqiqotlarda mutaxassislar tajribaning leksik, semantik, stilistik va boshqa bir qancha dolzarb muammolari to'g'risida fikr yuritishgan.

Terminlarni o'rganishdan asosiy maqsad chet tillaridan kirib kelayotgan so'zlarni o'z ona tilimizga aynan mos tushadigan so'zlarga almashtirish va tarjima qilishdir.

¹ Sh.M.Mirziyoyev. «Kongress-xoll» saroyida 21 oktyabr kuni o'zbek tiliga davlat tili maqomi berilganining o'ttiz yilligiga bag'ishlangan tantanali marosim nutqidan.

² Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии . – М.: “Прогресс”, 2001. – С.132.

Terminologiyani barcha sohalarida ilmiy-nazariy muammo va echimlarini yanada erkin va mukammal o'rganilar ekan, amaliy jihatdan ko'plab ishlar yuzaga kelmoqda. Shu ma'noda bir, ikki yoki undan ortiq tilli terminologik lug'atlarining yaratilayotganligi, sohalar kesimida qator izohli lug'atlarning chop etilishi, tilshunos olimlar tomonidan yozilayotgan ilmiy monografik asarlar erishilayotgan yutuqlarda yorqin namoyon bo'ladi.

Shuni alohida ta'kidlash lozim bo'ladiki, boshqa til va uning leksik, semantik, struktur, iqtisodiy terminologiyasi, til madaniyatidagi o'rni bilan tanishish uchun tilshunoslik sohasi yuqori o'rinda turadi.

Tilshunoslik orqali biz ko'plab xorijiy tillar, shuningdek, mazkur tadqiqotda fransuz va o'zbek tillaridagi terminlarning strukturasi, semantikasi, kognitiv va konseptual tahliliga ega bo'lamiz.

Terminlarni til madaniyati bilan uzviy bo'glashning o'ziga xosligi shundaki, mavjud bo'lgan terminlarning nafaqat o'z ma'nosida xizmat qilishi balki madaniyat ta'sirida ko'chma ma'noda ham qo'llanilishi shuningdek, ularning etimologik jihatdan o'zaro bog'liqligini kuzatish mumkin. Qolaversa, bugungi kunda ko'plab olimlarimiz mazkur mavzu doirasida qator izlanishlar olib bormoqda. Jumladan, hozirgi kunda lingvomadaniyatshunoslik o'zbek tilshunosligiga yangi o'rganilayotgan fan sifatida kirib keldi, desak mubolag'a bo'lmaydi. Shuni aytish joizki, ijtimoiy va iqtisodiy aloqalarda istemol qilinayotgan terminlarning lingvomadaniyatshunoslik bilan bog'lash bugungi kunning dolzarb vazifalardan biridir.

Bugungi kunga kelib, til va madaniyat uyg'unligi muammosi bir qancha olimlar, tilshunoslar va tadqiqotchilar diqqat - e'tiborini qozonib ulgirdi. Ushbu mavzuga doir turli xil yondoshuvlar tilshunoslikning lingvomadaniyatshunoslik, psixolingvistika, etnolingvistika, sotsiolingvistika, tarix, adabiyotshunoslik kabi sohalarida o'rganib kelinmoqda. Olimlar tomonida olib borilayotgan tadqiqot ishlarida til va madaniyat munosabatlari masalalari yoritilib, ularning bir biriga bog'liq doimiy birliklar yoki bir birini to'ldiruvchi muhim komponentlar ekanligi to'laqonli isbotlanib kelmoqda.

Tilda madaniy qadriyatlar o'z ifodasini topadi va ularni xalqqa yetkazib berishda til asosiy vosita bo'lib xizmat qiladi. Til dunyoning milliy manzarasini, xalqning o'ziga xosligi va milliy madaniyatini o'zida mujassam etadi. Til va madaniyat o'rtasidagi o'zaro munosabat ayniqsa, chet tili o'qitish jarayonida yaqqol namoyon bo'ladi. O'z ona tilini o'rganish bilan bir qatorda inson o'z milliy madaniyatini asta sekin singdirib boradi, an'ana va odatlarini idrok etadi. Lekin, xorijiy tilni mukammal o'rganishda esa u boshqa xalqning, boshqa millatning dunyoviy manzarasini anglab yetadi.¹

Madaniyatning til bilan o'zaro bog'liqligi murakkab psixolingvistik jarayonlardan biri bo'lgan - tarjima muhim ahamiyat kasb etadi. Tarjima

¹ Boltayeva D. Sh. Xalqaro aloqalarni bildiruvchi terminlarning lingvomadaniy xususiyati. T., - 2016. - B.70.

axborotning asl ma'nosini ifodalashda lingvistik birliklarni mosini topish va ularning samarali qo'llanilishini o'z oldiga maqsad qilib qo'yadi. U o'z madaniyatimizning xorijiy til madaniyati - til madaniyati bilan o'zaro munosabati va o'ziga xos tafovvutlarini hamda dunyoni anglash bilan bog'liq muayyan kognitiv jarayonlarni hamda dunyoni anglash bilan bog'liq muayyan kognitiv jarayonlarni ustun qo'yadi.

Til va madaniyat uyg'unlashuvida, shuningdek, tarjima jarayonida inson beixtiyor, tilning muhim leksik tarkibini tashkil etuvchi birliklardan biri bo'lgan iqtisodiy terminlarga duch keladi. Har bir xalq, har bir etnik guruh har qaysi davrda o'z onomastik birliklariga ya'ni iqtisodiy terminlar ro'yxatiga ega bo'ladi. Iatisodiy aloqalardagi biznes va tijorat terminlar muayyan madaniyatning muhim konseptlarini namoyon etishda muhim ahamiyatga ega. Vaholanki, ko'p xolatlarda atoqli otlarning og'zaki nutqda shakillanish xususiyatlari, ularni xorijiy va ona tilida yetkazib berish tadqiqotchilar, til o'rganuvchilar va tarjimonlarning diqqat markazidan chetga chiqib qoladi. Bundan tashqari, ularga doir maxsus adabiyotlar xususan, lug'atlar, qo'llanmalar, darsliklarning yetishmasligi mavzuning dolzarblik vazifasini oshiradi.

Yuqoridagi mavzuga muvofiq biznes va tijorat terminlarning atroflicha til madaniyatidagi ahamiyatini birma bir tahlil qilish jarayonini batafsilroq bayon qilamiz. Masalan: fransuz va o'zbek tillaridagi bir ma'noli terminni misol qilib olsak.

“marché”, “bozor” - sotuvchi va xaridor o'rtasida yuzaga keladigan iqtisodiy munosabatlar majmui. Bozordagi talab va taklif iqtisodiy, demografik, ijtimoiy, siyosiy va ma'naviy omillar ta'sirida shakllanadi. Talab yo'q, o'tmay qolgan narsa, mol haqida «Bozori kasod», talab yuqori bo'lgan, tez o'tadigan narsa, mol haqida esa «Bozori chaqqon» deyiladi. «Bozor ko'tarmaydi» - bu tovarni ushbu narxga bozorda hech kim olmaydi degan ma'noni anglatadi.

Marché- termini o'rta asrlardan lotin tilidan fransuz tiliga kirib kelgan so'z bo'lib, xarid qilish, sotib olish va sotish mumkin bo'lgan ommaviy joy ma'nosini ifodalaydi. Bu so'z bilan qo'llaniladigan so'z birikmalari mavjud:

Marché financier, marché monétaire, marché de prédiction, marché du travail va boshqalar. Bu so'z birikmalarining o'zbekcha muqobillari ham mavjud va ular bir xil ma'noni ifodalaydi. Masalan : *marché financier* – moliyaviy bozor, *marché monétaire* – pul bozori, *l'économie de marché* – bozor iqtisodiyoti, *marché du travail* – mehnat bozori (xalq tilida mardikor bozori) deya talqin qilinadi. Shunday so'zlar borki, ular xalq orsida juda ommalashgan va bu so'zlarning ma'nosi chet tillida ham bir xil. Masalan, qora yoki noqonuniy bozor so'zini oladigan bo'lsak, bu bozor inqiroz davrida yoki iqtisodiy cheklovlar davrida paydo bo'ladi, bu esa ma'lum mahsulotlar yoki xizmatlarga kirishni qiyinlashtiradi. Bu so'z fransuz tilida *marché noir* deya yuritiladi va bir xil ma'noni ifodalaydi.

Lingvomadiniy jihatdan fransuz tilida «marché» so'zi yordamida «bon

marché» iborasi ham yasaladi va ko'p ma'nolilik ifodalanib jamiyat hayotida ikki xil bo'lishi mumkin.

Birinchi o'rinda ijobiy (o'rtacha narxni ko'rsatuvchi «hamyonbop») M: *Je cherche un cadeau bon marché* va ikkinchisi salbiy (mahsulot sifatini haqorat qilish ya'ni sifati yaxshi bo'lmagan) ma'nolarda ishlatish mumkin. Masalan:

Avez – vous des voitures bon marché?

Bozor so'zi badiiy asarlarda, maqollarda frazeologik birliklarda ham uchratish mumkin.

Xalq o'zaki ijodidan ham bozor so'zi bilan bog'liq maqollarga etibor bersak:

Otang bozor – onang bozor.

Bozori yaqin boyimas.

Tijorat va biznes terminlari bilan qo'llanilgan maqollar xalq orasida keng muomalada bo'lib kelmoqda.

Bunga misol qilib:

Avval iqtisodiyot, keyin siyosat.

Ish bilganga bir tanga, til bilganga ming tanga.

Sichqonning ini ming tanga.

Pul topguncha , aql top.

Yuzta so'm puling bo'lmasa ham, yuzta do'sting bo'lsin.

Tilni sayratadigan ham pul, dilni yayratadigan ham pul.

Ayol so'm qilar, erkak chaqa.

Soqoling chiqmay pul topsang, otang berganday bo'lar.

Pulni pul topar.

Pul bo'ldi - kul bo'ldi.

Pulni topish oson - saqlash qiyin.

Pul to'plasang, kul bo'lar,

Somon to'plasang, pul bo'lar.

Pulning onasi tiyin.

Tanga tiyindan o'sar, yilqi qulundan o'sar.

Tiyin qadrini bilmagan,

So'm qadrini bilmas

Hisobini bilmagan hamyonidan ayrilar.

Bunday maqollar fransuz tilida ham mavjuddir.

L'argent ne fait pas le bonheur, mais il y contribue.

Beaucoup de centimes font aussi de l'argent.

Jour qui nous apporte finance, est un jour de réjouissance.

Yuqorida ko'rsatilgan tadqiqotlardan shuni xulosa qilish mumkinki, nafaqat tilda qo'llaniladigan oddiy so'zlar baki terminlar ya'ni iqtisodiy atamalar ham til madaniyatida ta'sir etibgina qolmay, alohida o'zgacha o'rin ham egallar ekan.

Xulosa qilib, yuqoridagi tahlillardan so'ng shunday umumiy fikrlar kelindi, til va madaniyat uyg'unlashuvida, xususan, tarjima jarayonida inson albatta,

terminlarga duch keladi. Til birliklari orasida terminlar - soʻz va soʻz birikmalar obyektlarini nomlash va ularni bir biridan ajratib turish kabi vazifalari hamda individualizatsiya va identifikatsiya tamoillari bilan alohida ahamiyatga ega.

Tillar va madaniyatlararo munosabatlarda va xattoki, xalqlar orasidagi oʻzaro aloqalarda terminlarning muammosi anchadan beri tadqiq qilishnishiga qaramasdan oʻz dolzarbligini saqlab qolgan. Terminlarning murakkabligi va kamchiliklari ham subyektiv (tarjimonning tilni mukammal bilishi va umummadaniy birliklarga ega boʻlishi) ham obyektiv (terminlarning tilda va ogʻzaki nutqda shakillanish xususiyatlari) sabablar bilan bogʻliq.

Terminlarning bir tildan ikkinchi tilga tarjima qilishda yuzaga keladigan muammolar yechimini topish tarjimonidan yuksak mahorat kasb etadi. Bu oʻz navbatida, tillar va madaniyatlararo samarali va muvaffaqiyat munosabatlarini taʼminlab berishga xizmat qiladi.

Oʻzbek tilida mavjud iqtisodiy terminlarning oʻtmishdan, turli tarixiy voqealar guvohi sifatida bizgacha yetib kelgan. Terminlar ham albatta xalqning turmush tarzi, tarixi, urf - odatlari va faqatgina oʻziga xos jihatlarini oʻzida aks ettiradi. Madaniyat kontekstda ifodalanishida psixolingvistik va sotsiolingvistik jarayonlardan biri boʻlgan - tarjima qilish masalalari va usullari oʻrganiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Sh.M.Mirziyoyev. «Kongress-xoll» saroyida 21 oktyabr kuni o'zbek tiliga davlat tili maqomi berilganining o'ttiz yilligiga bag'ishlangan tantanali marosim nutqidan.

2. Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии . – М.: “Прогресс”, 2001. – С.132.

3. Boltayeva D. Sh. Xalqaro aloqalarni bildiruvchi terminlarning lingvomadaniy xususiyati. T., – 2016. – B.70.

4. Duchesne, Andrée. «Terminologie et commun la en français: l'expérience canadienne», 1988. – P. 25–30.

5. Qoʻldosheva N.B. Fransuz va oʻzbek tillarida sport terminologiyasining milliy – madaniy xususiyatlari. Dissertatsiya (Phd). ; Buxoro – 2020, B. 30 – 32.

6. Z.Zoirov. Iqtisodiyotga oid atamalar va tushunchalar izohli lugʻati. Navoi, “ Fan”.; 2004.

EVFEMIZMLARNING GENDER XUSUSIYATLARI XUSUSIDA

Joʻrayeva Nilufar Shuxratovna
Buxoro davlat universiteti oʻqituvchisi
juraeva-nilufar@mail.ru

Annotation: the article examines the concept of euphemism, the role of this concept in linguistics, gender linguistics, as well as the peculiarities of the use of euphemistic units by women.

Key words: euphemism, gender linguistics, dysphemism, group of euphemisms.

Annotatsiya: mazkur maqolada evfemizm tushunchasi, mazkur tushunchaning tilshunoslikdagi o'рни, gender lingvistikasi, shuningdek ayollarning evfemik birliklardan foydalanishdagi o'ziga xos xususiyatlarni haqida so'z boradi.

Kalit so'zlar: evfemizm, gender lingvistikasi, disfemizm, evfemik guruh.

Аннотация: в статье рассматриваются понятие эвфемизма, роль этого понятия в лингвистике, гендерной лингвистике, а также особенности использования женщинами эвфемистических единиц.

Ключевые слова: эвфемизм, гендерная лингвистика, дисфемизм, эвфемическая группа.

Asrlar davomida muloqot jarayonida inson jamiyat tomonidan “yovuz” yoki “yomon” deb qabul qilingan voqea va hodisalarni yumshatib aks ettirishga intilgan. Bular ishsizlik, ocharchilik, kasalliklar, zo'ravonlik, urushlar kabi insonga azob beruvchi holatlarda o'z ifodasini topgan. Jamiyatning ijtimoiy davrlarida inson muloqot jarayonidagi murakkab vaziyatlarni chetlab o'tishga va bu holatlarni evfemizmlar bilan yumshatib, almashtirishga urinib kelgan. Bu esa nutqni ishonarli va chiroyli ohangda chiqishiga xalaqit bermagan. Qadim zamonlardan buyon ayollar va erkaklar nutqida ayni bir tushuncha turli xil so'z va iboralar bilan ifodalanadi. Shuni alohida ta'kidlash kerakki, ayollar nutqida evfemizmlarning ishlatilishi o'ziga xos ahamiyatga ega. Bugungi kunda gender lingvistikasi shu sohani maxsus keng miqyosda o'rganib kelmoqda. Genderologiya biologik jinslarni sotsial muhitda o'rganuvchi eng yosh fandır. “Gender” termini ko'p ma'noli bo'lib, fanga 1955 - yilda buyuk seksolog Djon Mani tomonidan kiritilgan. Ko'rinadiki, dastlab bu termin tibbiy ma'noga ega bo'lgan. Fransuz tilida uning quyidagi nomlarini uchratish mumkin: “catégorie sociale de sexe”, “études de genre” yoki “théorie du genre”. Inson erkak yoki ayol bo'lib tug'iladi, keyinchalik ularda madaniyat ta'sirida maskulinlik va femininlik xususiyatlari shakllana boradi. G'arb tilshunoslari X.Benjamin fikricha, *Le sexe, c'est ce que l'on voit, le genre, c'est ce que l'on ressent*, K. Delfining nazarida, *Le genre, c'est ce que l'on pourrait appeler le sexe social*. S. de Bovuar *On ne naît pas femme, on le devient* g'oyasini tasdiqdaydi. Xulosa shuki, jins - biologik, o'zgarishi mumkin, gender - ijtimoiy qurilma, o'zgaradi. “Gender” termini bundan oldin ham feminist tadqiqotchilar tomonidan ishlatilgan, ammo Stoller bu so'zni ilmiy asoslab qo'llagan olim hisoblanadi. U gender konseptini ikkiga, ya'ni biologik (jins) va sotsiologik (gender) turlarga bo'lishni ma'qul ko'rgan. Biologiya va fiziologiya sohalari jins xususiyatlarini, psixologiya va sotsiologiya fanlari esa gender xususiyatlarini o'rganadi. Stollerning taklifi zamonaviy gumanitar bilimlar orasida gender tilshunosligi deb nomlangan alohida yo'nalishning yuksalishiga olib keldi. Gender tushunchasiga ko'plab ta'riflar berilgan, xususan:

G.A.Brandt gender - madaniyat ta'siri ostida bo'ladigan, ma'naviy jihatdan ayol va erkaklarning nutqiy, xulq-atvoriy tomonlarini baholay oladigan xususiyatlar majmuidir, deb qaraydi.

N.L.Pushkaryova esa ushbu termini quyidagicha izohlaydi: gender - jamiyatning hukmronlik o'tkazadigan va bo'ysunduradigan xususiyatlardan iborat bo'lgan munosabatlar va o'zaro harakatlar tizimidir.

Gender munosabatlari jamiyat ijtimoiy uyushmasining muhim elementi hisoblanadi. U kishilar orasidagi munosabatlarni aniqlaydi. Dunyo madaniyatlarida shaxsning xulq-atvori qonuniyatlarga ayollar va erkaklarning rioya qilishlarini bildiradi.

J.Lakoffning ta'kidlashicha, muomala jarayonida ayollar yuqori darajadagi empatiya va o'z suhbatdoshiga nisbatan moslashib ketish kabi xislatlar bilan farqlanadi, o'z suhbatdoshining mulohazalarini diqqat bilan tinglab, muloqot jarayonida ustun bo'lishga harakat qilmaydi. Erkaklar esa suhbat chog'ida yana ham jizzakirok, sharoitni nazorat qilishga intiladilar, o'zaro kelishishga harakat qilishadi, deb biladi. U shuni ham ta'kidlaydiki, ingliz tilida qayd etilgan xususiyatlarga qo'shimcha qilgani holda, ayollar tasdiq so'roq gapga tushuvchi intonatsiya qo'llash o'rniga ko'tariluvchi intonatsiyadan, semantik jihatdan chuqur ma'noga ega bo'lmagan leksika, odatiy ayollar faoliyatini tasvirlaydigan maxsus o'zlashtirma so'zlardan, so'zlayotgan nutqni kuchli his-hayajon ma'nolarni ifodalovchi til vositalari va modal yuklamalardan keng foydalanishadi. Erkaklar esa undov so'zlar qo'llamasliklari, stilistik bo'yoq darajasi kam va xaqorat ma'nosi kelib chiqadigan jargonli leksikani juda ko'p ishlatishlarini ham qo'shib qo'yadi.

Muloqot uslubidagi farqlar ayollar va erkaklar orasidagi munosabatlarda paydo bo'ladigan muammolarni aniqlashtirmaydi. Ya'ni, munosabatlarda ruhiy muammolar, ya'ni sevgidagi yoki e'tibordagi omadsizlik, chin dillik, xudbinliklar ba'zan aks etadi. Va ular siyosiy va iqtisodiy tengsizliklarning natijasidir. Ammo aytib o'tilgan xususiyatlar asossiz ifodalanishi ham tez-tez uchrab turadi.

Gender munosabatlar faqatgina kodlangan ko'rinishda ishlatilmay, balki nutq, hodisasining mavzular majmui va xususiyatini yuzaga keltiradi. Ko'plab tilshunoslar ayollar va erkaklar nutqi bo'yicha tadqiqotlar olib borib, ular nutqidagi asosiy farq bu ayollarning nutq jarayonida xushmuomalalikka intilishi va suhbatdoshi bilan hamkorlikni kuchaytirish istagida ekanligi haqidagi xulosaga kelishdi. O. Espersen ayollar va erkaklar nutqini amaliyotda kuzatib shunday xulosaga keldi: "Ayollar va erkaklar ayni bir mavzuda turli xil fikrlashib, bu mavzuni ifodalash uchun turli xil til unsurlaridan foydalanishadi". Tadqiqotlar shuni ko'rsatadiki, ayollar o'z nutqida evfemik birliklarni qo'llab, erkaklardan farqli o'laroq salbiy holatlarda qo'pol, dag'al, so'kish iboralarni disfemizm shaklida qo'llar ekan. Olim R. Lakoff o'zining "Til va Ayollar o'rni" nomli tadqiqotida ayollarning til axloqiga oid xususiyatlarini o'rganadi. Olim shuni ta'kidlaydiki, ayollar nutqidagi o'ziga xoslik barcha nutq jabhalarini, jumladan, leksik, sintaktik, ohang va boshqalarni qamrab oladi. Muallif yana

shuni ta'kidlaydiki, ayollarning muloqot jarayonidagi o'ziga ishonmaslik va o'ta xushmuomalalik ijtimoiy tengsizlikning asoratidir.

Xulosa qilib aytganda, ayol va erkak borliqni turlicha qabul qiladi va baholaydi. Nutqiy muomalaning gender o'zgaruvchanligi tilning turli sathlarida, ya'ni fonetik, leksik, grammatik, semantik sathlarda namoyon bo'ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Delphy. Penser le genre: quels problèmes? Paris.: CNRS Editions Delphy, 2003. – P. 94-95.
2. Брандт Г.А. Природа женщины как проблема: Концепция феминизма. «Общественные науки и современность», 1998, № 2. – С. 167-189.
3. Пушкарёва. Н.Л. Что такое гендер? // Гендерная теория и познание: материалы научно-практической конференции. Сыткытвар. 2005. – С. 9.
4. Lakoff G. Language and woman's place. New York: Harper and Row, 1975.
5. Есперсен О. Язык: его суть, происхождение и развитие. М.: Наука, 1990. –С . 254.
6. Juraeva Nilufar Shukhratovna. “The main areas (spheres) of euphemisms and taboos in french linguistics”. Buxoro davlat universiteti ilmiy axboroti, 2020. - B. 134-140.
https://buxdu.uz/docs/jurnallar/ilmiy_axborot/ilmiy_axborot_5_son_2020.pdf#page=136
7. Jo'raeva Nilufar Shuxratovna. “Evmizm, yohud yumshoq muomala fransuz ayollari talqinida”. Xorazm Ma'mun Akademiyasi Axborotnomasi, 2020. - B. 46-50.

ИСТОКИ И ПУТИ ФОРМИРОВАНИЯ ТЕРМИНОСИСТЕМ

**Рустамова Ф.И.- БухГУ факультет
иностранной филологии, магистр 2-курса**

По определению Р.О.Жукова, терминология представляет собой совокупность лексических единиц, которые обозначают специальные понятия и служат для осуществления профессиональной коммуникации.

Терминологическая система связывает понятия определённой сферы употребления между собой и обеспечивает, если это возможно, термины определениями. Часто такие понятия как «терминология», «тезаурус», «словарь», «номенклатура» и «классификация» путается. Их относительное положение в системе терминологии можно проиллюстрировать следующим образом:

Терминология – совокупность терминов, относящихся к понятиям одной предметной области.

Тезаурус – это список терминов, упорядоченных определённым образом (по алфавиту, по понятийным группам).

Когда понятие в терминологии или тезаурусе сопровождается определением, это называется *словарём* или *глоссарием*.

Номенклатура – это система терминов, составленная по установленным заранее правилам или совокупности правил для образования новых комплексных понятий.

Классификация – это совокупность понятий, распределённых на основе их сущностных характеристик по группам понятий, называемым классами.

Терминологическая система (терминосистема) – это совокупность взаимодействующих и взаимосвязанных понятий определённой области знания.

Первым вопрос о системности терминологии поднял Д. С. Лотте. В своих трудах он писал, что для соблюдения правила системности требуется три условия:

1. Терминологическую систему необходимо базировать на классификации понятий.

2. Терминируемые признаки и понятия должны выделяться на основе классификационных схем.

3. Слова должны отражать общность понятия, заключённого в термине, с другими понятиями, и его специфику.

Терминология – это наука о терминах, об их свойствах, методах упорядочения и описания. Главные объекты интереса теоретического и практического терминоведения – терминология и терминосистемы.

Терминосистема в отдельной области научно-технической деятельности формируется в тот момент, когда эта область уже достаточно сложилась. Терминосистема постепенно строится специалистами данной области из стихийно или намеренно создаваемых слов-терминов и словосочетаний-терминов как из средств родного языка, так и терминологические заимствования.

По мнению В. М. Лейчика, для формирования терминосистемы необходимо выполнение следующих условий:

V. Наличие специальной области знания, имеющей достаточно чётко определяемые границы.

VI. Наличие системы общих понятий, которые относятся к этой области.

VII. Наличие достаточно хорошо сложившейся теории, которая бы описывала эту область. Система понятий в этом случае должна полностью входить в эту теорию.

VIII. Наличие определённого естественного языка и сложившегося в его рамках специального языка. Лексические единицы последнего могут быть использованы для обозначения понятий (объектов, их признаков) в рамках данной системы понятий.

Рассматриваемая нами в практической части терминосистема «Астрономия» отвечает всем этим требованиям. Астрономия – это специальная область знания, граничащая с физикой, химией и математикой. Она занимается изучением космических объектов и явлений. В XX веке астрономия разделилась на наблюдательную и теоретическую части. Астрономия – родовое понятие для видовых научных направлений, входящих в теоретическую и наблюдательную астрономию. Последняя делится, в свою очередь, на радиоастрономию, инфракрасную, оптическую, ультрафиолетовую, рентгеновскую, гамма астрономию, астрономию, не связанную с электромагнитным излучением, астрометрию и небесную механику. Принято считать, что понятийный аппарат этих областей в целом совпадает. Однако узкая специализация, возникающая со временем в каждом направлении, предполагает создание нескольких терминологических подсистем. В тематической терминографии существует достаточно много общих словарей по астрономии, не подразделяющихся по научным направлениям. Вместе с тем, создан Словарь радиоастрономических терминов, что показывает глубокое развитие этого направления и его терминологическую самостоятельность в рамках всей области знания.

По мнению Д. С. Лотте, термин не должен ограничиваться одной лишь функцией наименования. Научная терминология – это не простая совокупность слов, а именно *система*, в которую входят как отдельные слова, так и словосочетания, связанные друг с другом связями разного вида.

Термин не существует изолированно от других терминов. Даже если он в отдельности соответствует общим требованиям к форме и структуре термина, он не всегда будет удачным, если рассматривать терминосистему в целом.

Т. А. Сытникова, исследовав англоязычную компьютерную терминосистему, пришла к выводу, что технические термины складываются в систему не с лингвистической случайностью, но с закономерностью, характерной для изучаемой терминосистемы. Каждая терминосистема имеет свои особенности развития.

Рассмотрим вопрос становления и развития терминосистем. Прежде всего, необходимо отследить пути формирования терминов как составной единицы терминосистемы.

Терминология формируется поэтапно. Первоначально реалии обозначаются с помощью «прототерминов». Прототермины – это слова общеразговорной лексики, не фиксируемые в словарях. Они появились до формирования наук и определяют не понятия, а представления. Прототермины дошли до нас в виде ремесленной и бытовой лексики. Позже ремесленные представления переосмысляются и входят в систему научных понятий, а часть прототерминов становится исторической основой для научной терминологии.

Позже, когда начинается этап терминологизации, прототермины входят в пласт специальной лексики и начинают фиксироваться в словарях со специальным значением. Позже они уже функционируют как термины и употребляются в научных определениях.

Переходное состояние между прототермином и термином – терминоид. Терминоид – это лексема, которая используется для наименования недостаточно устойчивых и однозначных понятий, не имеющих дефиниции.

По мнению В. М. Перервы, в силу того, что терминологическая система отображает систему понятий определённой области знания, её целесообразно считать семиотической системой, а составляющие её части распределить по нескольким типам:

- 1) термины-слова;
- 2) термины-словосочетания;
- 3) термины-аббревиатуры;
- 4) буквенные условные обозначения;
- 5) символы;
- 6) номенклатура.

В соответствии с этой структурой следует рассматривать терминосистему любой области знания, в том числе терминосистему «Астрономия».

Таким образом, мы установили, что одна из ключевых проблем современной лингвистики – определение понятия «термин». У учёных есть разный взгляд на эту проблему.

Мы установили, что к терминам выдвигаются различные требования. Номинативность – одно из них. Также не должно существовать противоречий между лексическим и терминологическим значением слова.

В определённой терминосистеме термин должен быть однозначным, если он используется и в других научных областях. Термин должен быть полнозначным, то есть, в его значении должно быть отражено минимальное количество признаков для обозначения связанного с ним понятия.

Нами было установлено, что классифицировать термины представляется целесообразным по их морфологической и синтаксической структуре. Существует два основных типа терминов: термины-слова и термины-словосочетания.

Роль французского языка в мире растёт. Укреплению статуса французского языка как мирового способствуют процессы миграции, интенсификация международной кооперации, а также экономическое развитие испаноговорящих стран.

На сегодняшний день язык науки – английский, что объясняет большое количество терминов, заимствованных из этого языка. В этой ситуации нам представляется, что простое терминотворчество,

направленное на искусственное создание эквивалентов английским терминам, не будет способствовать укреплению научной коммуникации.

Мы также предполагаем, что ситуация с английскими заимствованиями в терминосистеме «Астрономия» не так критична, так как французская, узбекская и английская терминосистема основываются, в первую очередь, на латинском и греческом языковом наследии.

Терминосистема – это совокупность терминов, используемых в данной области научного знания. Терминологическая система связывает понятия определённой сферы употребления между собой и обеспечивает, если это возможно, термины определениями.

По мнению исследователя В. М. Перервы, терминологическую систему можно разделить на составляющие её части, такие как термины-слова; термины-словосочетания; термины-аббревиатуры; буквенные условные обозначения; символы; номенклатура.

Каждая терминосистема имеет свои особенности, в зависимости от которых процентное соотношение вышеприведённых частей различается.

Список использованной литературы:

1. С.В. Гринев-Гриневиц “Терминоведение” Москва, Издательский центр “Академия” 2008
2. А.В. Суперанская “Общая терминология; Вопросы теории”, М. : Наука
3. М.В. Лейчик “Терминоведение Предмет, методы, структура” Москва Либроком, 2009
4. И.О.С.Ахманова Словарь лингвистических терминов, Издательство “Советская Энциклопедия” Москва 1996 .

ИНСОННИНГ ЎЗИНИ ТУТИШИГА БОҒЛИҚ БЎЛГАН ВА АҚЛИЙ (ИНТЕЛЛЕКТУАЛ) САЛОҲИЯТИНИ ИФОДАЛАЙДИГАН МЕТАФОРИК ИБОРАЛАРНИНГ ЛИНГВОКОГНИТИВ ТАҲЛИЛИ “Linguo-cognitive analysis of metaphoric phraseological units that are based on human behavior and intellectual capability”

**Tursunov Mirzo Makhmudovich,
Senior Teacher of English linguistics
department, Bukhara State University
E-mail: tursunov_mirzo@rambler.ru**

Аннотация: мазкур мақола инглиз ва ўзбек тилларида шахсни тавсифловчи метафорик ибораларнинг лингвокогнитив таҳлиliga бағишланган. Унда инсоннинг ўзини тутишига боғлиқ бўлган ва ақлий (интеллектуал) салоҳиятини ифодалайдиган ибораларнинг ўзига хос турли хусусиятлари қиёсий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: антропоцентризм, оламнинг лисоний манзараси, тенденция, категориялаштирилган, диний концепт, кўчма маъно, ақлий (интеллектуал) салоҳият

Annotation: The article deals with the metaphorical phraseological units of the English and Uzbek languages that are based on human behavior and intellectual capability. Peculiar characteristic features of such metaphorical phraseological units are discussed in the work as well.

Key words: anthropocentrism, linguistic atmosphere of a human being, tendency, categorized, religious concept, transferred meaning, intellectual capability

Бугунги замонавий тилшуносликда антропоцентризм асосий тенденцияга айланиб улгурган. Унга кўра оламнинг лисоний манзараси марказида инсоннинг ўзи туради. Инсон атрофидаги воқеа-ҳодисаларни ўз дунёқараши билан ўлчайди, у билан дунёни англайди, фразеологик олам манзарасини ўзининг жисми, ҳиссиёти, ҳолати, талаблари ва қизиқишларидан келиб чиқиб ўрганайди. Инсон дунёда содир бўладиган барча воқеа-ҳодисаларга масъул бўлган энг муҳим жонзот сифатида ушбу жараёнлар марказида туради ва табиийки, тил ва унинг қисмларида ҳам инсон фактори асосий ролни ўйнайди. Антропоцентрик тилшунослик учун бош ғоя шундан иборатки, тил ўзи табиатан психологик, инсонга хос ва шу билан бирга тил доимо инсон билан бирга ва уни таъбир жоиз бўлса “ифодалайди”. Инсон тили унинг шахсий хусусиятларини ифода этиш билан шунчалик чуқур ва органик жиҳатдан чамбарчас боғлиқки, агар тилнинг бу алоқаси узилса, у ката эҳтимол билан фаолият олиб боролмайди ва ҳаттоки тил деб аталмаса керак. Жумладан, бизнинг ишимизда ҳам антропоцентризм асосий тенденция сифатида қабул қилинган ва метафорик фразеологизмлар ҳам инсоннинг турли характерларига биноан категориялаштирилган.

Инглиз тилидаги фразеологизмлар лексик-семантик жиҳатдан инсоннинг ўзини тутишига боғлиқ бўлган синонимларга жуда бой. Биргина асаби бузилмоқ, хафа бўлмоқ маъносида ишлатилувчи *to be in a bad mood* ибораси инглиз тилида 9 та синонимга эга: *to be down in the mouth, to be in a bad temper, to be in a bad humor, to be in a low spirit, to be in a dumps, to be out of humor, to be out sorts, to be out of spirit, to be out of spirits.*

Ўзбек тилида ҳам инсоннинг ўзини тутишига боғлиқ бўлган қуйидаги метафорик ибораларни таҳлилга тортдик:

Авзойи бузилди – вазоҳати ёмонлашди. «Темир Акбаровичнинг авзойи бузилганини кўриб жим бўлиб қолишди» (П. Қодиров, «Уч илдиз»). «Давлати қурсин, бойнинг ўғиллари, келинлари, қизлари Гулнорни чиқиштирмайдилар, уларнинг феъли, одати манга маълум-ку. Уч-тўрт кундан буён уларнинг авзойи бузуқ эди, бетларидан захар томар эди. Сабабини энди тушундим. Мана ҳозирдан бошлаб кўрсатган қилиқлари! Сиз ҳали чучварани хом санабсиз» (Ойбек, «Қутлуғ қон»).

Ақлу ҳушини танимоқ – эс-ҳушли бўлмоқ. «Кейин, мадрасада ўқиб юрган, ақлу ҳушимни анча таниб олган ўспиринлик кезларимда ҳам ташвишланишларини қўймас эди» (М.Исмоилий, «Фарғона тонг отгунча»).

Ақлини йўқотмоқ – ўз ҳаракатларини онгли равишда бошқара олмайдиган даражага етмоқ. «Замира ақлини йўқотиб қўйганда, хаёли шундай равшан бўлармиди?» (П. Қодиров, «Уч илдиш»).

“To hit the roof/to go through the roof” (to be furiously angry, to explode with rage) “жуда ҳам қаттиқ жаҳли чиқмоқ, ғазаб отига минмоқ”, “to sink through the floor” (to feel extremely embarrassed) “қаттиқ хижолат бўлмоқ, уялмоқ” “to bite the carpet” (to be very angry) “жуда ҳам жаҳли чиқмоқ”, “to fly off the handle” (to lose one’s temper, speak violently, to lose one’s self-control) “ўзини йўқотиб қўймоқ, ўзини назорат қила олмаслик”, “to sit on thorns” (to be in a painful or embarrassing situation; to be in constant fear of being found out) “оғриқли ёки хижолатли вазиятга тушиб қолмоқ, уни топишлари мумкинлигини ўйлаб, кўрқиб юрмоқ, сиқилмоқ” каби метафорага асосланган фразеологизмлар инсоннинг ўзини тутиши билан боғлиқдир, уларнинг келиб чиқиши инглиз халқи маданияти, тарихига оид турли анъана, воқеаларга алоқадор.

Инсон зоти яратилган пайтдан бошлаб, доимий тарзда ақл-заковатли бўлиб келган, тарихий даврлар оша у ўз билимини, кўникмасини, интеллектуал салоҳиятини ривожлантириб келган. Шу сабабли тиллар фразеологиясида инсоннинг интеллектуал салоҳиятини билдирадиган фразеологизмлар жуда ҳам кўп ҳисобланади, қуйида ўзбек ва инглиз тилларида метафорага асосланган ҳолда шаклланган метафорик фразеологизмларга мисоллар келтирамиз: “мағзини чақмоқ” метафорик фразеологизми “бирор нарсанинг моҳиятини, мазмунини англаб етмоқ” деган маънода қўлланилади. У ақлий салоҳиятга эга кишининг у ёки бу муаммо устида бош қотиришини, масала моҳиятига етиб, уни ечиш пайида бўлишини англатади. Ушбу иборага яқин маънода инглиз тилида “to chew the cud” (to ponder, consider a problem from every angle, think over carefully and deliberately) фразеологизми мавжуд, “у муаммони ҳар томонлама ўрганиб, ўйлаб чиқмоқ” маъносига эга. Фразеологизмнинг шаклланиши метафорага асосланган, ўтхўр ҳайвонларнинг озуқани узоқ вақт давомида кафшлаб туриш ҳаракати инсоннинг муаммони узоқ вақт давомида яхшилаб ўйлаб туришига кўчган. Инсоннинг интеллектуал жиҳатдан кучли ва ақли эканлигини ифода этувчи яна бир фразеологизм бу “to know what someone’s game is” (to understand what someone is scheming) ҳисобланади, у “бирор кишининг нимани режалаштираётганлигини олдиндан билмоқ, пайқамок” маъноларида ишлатилади. Кейинги фразеологизм ҳам инсоннинг юқори ақлий қобилиятга эга эканлигини билдиради: “to rack/cudgel one’s brains” (to make a great intellectual effort by, for example, working for a long time on a problem, or trying to recollect some forgotten experience, name, etc., яъни “унутилган нарсани, масалан исмни эслаш учун катта куч сарфламоқ, интеллектуал қобилиятини ишга солмоқ”.

Ўзбек тилида салбий маънода қўлланиладиган, кишиларнинг паст интеллектуал салоҳиятини ифодаладиган иборалардан бири “пайтава

салла” ҳисобланади, у диний концептга эга иборалардан бири бўлиб, “калтатафаҳм, бефаросат” маъноларини билдиради. “Салла” бу узоқ вақтлардан бери Марказий Осиё давлатларида диний арбоблар киядиган бош кийим ҳисобланиб келинган, унинг “пайтава” сўзи билан ишлатилиши эса ақлий салоҳияти паст бўлган кишини тасвирлашда ишлатилади. Шу фразеологизмга яқин маънода инглиз тилида “to have the brain of a pigeon” (миясиз, ақлсиз) ибораси мавжуд. Кабутарлар жуда ҳам кичик ҳажмдаги мияга эга эканлиги иборанинг шаклланишига замин яратган, ақлий қобилияти паст кишилар айнан шу кабутарларга қиёсланмоқда.

Маълумки, мия нерв системасининг марказий бўлимида жойлашган инсон тафаккур аъзоси ҳисобланади. Кўпинча, кўчма маънода ақл, онг маъноларига ҳам тенг келади. Айнан мана шу аъзо инсонларнинг ақлий (интеллектуал) салоҳиятини белгилайди. Миясини емоқ – мияси ишламай, фикрлаш қобилиятини йўқотмоқ. «Қариб, миянгизни еб қолибсиз, кўздан ҳам қолибсиз!» (М.Исмоилий, «Фарғона тонг отгунча»).

«Миясини еган чол! ... ўғлингнинг кимлигини билганингда, валдирамас эдинг!» (Мирмуҳсин, «Меъмор»).

Демак, юқоридаги ибора тўғри фикрлай олмайдиган бўлиб қолган кишиларга нисбатан қўлланилади.

Бош лексемаси ҳам кўчма маънода ақл-хуш, мия маъноларини билдириб, ақлий салоҳиятни ифодалайди. Бош қотирмоқ – астойдил ўйламоқ, чуқур фикрламоқ.

Бош оғритмоқ (ёки қотирмоқ) 1) қаттиқ ўйламоқ, фикр юритмоқ; ташвиш қилмоқ. «*Ҳаётни мукамал қиламан, деб сиздан олдин ҳам не-не одамлар бош қотирган*» (С. Сиёев, «Ёруғлик»). «*Ҳосил Ёқубов нозикроқ бир нарса устида бош қотириб ўтирган экан...*» («Муштум»). «*Ҳар нарсага ақлингиз етади.. Лоақал бу бахтсиз синглингиз учун биргина бош оғритсангиз-чи*» (А. Кодирӣ, «Ўтган кунлар»);

2) мияни ачитмоқ, гаранг қилмоқ. «*Агар бошни оғритмоқчи бўлсангиз — катта кўча; тўрт томонингиз қибла*» (Ҳ. Фулом, «Машъал»). «*Нима учун бошимни оғритганингизга тушуна олмадим, ўртоқ раис*» (Ш. Рашидов, «Бўрондан кучли»). «*Сўз билан деҳқоннинг бошини қотириб, ниҳоят, тўрт ярим сўмга кўнишга мажбур қилди*» (Ойбек, Танланган асарлар). «*Мирёкуб нима дейишини билмай қолди. Бунақа сиёсатларга сира аралашмаган ва бу тўғрида шу чокқача ҳеч бир бош қотирмаган киши бундай катта сиёсий масалалар олдида бирданига шошмасдан иложи ҳам йўқ эди*» (Чўлпон, «Кеча ва кундуз»).

Бошига келмоқ - миясига, эсига келмоқ. «*Шу савол бошига келганда, кўзига тўсатдан Канизак кўриниб, Сидиқжоннинг юраги ўйнаб кетди*» (А. Қаҳҳор, «Кўшчинор чироқлари»).

Тили чиқмоқ – нутққа эга бўлмоқ. «*Ёдгорнинг ҳам тили чиқиб қолди...*» (Ҳ. Фулом, «Ёдгор»).

Инглиз тилида ҳам инсоннинг ақлий (интеллектуал) салоҳиятини ифодалайдиган метафорик ибораларнинг сони анча кўп саналади, худди

ўзбек халқидай англизлар ҳам билим олишга, буюк ёзувчи ва шоирларнинг асар, шеърийат намуналаридан мутолаа қилишни ёқтирадиган инсонлардир, бу хусусият англизларнинг фразеологиясига ҳам маълум таъсирини ўтказган. Қуйидаги бир қатор метафорик фразеологизмлар инсоннинг ақлий салоҳиятини ифода этади: “to know which way the wind is blowing” (to foresee the general drift of events, to know in advance what is likely to happen, to make a correct prediction) “олдиндан нима бўлишини маълум бир билим, тажрибага асосланган ҳолда тўғри башорат қила олмак”. Мазкур метафорик фразеологизмлар ҳам инсоннинг ақлий салоҳиятини ифодаладиган лексик бирликлардир.

Инсоннинг ўзини тутишига боғлиқ бўлган ва ақлий (интеллектуал) салоҳиятини ифодаладиган метафорик ибораларнинг лингвокогнитив таҳлил қилиш орқали биз шахсни иавсифлашда қўлланиладиган метафорик фразеологизмлар ҳам жамият ва халқ одат ва анъаналари, менталитети билан боғлиқ.

A list of used literature:

1. Амосова Н.Н. Основы английской фразеологии. Л.: Изд-во ЛГУ, 1963.
2. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1978. –Б.145.
3. Macmillan English dictionary (for advanced learners), London, 2010
4. Tursunov M. Peculiar features of metaphorical phraseological units// International Journal on Integrated Education. 2019. Volume 2, Issue VI. Б. 119-127. (Global Impact Factor–5.9).

“ИНСОННИНГ ЖАМИЯТДА БАЖАРАДИГАН ТУРЛИ ФАОЛИЯТЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ МЕТАФОРИК ИБОРАЛАРНИНГ ЛИНГВОКОГНИТИВ ТАҲЛИЛ

**“Linguo-cognitive analysis of metaphoric phraseological units that are
based on different actions of a human done in society”**

**Tursunov Mirzo Makhmudovich,
senior teacher of English linguistics
department, Bukhara State University
E-mail: tursunov_mirzo@rambler.ru**

Аннотация: мазкур мақола англиз ва ўзбек тилларида шахсни тавсифловчи метафорик ибораларнинг лингвокогнитив таҳлиliga бағишланган. Унда инсоннинг жамиятда бажарадиган турли фаолиятлари билан боғлиқ ибораларнинг ўзига хос турли хусусиятлари қиёсий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: экспрессив, барқарор сўз бирикмалари, метафорик фразеологик бирликлар, концептуал система, метафоризация, кўчма маъно, ахборотлар, этимологик таҳлил

Annotation:the article deals with the metaphorical phraseological units of the English and Uzbek languages that are based on various deeds of a human being done in society. Peculiar characteristic features of such metaphorical phraseological units are discussed in the work as well.

Key words: expressive, stable set-expressions, metaphorical phraseological units, conceptual system, metaphorization, transferred meaning, data, etymological analysis

Yuqoridagi badda talmeh san'atidan foydalanilgan bo'lib, Iso Masih nomi keltirilgan. **Iso-** muqaddas Qur'oni karimda tilga olingan payg'ambarlardan bo'lib, u nafas bilan tiriltira olish xususiyatiga ega bo'lganligi uchun "Masih" nomini olgan. Muxammasda aynan shunga ishora qilinib, ma'shuqaning labi mana shunday "masihlik" xususiyatiga ega ekanligi, agar Lutfiyni shu nafasing bilan qayta tiriltirsang ham baribir uni hijron- u ayriliq azobi o'ldirishi qalamga olingan. G'azalning so'nggi baytida keltirilgan Lutfiy taxallusi muxammasda ham uchraydi. Lekin oxirgi ikki misrada biroz farqli jihatlar bor. Ya'ni Lutfiy g'azalining oxirgi bayti " Lutfiyni boshtin magar tirguzsang, ey Isonafas, Kim, tanidin bo'ldi ko'p jon olg'ali hijron g'ami" tarzida tugallangan. Ammo ulardan kelib chiqadigan mazmun- mohiyat deyarli bir xil.

Xulosa qilib aytish mumkinki, Alisher Navoiy Lutfiy an'analarini davom ettirib, g'azalga taxmis bog'lash orqali unga yangicha ruh va badiiy ifoda kiritdi va biz, yoshlarga, yuksak ma'naviy meros qoldirdi. Navoiy asarlarini, uning lirik

merosini qancha tahlil qilsak ham, bu faqat dengizdan tomchigina, xolos. Shunday ekan, bugungi yosh avlod buyuk mutafakkirning tengsiz ma'naviy-ma'rifiy merosini o'rganishda, ularni g'oyaviy- badiiy jihatdan talqin qilishda o'z hissasini qo'shmog'i lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. XX жилдлик. I жилд. Бадоеъ ул-бидоя. – Т.: Фан, 1987.
15. Rajabova M. B. Goethe and the East //International scientific-practical conference" XL international conference dedicated to the problems of social sciences"(March 31, 2016) Moscow-2016. – 2016.
16. Rajabova M. B. From the history of the views of the great thinkers of the East on education and upbringing //International scientific and practical conference" Fundamental and applied research: a new word in science", Moscow. – 2014. – С. 125-132.
17. Bakaevna R. M. Artistic interpretation of the mythonyms of angel and devil in the works of A //Navoi. Middle European Scientific Bulletin, ISSN. – С. 2694-9970.
18. Rajabova M. B. EXPRESSION OF IMAGES RELATED TO NATIONAL TRADITIONS IN A. NAVOI'S WORK //Scientific reports of Bukhara State University. – 2020. – Т. 4. – №. 5. – С. 141-146.
19. Ражабова М. Б. Из истории взглядов великих мыслителей востока на образование и воспитание //Редакционная коллегия. – 2014.
20. Вақоевна R. M., Охунjonovna S. H., Qodirovna A. Z. ANALYTICAL AND SYNTHESIZED FOLKLORISM IN NAVOI'S WORK //Journal of Contemporary Issues in Business and Government. – 2021. – Т. 27. – №. 2. – С. 1626-1633.
21. Вақоевна R. M. Interpretation Of Navruz In Navoi's Work //International Journal of Progressive Sciences and Technologies. – 2021. – Т. 25. – №. 1. – С. 16-23.
22. Rajabova M. B., Akhrorova Z. R. UVAYS QARANIY IN THE INTERPRETATION OF FARIDUDDIN ATTAR AND ALISHER NAVOI //Scientific reports of Bukhara State University. – 2020. – Т. 4. – №. 2. – С. 219-223.
23. Раджабова М. Б. STYLISTIC REFINEMENTS OF PHRASES IN ALISHER NAVOI'S LYRICS //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2020. – Т. 2. – №. 6. – С. 183-187.
24. Safarova Z. T., Urayeva D. S. THE SIMILAR FEATURES IN DEPICTION OF ORPHANS' LIFE IN CHILDREN'S ADVENTURE NOVELS //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 4. – С. 343-347/
25. Uraeva D. S. et al. THE EXPRESSION OF THE NATIONAL TRADITIONS AND BELIEFS IN UZBEK PHRASEOLOGICAL UNITS //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 6. – С. 469-472.

- 26.Кулдашова Н.Б. Француз ва ўзбек тилларида спорт терминологиясининг миллий-маданий хусусиятлари. PhD илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Б., 2020. –Б. 1-148.
- 27.Kuldasheva N.B. THEORETICAL VIEW POINTS OF LINGUISTS ON TERMINOLOGY. SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS International Scientific Journal. Theoretical & Applied Science, p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) 2019 Issue: 12 Volume: 80. 2019. – P. <http://T-Science.org>;
- 28.Hojieva G.S. LINGUVOCULARY PROPERTIES OF ART TERMS (On the example of French and Uzbek languages). International Journal of Progressive Sciences and Technologies (IJPSAT) Volume: 25 No. 1 2021, – P. 09-15. <https://ijpsat.ijsht-journals.org/index.php/ijpsat/article/view/2746/1628>
- 29.Gulchehra Hojiyeva. NATIONAL IDENTITY AND LINGUISTICAL ANALYSIS OF TRANSLATION OF ART TERMS IN UZBEK LANGUAGE. Journal of Contemporary Issues in Business and Government. P-ISSN: 2204-1990. Vol. 27, No. 2, 2021. Pages 1651-1660. DOI: 10.47750/cibg. 2021.27.02.174 https://cibg.org.au/article_9597.html
- 30.Kuldasheva N.B., Kuldashev A. SOME DIFFERENT DIFFICULTIES IN SPORTS EXERCICES. SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS International Scientific Journal. Theoretical & Applied Science, p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) Year: 2019 Issue: 12 Volume: 80 Published: 30.12.2019, <http://T-Science.org>;

THEMATIC CLASSIFICATION OF CHILDREN'S FOLKLORE GAMES

Ismatullaev Miraziz
student of BSU

Аннотация. В этой статье рассмотрено о тематической классификации детских игр фольклора. Широко раскрыто содержания идейных игр. Даны сведения о разделении цели и задачи детских игр на 3 вида.

Özet. Bu yazı uşaq folklor oyunlarının tematik təsnifatından bəhs edir. İdeoloji oyunların məzmunu geniş şəkildə açıqlanır. Uşaq oyunlarının məqsəd və vəzifələrinin 3 növə bölünməsi barədə məlumat verilir.

Abstract. This article discusses the thematic classification of children's folklore games. The content of ideological games is widely disclosed. Information is given on the division of the goals and objectives of children's games into 3 types.

Ключевые слова: Фольклор, игра, реальность, мотив, идея, бытовые игры, игры о животных, миф.

Açar sözlər: Folklor, oyun, reallıq, motiv, fikir, gündəlik oyunlar, heyvanlar haqqında oyunlar, mif.

Key words: Folklore, game, reality, motive, idea, everyday games, games about animals, myth.

This article discusses about the thematic classification of children's folklore games. The content of ideological games is widely disclosed. Information is given on the division of the goals and objectives of children's games into 3 types.

Games are considered independent, massive, ancient and one of the traditional genres of children's folklore.

Games of educational and educational value, ideological and content aspect, are on a par with the leading genres of folklore. Its historical and genetic roots are ancient, which are closely, inextricably linked with oral folk art.

The ideological content of the games is very wide and varied. The games depict ancient human worldviews, mythological understandings and imaginations, information about traditions and customs, in addition, a real life picture, which depicts the relationship between people. And therefore, some of the motives of the games contain an educational and didactic character.

Uzbek children's games are very versatile. They reflect pedagogical, ethnological, historical, physiological aspects. The games reflect the lifestyle of children, their psychology, worldviews and interests. And therefore, games are studied by separating them into different semantic types.

In Uzbek folklore studies, there is a great deal of experience in the classification of children's games. In particular, the studies of the literary scientists G. Zhakhongirov, O. Safarov, Sh. Galieva deserve special attention and recognition.

For the first time, we defined the provision on children's folk games, which differed in meaning, structure of images, type of plots, educational direction.

Especially, studying folklore and literary games, we found out that they differ in many respects, in particular, in description, form of ideas, method and rules of games, social needs and, most importantly, originality. Attention should be paid to the distinctive signs of the classification of children's games. Otherwise, completeness and roundness will not be enough.

The games reflect life events in the form of various real, historical and even mythological images.

The structures of the games are varied. Among them there are plot-thematic ones and without them.

In story games, there are 1-2 or more episodes. Motives in games vary depending on the species. Story games also differ in plots. We subdivided games into 3 types according to their goals, aesthetic objectives, compositional structure and ideological content:

- a) heroic games
- b) games in the images of animals
- c) household games

All these types of games differ among themselves in social reality, image of performance and ideological meaning.

Games were used at different times not only by children, but also by the elders. Their features are typical for other types of games.

Therefore, among them there is a unity that is built by the name of the games.

a) Heroic games. Among children's games, heroic games constitute a separate group and have their own definite place. In such games heroism rises, protection of the weak, caring for loved ones. Considered heroism. In them (participants in the game), a physical test is passed, as a true, courageous hero among peers. The main features of the same games are the ordinary movement of the heroes with their motive to test and evaluate them.

The events of these games develop when the hero encounters difficulties with various trials and difficulties. And therefore the test motive is considered an active motive among these games.

Heroic games are compositional plots. In these plots, the main, the main place is occupied by the conditions of the motive and their solution. As a result, the hero (winner) stimulates. Testing the strength and intelligence of the hero is a traditional poetic motif in folk art.

To determine the heroes, public defenders, you need to organize various competitions. Until our time, games of two types have developed:

The first includes all games that are determined by the strength and power of children. And in the second include games that are determined by the strength of the knowledge of children.

Heroic games involve the powers of knowledge and the powers of people in children's games. Through these games, children feel their mental and physical abilities and can achieve their goals. Among the themes of the games, bravery and courage are the main themes of the heroic games.

The plot setting is similar to each other and therefore the heroes can face any difficulties for the sake of their goals.

Heroic games consist of patriotism, popular thoughts. These types of games reflect feelings of patriotism, honesty and friendship. There are major roles and locations for the explicit heroes. In heroic games, the main one in epic works or in fairy tales, the hero's travels to his homeland are widely reflected. In epic works, the main motive is the search for their loved ones, and in children's games, this is a mythological character of the hero, for the search for the devoured children. The main goal in heroic games is to achieve them in their own. It is known that bakie winds up in fairy tales and epic.

The main feature of heroic games is testing the courage of the heroes of the games. This test is like a competition.

- e.g: Kim chaqqon (who is quick)
- Eng chaqqon (most versatile)
- Kim tezroq (who is faster)

Arqon tortish (rope pull)
O'q va yoy tortish (bow throw)

c) games about animals. This type of game is an independent theme of children's folklore games. Namely, these games reflect the conflicts between animals:

e.g: wolf and hare, rooster and chicken.

In the plots of fairy tales about animals, they can be distinguished by their names, image of performance and ideological meaning. An example can be given:

"O'rdak-Tulki" (fox and duck)

"Xo'roz-tovuq" (rooster-chicken)

"Bo'ri Keldi" (The wolf has come) and others.

Characters (heroes) are not involved in the plots.

Playing animal characters, children try to express real images of animals. Such animal games educate the feelings of children, such as insatiability, rationality, freedom and justice. There are still psychological experiences of animals like humans. And therefore (children) playing animal characters, children try to speak on their behalf. Not all games about animals have meaningful performances. Among them you can find a real picture of life as, dekhkans, shepherds, the way of life of a dekhkan, a shepherd.

Eg: "Vegetable garden", "Hares", "Sparrows".

In these games, animals are described that damage the dekhkan's crops.

Images of wolves, mesas, hares are very often seen in Uzbek children's games. Among them, the most difficult image is the images of a wolf, a fox and a bear, because they must chase the fleeing children. And the images of a hare, goat, chicken - their task is to run away. It is known that these characters are the main characters in fairy tales. In general, they are found in the tales of the yoke of the Turkic folklore studies. The running of animal games is very excited and enthusiastic. To fully portray animal characters, children try to bring the action to life.

Literature:

1. Mirziyoyev Sh.M. "Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz". - Tashkent .: Uzbekistan. 2016, 56 page
2. Mirziyoyev Sh.M. "Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib intizom va shaxsiy javobgarlik-har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak ". - Tashkent .: Uzbekistan. 2017,104 page
3. Abdullayeva M. "Bolalar o'yinlarida o'zaro munosabatlar" // "Boshlang'ich ta'lim" magazine, 2000, no. 3, P.47-48.
4. Avezov S. "Sanama janri tabiati va badiiyati". NDA.- T. 2004. P.24.
5. Antonova E.V., Chvir 'L.A., "Tadjikskie vesennie igri i obryadi i indo-iranskaya mifologiya" // "Folklor i istoricheskaya etnografiya". - M .: Nauka, 1983, P. 22-42.

6. Atoyev A., Qodirov R. :O'zbek xalq milliy o'yinlaridan foydalanish: // "Sovet maktabi". 1988, 8-son, P.45-48.
7. Axmedov Sh. "Dagestanskies natsional'nie igri". - Maxachkala, 1970. P. 132.
8. Bogdanov V.K. "Izucheniye igrushki". "Programmnie zametki". // "Etnograficheskoe obozrenie". 1912, no. 1-2, P. 228-229.
9. Boguslavskaya I. "Russkaya glinyanaya igrushka". - M.: Iskusstvo, 1975. P. 142.
10. "Boychechak" // "Bolalar folklori". "Mehnat qo'shiqlari". Compilers and publishers: O. Safarov and K. Ochilov. - T.: G'ASN, 1984. P.136-205.
11. Borovkov A.K. "Igri uzbekskix detey". "Sbornik nauchnogo krujka pri Vostochnom fakul'tete SAGU". Vip. 1. T., 1928 P. 31-42.
12. Vasil'kov G.A., Vasil'kov V.G. "Ot igri k sportu". -M.: "Fizkul'tura i sport", 1985. P. 45
13. Vinogradov G. "Igri i igrushki" // "Detskiy folklor i bit". "Programma nablyudeniya". Vipusk III. - Irkutsk, 1925, P. 50-71.
14. Vsevolodskiy - Gerngross V. Vvedenie. "Igri narodov SSSR". - M.-L, 1933, P. 15-16.
15. Kapitsa F.S., Kolyadich T.M. "Russkiy detskiy folklore". Uchebnoe posobie
16. Mel'nikov M.N. "Russkiy detskiy folklor". M.: "Prosvechenie", 1987. P. 240.
17. "Milliy harakatli o'yinlar". P.12.
18. "Ming bir bola o'yini". Compilers: G'. Jahongirov, B. Mahmudov. - T.: Yosh gvardiya, 1978, P. 89.
19. Nalivkin V., Nalivkina M. "Ocherk bita jenshini osedlogo tuzemnogo naseleniya". Fergani. - Kazan', 1886. P. 245.
20. Naumenko G.M. "Narodnoe detskoe poeticheskoe tvorchestvo". -M., 2001.
21. Pomerantseva E.V. "Detskiy folklore" // "Russkoe narodnoe tvorchestvo". -M. 1966 P. 135-142.
22. Rudin P.A. "Igri detey i ix pedagogicheskoe znachenie". - M., 1948 P. 78.
23. Safarov O. "O'zbek bolalar poetik folklori". - T.: O'qituvchi, 1985. P. 250.
24. Safarova N. "O'zbek bolalar o'yin folklori tabiati". - T.: Fan, 2008. P.119.

ГИ ДЕ МОПАСАН ВА АБДУЛЛА ҚАХХОРҲИКОЯЛАРИДА АЁЛ ТАСВИРИ

Жаббарова Малохат
Бухоро давлат университети немис ва
француз тиллари кафедраси ўқитувчиси
Сувонкулова Садоқат
БухДУ талабаси

Калит сўзлар: эпик ижод, бадиият, жаҳон сўз санъати, наср техникаси, ҳикоя, Шарқ адабий-бадий анъаналари, Ғарб адабиёти, адабий таъсир, типо-логик қонуниятлар, бадий структура, бадий матн.

Аннотация. Ўзбек адабиётининг тараккиётида, айниқса, унда янги жанр ҳисобланган реалистик ҳикоянинг камол топишида, юксак чўққига кўтарилишида улкан сўз санъаткори Абдулла Қаххорнинг хизмати катта бўлди. Ўзбек адабиёти янгиланиш жараёнини бошдан кечираётган XX асрнинг 20-30 йил-ларида худди Абдулла Кодирий ўзбек романчилигида, Хамза Хақимзода дра-матургияда, Чўлпон шериятда ислоҳ ясагани сингари А.Қаххор ҳам эпик турнинг кичик жанри ҳисобланган ҳикоячиликнинг ривожланишига ана шун-дай ҳисса қўшди, унинг ҳар бир асари ўқувчини ўзининг бадий гўзаллиги билан мафтун қиладиган, сюжети ва композицион қурилишининг пишиқлиги билан ҳайратга соладиган, тилининг мукамаллиги ҳамда самимийлиги билан хаяжонлантирадиган ижод намуналаридир.

Ключевые слова: эпическое творчество, искусство, мировое словесное искусство, прозаическая техника, рассказ, восточные литературные и худо-жественные традиции, западная литература, литературное влияние, типоло-гические законы, художественная структура, художественный текст.

Аннотация. В развитии узбекской литературы, особенно в развитии нового жанра реалистического повествования, великий поэт Абдулла Қахор сыграл значительную роль в развитии узбекской литературы. Подобно реформе Хамзы Хақимзода в драматургии и поэзии Чолпона, А. Қахор также способствовал развитию повествования, который является небольшим жанром эпического жанра. Это примеры творчества, которое волнует от совершенства и искренности.

Abstract. In the development of Uzbek literature, especially in the development of a new genre of realistic storytelling, the great poet Abdullah Kakhor played an important role in the development of Uzbek literature just as Hamza Hakimzoda reformed dramaturgy and CholponShepiyat, A. Kakhor also contributed to the development of storytelling, which is a small genre of the epic genre; each of his works is a work of art that fascinates the reader with its artistic beauty, the perseverance of its plot and compositional structure, and the perfection and sincerity of its language.

Key words: epic creation, art, world word art, prose technique, story, Eastern literary and artistic traditions, Western literature, literary influence, typol

Ўзбек адабиётининг тараккиётида, айникса, унда янги жанр ҳисобланган реалистик ҳикоянинг камол топишида, юксак чўққига кўтарилишида улкан сўз санъаткори Абдулла Каххорнинг хизмати катта бўлди. Ўзбек адабиёти янгиланиш жараёнини бошдан кечириётган XX асрнинг 20-30 йилларида худди Абдулла Кодирий ўзбек романчилигида, Хамза Хақимзода драматургияда, Чўлпон шериятда ислоҳ ясагани сингари А.Каххор ҳам эпик турнинг кичик жанри ҳисобланган ҳикоячиликнинг ривожланишига ана шундай ҳисса қўшди, унинг ҳар бир асари ўқувчини ўзининг бадиий гўзаллиги билан мафтун қила-диган, сюжети ва композицион қурилишининг пишиқлиги билан ҳайратга соладиган, тилининг мукамаллиги ҳамда самимийлиги билан ҳаяжонлан-тирадиган ижод намуналаридир.

Бу асарларни мутолаа қилган ҳар қандай китобхон ўзини сеҳрлар оламига кириб қолгандек ҳис қилади. Бу сирлар оламининг айрим фазилатлари ҳақида талай тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, йиллар ўтган сари улар тобора қупайиб бораётир ва янги-янги қирралари кашф этиляпти. Абдулла Каххор-нинг ҳикоянавислик санъати ўзидан кейинги бутун бир ижодкорлар авлоди учун ибратли мактаб бўлиб қолди. Адибнинг, айникса, ҳикоя макро-структу-расини қуриш ва сўз устида ишлаш тажрибаси туганмас сабоқ бўляпти. Бу ҳақда давримизнинг катта адиби Одил Ёқубов шундай ёзади: «...тил масалаида узим учун бир нарса олиш мақсадида Абдулла Каххорни кўлга оламан.» Бу таъриф бежиз айтилмаган. Чиндан ҳам ёзувчи асарларида автор нутқи ҳам, персонаж нутқи ҳам ўта сайқал топган, қолипга солинган ғиштдай пишиқ ва текис бўлиб, унинг биронтасини ҳам олиб ташлаш ёки алмаштириш мумкин эмас. Чиндан ҳам А.Каххор ҳикояларини умрбоқий қилган сирлар қошонаси-нинг олмос устунларидан бири унинг сўз устида ишлашидир. Ёзувчи халқ тилини бениҳоя яхши билар, кадрлар ва унга масъулият билан ёндашар эди. Шу боис унинг ҳикояларида автор нутқи ҳам, персонаж нутқи ҳам ўқувчига ўта тушунарли, табиий туйилади. Шуниси борки, асар организмидаги биронта сўзнинг ортиқчалиги сезилмайди. Аксинча, ихчам иборалардан ташкил топган тасвирлар маънодорлиги билан исталганидан кўра кўпроқ мазмун касб этади.

Абдулла Каххор ҳикояларининг ўлмас фазилатларидан яна бири воқеа-нинг дабдурустан, яъни тугундан бошланишидир. Ёзувчининг деярли барча асарлари ана шундай кескинлиги билан эътиборни тортди.

Бухусусиятқи-тобхонни асарга бирдан жалб қилади, уни сеҳрлаб оладива охири гача қуйиб юбормайди. Биринчи иборани ўқиши билан оқўқувчи тасаввурида «эндинима

бўлади?» деган савол туғилади. Санъаткор эса бусаволга жавоб беришга шоянча шилмайди. Энг таъсирли ва залворли жавобни ҳикоянинг ҳулосасидан оламиз.

Абдулла Қаҳҳор ўз ҳикояларининг ҳулосасига ҳам алоҳида эътибор беради. Бу ҳулосалар воқеаларнинг шунчаки яқини бўлиб қолмайди, балки бош ғояни янада бўрттириб, яқини кўрсатишга хизмат қилади. Ёзувчи ҳар қандай мавзудаги ҳикояларининг ҳулосасига «портловчи модда»ни кўпроқ жойлаштиради. Бу билан у ўқувчи қалбида асарда кўтарилган муаммоларнинг моҳиятига, тасвирланган қаҳрамоннинг қисматига чексиз ҳайрихоҳлик, ёвуз кучларга нисбатан эса бекиёс нафрат уйғотади.

Абдулла Қаҳҳор бунёд этган ижод қўшонасининг мармар устунларидан яна бири ақсарият асарларининг эпиграфлар билан бошланишидир. Ёзувчи 6 томлигининг 1-томига киритилган 38 ҳикоянинг 16 таси эпиграф билан бошланади. Бу эпиграфлар шунчаки асарни безаш ниятида берилмаган. улар адиб томонидан пухта уйлаб, халқ мақоллари, ибратли ҳикматлар ёки таниқли шоирларнинг шерларидан танлаб олинган. улар гуё асар организмнинг умуртка суяги сингари бутун гавдани кўтариб, сюжет линияларини бирлаштириб туради. Мабодо, сарлавҳа бўлмаса ҳам эпиграф асарнинг асосий ғоясини ўзида тўла намойён қилади.

Атоқли сўз санъаткори, ўзбек ҳикоячилиги ва романчилигида ўзига хос мактаб яратган ёзувчи Абдулла Қаҳҳор бадиий мероси дунё адабиётининг анъанавий ва янги ютуқ ва тажрибаларини ўрганиш, ижодий ўзлаштириш, шу асосда миллий воқеликни янгича услуб ҳамда рангларда тасвирлаш натижа-сида юзага келган. У Шарқ ва Ғарб маданий-эстетик тажрибаларини ўз бадиий оламида табиий ва ҳаққоний омехталаштира олган йирик адиб эди. Бу соҳир қалам соҳибининг ҳикоя, қисса, роман, комедияларида йигирманчи аср ўзбек миллий ҳаёти жаҳон адабиётининг замонавий усул ва тасвир принциплари асосида бадиий ифода этилган.

Абдулла Қаҳҳорнинг эпик ижоди ўзининг тарихий-генетик асосларига кўра жаҳон адабиёти билан чамбарчас боғланган, бадииятнинг юксак талаб-мезонларига тўла-тўқис жабоб бера оладиган чинакам бадиийлик намуналари бўлиб ҳисобланади. Хусусан, унинг ўзбек замонавий насрида воқеа бўлган ва миллий ҳаёт манзараларини реалистик талаб ва мезонлар асосида ақс эттирган ҳикоялари ўзининг юксак бадиийлиги, ҳаққонийлиги ҳамда табиийлиги билан ажралиб туради.

Ўз ижодига ҳамиша ниҳоят даражада талабчан бўлган бу ижодкор, айтиб ўтганимиздек, жаҳон сўз санъатининг энг яхши намуналарини чуқур ўқиб-ўрганган, улардан бадиий маҳорат сирлари, наср техникаси, сюжет, композиция, характер яратиш усуллари синчиклаб ўрганган.

Адиб асарларини, айниқса, ҳикояларини илмий равишда тадқиқ этиш уларда Шарқ адабий-бадиий анъаналари билан бир қаторда Ғарб адабиёти намуналаридаги тажриба ва изланишлар давом эттирилганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бу ерда биз фақат адабий таъсир ҳақидагина фикр юритаёт-

ганимиз йўқ. Тўғри, Абдулла Қаҳҳор Европа ва Шимолий Америка адабиёти намояндалари асарларини ўқиб-ўрганган, улардан маълум бир даражада таъсирланган ҳам. Лекин турли миллатларга мансуб қалам соҳиблари ижодларини нафақат адабий таъсир, шу билан бир қаторда типологик қонуниятлар ҳам боғлаб-туташтириб туради.

А.Қаҳҳор Европа ва Америка адабиётларининг йирик намояндалари асарларини типологик ва қиёсий тарзда тадқиқ этиш, биринчидан, жаҳон адабиёт-тидаги ўзаро боғланишларни ойдинлаштиришга кўмаклашади, иккинчидан эса замонавий миллий сўз санъатимиз, хусусан, мазкур ёзувчининг ижодий ўзига хослиги, асарларининг миллий хусусиятларини аниқлашга ёрдам беради.

Буюк француз ёзувчиси Ги де Мопассан ижод бўсағасига қадам қўйганида, унинг қаршида уч бўғинга мансуб адабий мерос — Стендаль, Бальзак ва Флобер танқидий реализми, В. Гюго, Ж. Санд ва А. де Мюссе романтизми ҳамда Э. Золя ва ака-ука Гонкурлар бош бўлган натурализм турарди. Шунинг учун ҳам, кейинчалик Мопассан ижодини ўрганган танқидчилар, унинг асарларида ҳар учала мактаб анъаналарини кўриш мумкин, дегандилар.¹

Дарҳақиқат, ёзувчининг ўзи Стендаль, Бальзак, Флобер реализмига эргашганлигини уқтирса-да, унинг новелла ва романларини ўқиганимизда романтизм мактаби маҳоратига хос бўрттирма ифодаларини ҳам, натурализм қаламкашларидаги инсон физиономияси ва аждодлар эволюцияси тасвирини ҳам кузатамиз. Шундай бўлса-да, ёзувчи ижодининг шаклланиши ва камол топишида танқидий реализм адабиётининг таъсири катта бўлган.

1880—1890 йиллар Мопассан ижодининг энг гуллаган даври бўлди. Буйилларда у ўн олтитановеллалар тўпламини, олтитароманни, учта йўл хоти-раларикитобиниваюзлаба адабий-танқидий очеркларини эълон қилади. Ёзувчи катта шон-шуҳрат орттириганига қарамадан, камтарин турмуш кечирарди. У асарларининг халққа доимо манзур бўлишини хоҳларди. Шунинг учун ҳам адиб, ўз асарларида халқ, турмушидан олинган воқеаларни реал ёри-тишга интиларди. Буржуа жамиятидаги «олийирқ»қа мансуб кишилар ҳаёти Мопассан асарларида кескин сатира остига олинар, лаганбардорлик ва бюрократизм авж олган ҳукумат идоралари фаолияти аёвсиз фош этиларди. Шунингдек, ёзувчи буржуа адабиёти ва матбуотига бўлган нафратини ҳам ўз асарларида очиқ-ойдин ифодаларди.²

1882—1883 йилларда яратган бошқа новеллаларида Мопассаннинг

¹Ги де Мопассан ҳаёти ва ижоди қуйидаги манбаларда атрофлича ёритилган: Ю.И.Данилин. Мопассан. Жизнь и творчество. М; 1968. История французской литературы. М; Изд-во АН СССР, 1959, том III, с.191-233.

²Ги де Мопассан “Ҳаёт”, “Азизим” новеллалар. Тошкент, Фафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1987 й. 6-бет

нату-рализм таъсирдан қутулишга интилганини кўрамиз. Адибнинг «Вальдшнеп ҳикоялари», «Мадмуазель Фифи», «Ойдин кеча» тўпламларига кирган новел-лалари сюжетида танқидий реализм етакчи роль ўйнайди. Ёзувчибу новел-лаларида Стендаль, Бальзак ва Флобер изиданбориб, воқеликни реал карти-налардасвирлабберган. Бу билан у новеллажанрининг воқеликниреалис-тик тасвирлашда роман жанриданқолишмаслигиниисботлайди. Золя таъриф-лаганидек, Мопассан «ўзининг тўрт-бешсаҳифаликновеллаларида романист-ларяратганйирикасарлардагимазмунифодасиниберолди».¹

Франция-Пруссия уруши мавзуи ёзувчининг “Милон амаки”, “Икки ошна”, «Асрлар», «Мадмуазель Фифи», «Дуэль», «Соваж хола» каби қатор новеллаларида давом эттиради. Бу новеллалар қаҳрамонлари ҳам мустанкам иродали, душманга нисбатан шафқатсиз, пок виждонли ва довюррак кишилар қиёфасида гавдаланади. 1940 йилда Францияни ишғол қилган фашистлар Мопассан новелларининг ватанпарварлик ғояларидан чўчиб, унинг асар-ларини ўтда куйдирган эдилар. Бироқ фашизмга қарши курашган минглаб французлар адиб китобларини яшириб қолишга муваффақ бўлишди.

Ги де Мопассан замондошлари Э.Золя ва А.Франс каби француз адаби-ётида янги оқим ёки мактаб яратгани йўқ. У ўзига қадар бўлган барча адабий оқим ва мактаблар ижодий методини синтез қилди. Танқидий реализм пози-циясида туриб, романтизм ва натурализм анъаналари тасирида ўзининг такрорлаб бўлмас адабий услубини яратди.

Айниқса, адибнинг француз адабиётида новелла жанрини такомиллаш-тиришдаги хизмати бебеходир.²

Биз бу ишимизда Ги де Мопассан ва Абдулла Қаҳҳор қаламига тегишли “Мадмуазель Фифи” ва “Даҳшат” ҳикоялари типологияси ҳақида фикр юрит-моқчимиз.

«Мадмуазель Фифи» новелласидаги фоҳиша-қиз Рашель француз аёлла-рини ҳақорат қилган, Франция ерини топташдан завқланган поручик Отто-нинг бўғзига пичок, санчади. Уруш мавзуига бағишланиб ёзилган, халқ, қаҳрамонларини тараннум этувчи новеллалар туркуми Мопассанни реалист санъаткор даражасига кўтарди, унга шон-шараф келтирди.

Авваламбор, шуни айтиш керакки, мазкур ҳикоялар ёзилиш ва тасвир этилиш даври, ижтимоий-сиёсий жамият, қаҳрамон(лар) бадий структураси, ёзувчи шахсияти ва услуби, миллий психология сингарилар нуқтаи назаридан жиддий фарқланиб туради. Ўн тўққизинчи аср француз танқидий реализми анъаналарига мувофиқ ижод қилган Ги де Мопассан ўз асарларида француз миллий ҳаётини ва ўша замонда яшаган инсонлар

¹Шу китоб 8-бет

²Ги де Мопассан “Ҳаёт”, “Азизим” новеллалар. Тошкент, Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1987 й. 12-бет

турмуши, руҳиятини тас-вирлар экан, биринчи навбатдаўз замонасининг долзарб муаммоларини танки-дий руҳ билан тасвирлар эди. Мана шундай танкидий руҳ унинг “Мадмуазель Фифи” ҳикоясида яққол намоён бўлган.

Авваламбор, бундай тафовут иккила бадиий яратмадаги хронотоп тасви-рида намоён бўлади. Мопассаннинг мазкур кичик эпик асарида Пруссия-Франция урушига дахлдор драматик характерга эга воқеа ҳикоя қилинган. Тасвир этилган ҳодиса Нормандиянинг Руан вилоятидаги Ювил қасрида бўлиб ўтади.

Ҳикояда воқеанинг бўлиб ўтган вақти қайд этилмаган. Шунга қарамай, сюжет ифодаси давомида баён этилган мулоҳазаларга асосланиб унда танаф-фуслар билан давом этган Пруссия-Франция уруши (1866-1871) даври тасвир этилганини билиш мумкин.

Ундаги асосий персонажлар прусс зобитлари ва фарангистонлик Рашел номли яҳудий фоҳиша аёл.

Атоқли адиб, Мопассан, Чехов, Жек Лондонлар қатори жаҳон ҳикоя-чилиги дарғаларидан бири саналган Абдулла Қаҳҳор ижодида ҳам маъна-вий-ахлоқий тубанлик, ижтимоий иллатларга танкидий муносабат устувор ўринга эга.

“Даҳшат” “Мадмуазель Фифи”дан фарқли равишда тарихий ҳаёт муаммо-ларини акс эттиради. Бу ўринда шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, Абдулла Қаҳҳорнинг энг яхши ҳикоялари яқин ўтмиш (Туркистонда чор Россияси ҳукмронлиги даври), яъни мозийга хос ҳаёт манзаралари ўз бадиий ифодасини топган.

Зикр қилинган икки ҳикояни типологик тадқиқ этиш шундан далолат берадики, бу эпик асарлар орасида юқорида биз кўрсатиб ўтган фарқ – тафо-вутлар борлигига қарамай, улар орасида муайян яқинлик-муштаракликлар мавжудлигини кўриш мумкин.

Бундай адабий-бадиий алоқа-робиталар. бизнинг назаримизда, қуйидаги-ларда кўринади:

1) икки асарни, аввало, эпик турнинг энг мўъжаз шакли бўлган ҳикоя жанрига хос белги-аломатлар ўзаро яқинлаштириб-туташтириб турибди. Ана шундай хусусиятлардан бири, адабиёт назариясига оид тадқиқот ва дарслик-ларда қайд этилганидек, қаҳрамон ҳаётидан алоҳида, баъзан фавқулодда воқеани ажратиб олиш ва тасвирлашдир. Бундай хусусият “Мадмуазель Фифи”да ҳам, “Даҳшат”да ҳам мавжуд. Француз ёзувчисининг ҳикоясида Рашел исмли аёлнинг ўзини таҳқирлагани боис босқинчи прусс зобити – Вильгельм фон Эйрик (“Мадмуазел Фифи”)ни десерт пичоқчаси билан ўлди-ради. “Даҳшат”да эса маъсума ёш аёл – Унсин кексайиб қолган мустабид додхоҳнинг саккизинчи хотини бўлиб қолишни истамай эридан талоқ сўрайди ҳамда унинг ўлимга олиб келиши муқаррар бўлган шартини бажаришга рози бўлади.

2) юқорида кўрсатилган аломатлар ҳикоя қаҳрамонлари – Рашель ва Унсиннинг фавқулодда ирода кучига эга бўлган эрксевар эканлигини

кўрса-тиб-тасдиқлаб туради. Бинобарин, кучли инсонлар характериға хос инсоний ғурур ва эрксеварлик туйғуси ушбу қаҳрамонларни яқинлаштириб турганли-гини кўриш мумкин. Тўғри, уларнинг мана шу кутилмаган ҳатти – ҳаракат-ларинингомиллари бир-биридан фарқ қилади. Рашель француз эмас, у яҳудий миллатиға мансуб аёл. Шунга қарамай, унда ўзи яшаб турган мамлакатга бўлган ҳурмат, муҳаббат ҳисси жуда кучли. Шу боисдан ҳам у сурбет ва золим прусс маркизининг: “Франциянинг бутун аёллари бизни-ки!” – деган таҳқиро-муз сўзларига жавобан: “Йўқ, йўқ. Ёлғон айтяпсан. Франция аёллари сеники бўлмайди”, - дейишга журъат қилади.

3) икки ҳикояни бадиий адабиётнинг энг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланган инсонпарварлик туйғуси ҳам яқинлаштирган. Бу жиҳат таҳлил этилаётган асарларда кучли драматик пафос билан ифодаланган. “Мадмуазель Фифи”даги Рашель – исловотхона маҳкумаси, очикроқ айтганда, фоҳиша. Ҳикояда унинг бундай нопок масканга қандай келиб қолганини сабаблари кўрсатилмаган. Аммо унинг қаҳрамонона ҳаракати шундан далолат берадики, исловотхона унинг ўрни, макони эмас. Буюк инсонпарвар ижодкор бўлган Мо-пассан ҳикоя қаҳрамонини ўз юртиға, миллатиға хиёнат қилишға тайёр бўлган кимсалардан устун кўяди, уни ватан қаҳрамони сифатида баҳолайди. Рашелнинг мардлиги воқеа бўлаётган худуддаги французларни хушёр тортти-ради. Улар кўлларига қурол олиб мана шу фидоий аёл ҳимоясига чиқадилар, бир неча душман аскарини отиб ўлдириб аёлни кутқариб қоладилар.

“Даҳшат” ҳикоясида ўзбек адиби ўз миллатиға мансуб аёл тақдири, жасорати, ўлимини тасвирлар экан, буюк инсонпарварлик иделини юксак бадиий маҳорат билан бадиий ифода эта олишға эришган. Унсин Рашелдан фарқли равишда жамият, инсоният ахлоқи мезонларидан четга чиқмаган. Аммо инсонийлик туйғулари ёт бўлган золим бир кимсаға саккизинчи хотин қилиб узатилган Унсин тақдири Рашелникидан фарқли равишда фожиали интиҳо топади. Додҳоҳнинг шартиға кўра қопқо-ронғу даҳшатли тунда кўр-кинчли гўристонға бориб келган аёл ўлим эвазига ўз эркини кўлга киритади. Бироқ унинг ҳалокати мағлубият эмас, ғалабадир. У ўз жасорати билан замондошларига озодликка эришиш мумкинлиги кўрсатиб бера олди. Буюк мутафаккир Маҳмудхўжа Бехбудий айтганидек, “ҳақ олинур, берилмас”.

Бадиий адабиёт, у қайси халқ ижодкор томонидан ёзилишидан қатъий назар, муштарак қонуният ва тамойилларға эга. Хусусан, инсонпарварлик бадиий сўз тараққиётининг барча босқичларида ижод аҳли учун энг биринчи зарурат ва фазилат бўлиб келган. Бу муҳим ва устувор хусусиятни Мопассан ва Абдулла Қаҳҳор ижодий мероси мисолида аниқ кўрса бўлади.

Лекин бу ўринда алоҳида қайд этиш лозимки, сўз санъати фақатгина муштарак қонуниятлар асосида иш кўрмайди. Ҳар бир миллий адабиётда алоҳида бир халққа хос руҳият, менталитет, қадрият ва урф-одатлар ўз

бадий ифодасини топади. Агар масалага шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, Абдулла Қаҳҳорнинг адабий қаҳрамонлари, хусусан аёллар образи миллий ранг ҳамда жилоларга эгаллиги, ўзбек халқининг ўзигагина хос жиҳатларни бадий тажассум этганлиги билан ажралиб туради. Бу фикримизни “Даҳшат” ҳикоясидаги аёллар образи таҳлили орқали ойдинлаштиришга ҳаракат қиламиз.

Бадий вақт нуқтаи назаридан олиб қараганда, асарда чор Россияси мустамлакачилиги давридаги тарихий ҳаёт тасвирланган. Ҳикоядаги асосий персонажлардан бири бўлган дод-хоҳ (ўша замонда одатда мингбоши лавози-мидаги амалдорларни шундай деб атаганлар)нинг бир эмас, саккизта хотини бор. Исломи шариати бўйича эркакка тўрттагача уйланишга руҳсат берилган. Аммо айрим мансабдор ва бадавлат одамлар бу қоидага ҳар доим ҳам амал қилавермаганлар. Додхоҳнинг оиласи мана шу тарихий воқеликни ифодалаган.

Додхоҳ – золим ва аксар зулмкорлар сингари кўрқоқ ва асосий инсоний фазилатлардан маҳрум киши. У хонадонидаги хотинлардан сўзсиз итоатни талаб қилади. Асар муқаддимасида тасвирланган жойда истиқомат қилаётган аёлларнинг барчаси ўта ночор, эзилган, қаттиққўл эрнинг жабр-жафоларига кўниккан заифалар тарзида намоён бўлган. Аммо ҳикоя сюжети ривожини давомида бошқача – ирода ва исён ҳиссига эга бўлган аёллар ҳам борлиги маълум бўлади. Булардан биринчи – оддий меҳнатқаш оиланинг фарзанди бўлган – Унсин. Унинг ота-онаси иқтисодий ночорлик туфайли ўз қизларини қари ва баджаҳл додхоҳга беришга рози бўлганлар. Аммо бу жувонга бундай зулматга тўла ҳаёт тарзи мутлақо мақбул эмас. Кучли шамол эсиб турган кўр-қинчли тунда Унсин эрига ўз уйига бутунлай кетмоқчи эканини маълум қилади.

Жаҳолат ҳукм сурган мана шу микромакон учун бу маънодаги исён, эркак интилишнинг бир шакли эди. Ҳикоя воқеа оқимининг мана шу палла-сидан бошлаб бу аёл иродали, озодлик йўлидан ортга чекинмайдиган инсон сифатида намоён бўлган.

“Мадмуазель Фифи” ҳикояси қаҳрамонидан фарқли равишда Унсин характерида нафақат мардлик, шу билан бирга, соддалик, беғуборлик ва ўзбе-кона ҳаё хусусиятлари ҳам мужассам этилган. Бу образ мана шундай хусусиятлари билан ўзбек аёлларининг муштарак руҳий дунёсини кўрсатиб туради.

Абдулла Қаҳҳор миллий характерлар яратиш бўйича беназир ижодкор эди. Хусусан, у барпо этган аёл образларида тарихнинг муайян бир босқичларида яшаган ўзбек аёлларининг ўзига хос хусусиятлари, ички олами яққол бўй кўрсатиб туради. Худди мана шундай жиҳатларни “Даҳшат” ҳикоясидаги Додхоҳнинг хотинлари, хусусан, Унсин ва Нодирмоҳ-бегим характерлари тасвирида яққол кузатишимиз мумкин.

Бу ўринда Абдулла Қаҳҳор ижодида бадий ифода топган Аёл идеали ҳақида ҳам тўхтаб ўтиш лозим. Ёзувчи тасвирида эътибор ва ҳурматга

лойик аёл биринчи навбатда эркин, қатъиятли, ўз ҳаётий қарашларига доимо собит турган жасоратли инсондир. Бу хусусиятларни биз адибнинг Саида (“Синча-лак”), Зиёда (“Қўшчинор чироқлари”) ва яна бир қатор кичик насрий асарла-ридаги қаҳрамонларда кўришимиз мумкин.

Мопассан ҳикояларидаги ўзига хослик муаммосини ўрганган Г.П. Гаври-шева шундай бир фикрни қайд этган: “муаллиф ўз олдига соддалик ва шакл ихчамлигига эришиб, ўз асарларини имкон даражасида кенг китобхонлар оммаси кўпроқ ўқишига эришиш вазифасини қўйган эди”¹.

Типологик нуқтаи назардан қараганда ана шундай хусусиятларни Абдул-ла Қаҳҳор ижодий меросида ҳам яққол кўриш мумкин. Унинг ҳикояларида “соддалик” ҳам, “шаклий ихчамлик” ҳам мавжуд. Бу бадиий яратмаларда китобхон тушунмайдиган сўзлар ва иборалар деярли йўқ. Ёзувчи ўз бадиий яратмаларини оддий китобхон тўла тушуниши, айтмоқчи бўлган фикрини узил-кесил англаб олиши учун имконидаги барча ишларни қилишга ҳаракат қилган. Шунингдек, у шаклий ихчамликка эришиш учун кўл-қўл устида ти-нимсиз иш олиб борган: бадиий матн талабларига мувофиқ келмайдиган сўз, бирикма, ҳатто саҳифаларни аёвсиз ўчирган. Бунинг натижасида яратилаётган асар вариантдан вариантга ихчамлашиб, мураккаблашиб борган. Аммо бундай ижодий-бадиий фаолиятни француз ёзувчиси бадиий тажрибасига эргашиш, ундан таъсирланиш натижаси деб ўйлаш тўғри эмас. Бу бадиий ижодга хос муштарак бир ҳаракат бўлиб, жаҳон адабиёти доирасида олиб қаралганда йи-рик сўз санъаткорларига хос хусусият бўлиб ҳисобланади.

Ижодкорнинг етук санъаткор сифатида эътироф этилиши унинг ўзи яратган яратган характерларда миллатнинг, халқнинг энг муҳим хусусиятла-рини бадиий мужассам эта олишида кўринади.

Таниқли адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул “Абдулла Қаҳҳор жасорати” номли мақоласида ёзувчи шахсияти ва ижодий меросининг моҳияти хусусида фикр юритар экан шундай ёзган эди: “Оламнинг ўзгариши-одамнинг ўзгари-шига боғлиқ. Одамнинг онги, фикр-қарашлари янгиланмас экан, ҳеч қачон олам янгиланмайди. Абдулла Қаҳҳор мустабид хонлар, султонлар ҳукмронлик қилган эски замон инсоннинг қўл-оёғи билан бирга онги, ақли ва қалбини ҳам кишанлаб ташлаганини болалигидаёқ кўрган, ўша чиркин қуллик муҳитида яшаб улғайган эди”².

“Даҳшат” ҳикоясида мунаққид алоҳида таъкидлаб кўрсатган “одамнинг ўзгариши” жараёнини кўриш мумкин. Узоқ давом этган зулм-истибдод, жаҳо-лат, хурофот халқни, хусусан, шу жамиятнинг катта бир қисмини ташкил этган хотин-қизлар ҳаёти, руҳияти, харак-терига ўзининг жиддий таъсирини ўтказган: улар хўрлик, мутелик ва азоб-уқибатларга кўникканлар. Ҳикояда жо-ҳил ва кекса додхоҳ хотинларига истаганича

¹ Гавришева Г.П. Художественное своеобразие новеллистики Ги де Мопассана. -

² Иброҳим Ҳаққул. Абдулла Қаҳҳор жасорати. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти, 2007. – 15-бет.

жабр ўтказа олади. Уларни беса-баб калтаклайди, истаганича хўрлай олади. Хотинлар эса бундай адоғи бўлма-ган жабр-жафоларни итоаткорлик ва кўрқинч билан қабул қиладилар. Улар-даги ирода, курашчанлик туйғулари сўлган. Гўёки бундай ҳақсизлик, зўравон-ликнинг ниҳояси мавжуд эмас.

Аммо диалектиканинг абадий бир қонуни бор. Ҳар бир жараённинг ибти-доси бўлганидек, албатта, интиҳоси ҳам бўлади. “Даҳшат” асарида зулмнинг бир босқичи яқун топаётгани реалистик метод мезонларига мувофиқ драматик тарзда кўрсатилган.

Абдулла Қаҳҳор, Иброҳим Ҳаққул ёзганидек, жасоратли адиб эди. Фақат ҳақиқатни тан олади. Ижодкордаги бундай устувор хусусият унинг асарлари қаҳрамонларига ҳам кўчиб ўтган. Айнан мана шу жиҳатни унинг шоҳ бадиий яратмаларидан бири бўлган “Даҳшат” ҳикояси бош қаҳрамони Унсин харак-тери ва мардона фаолиятида очиқ-равшан кўрса бўлади.

Унсин, қайд этилганидек, жоҳил эрнинг зулматга чўмган диққинафас хонадонида яшашни истамайди. У бу машъум жойни тарк этиши керак. Бу йўлда у ҳамма нарсага, ҳатто ўлимга ҳам тайёр.

Кетиш фикрини эрига очиқ айтиши учун унга қулай фурсат керак. Мана шундай вазият Шамол ниҳоятда кучайган, қоп-қоронғу бир тунда пайдо бўла-ди. Бу ўринда маҳоратли ижодкор драматик вазиятни юзага келтириш учун шамол мотивидан ниҳоятда усталик билан фойдаланади: “Яқин икки ҳафтадан берикўз очирмаётганкузак шамолияйдоқ дарахтлар шохида чийиллайди, ғу-вуллайди; томларда вишиллайди, ёпиқ эшик ва дарчаларга бош уриб уф тортади.

Бундай кечаларда одамзод қўй мижоз, ғуж бўлиб ва ниманидир кутиб жимгина ўтиришни хоҳлаб қолади”¹.

Ушбу тасвир ҳикоя матнига шунчаки киритилмаган, у асарнинг ғоявий-бадиий концепциясига боғлиқ бўлиб, келгуси воқеаларнинг шиддати ва драма-тизмга олдиндан ишора қилаётир.

Асар воқеалар ривожини ва бадиий зиддиятига бевосита алоқадор бўлган тасвирларда яна бири гўристон билан боғлиқ. Матнда ёзилганидек, “ўзбек гўристони ўзи хунук, бунинг устига, гўристон ҳақида айтилмаган хунук гап, тўқилмаган ваҳимали миш-миш қолган эмас. Ҳақиқатан бундай кечаларда гў-ристон эсига тушган ҳар қандай одам, айниқса, додхо сингари пайғамбар ёши-дан ошиб, кафанлигини сандиққа солиб қўйган киши ўлишдан ҳам кўра гўрис-тонда ётишни ўйлаганида, тилигача совук тер чиқаради”².

Шундай қилиб, бадиий матн таркибидаги икки тасвир (шамолли тун ва қабристон) ўзаро бирлашиб, ҳикоянинг асосий қаҳрамони ҳисобланган

¹Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. Олти жилдлик, 1-жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулум номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967. – 41-бет.

²Шу китоб, 42-бет.

Унсин-нинг шу ҳал қилувчи тундаги тақдири хусусида китобхонга муайян фикр бера олган.

Унсин шу таҳликали кечада додхоҳникдан бутунлай кетиш ниятини очик айтади. Ғазабланганэр унга ниҳоятда оғир шарт қўяди: у гўристонга кумғон олиб бориб, онҳазрат сағанаси олдида чой қайнатиб келиши керак.

Унсин бу оғир талабни бажаради, аммо қаттиқ қўрққанлиги боис эртаси куни пешинга бормай жони узилади.

Бироқ мазкур ўлим бош қаҳрамоннинг мағлубияти эмас, маънавий ғала-баси нишонаси эди. У жони эвазига бўлса-да, ўзининг энг азиз ниятига эриша олди, озодликни қўлга киритди. Бу инсоннинг, шу билан бирга, мавжуд дунёнинг ўзгаришидан далолатдир.

Мопассаннинг “Мадмуазель Фифи” ҳикоясида ҳам қаҳрамон ва табиат ходисаси орасидаги алоқадорликни кўрсатувчи бадиий лавҳа бор. Буасарда ҳам воқеа “Даҳшат”даги сингари тунда бўлиб ўтади. Асар муқаддимасида “кимдир ғазаб билан сепиб ташлагандек шиддат билан ёғайтган ёмғир”¹ тас-вирланган. Табиийки, мана шу ёмғир ва босқинчиларга бўлган халқ нафрати орасида бадиий-семантик муносабат мавжуд.

Фикримизча, таҳлил этилаётган орасидаги бундай ўхшашлик, адабий таъсир натижаси бўлмай, балки, олдин айтиб ўтилганидек, бадиий адабиётнинг муштарақ, умумтипология хусусиятлари билан изоҳланади. Француз ёзувчисида ёмғир тасвири жуда мухтасар, атиги бир неча сатрдан иборат. Абдулла Қаҳҳор ҳикоясида эса шамол мотиви асарнинг бошидан охиригача истифода этилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. Олти жилдлик, 1-жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967

2. Ги де Мопассан “Ҳаёт”, “Азизим” новеллалар. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1987

3. Абдулла Қаҳҳор жасорати. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти, 2007.

4. Гавришева Г.П. Художественное своеобразие новеллистики Ги де Мопассана. Ги де Мопассан. Собрание сочинений в семи томах. Том 1. – Москва: издательство “Правда”, 1977.

5. Иброҳим Ҳаққул. Абдулла Қаҳҳор жасорати. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти, 2007. – 15-бет.

6. Hojjeva G.S. LINGUVOCULARY PROPERTIES OF ART TERMS (On the example of French and Uzbek languages). International Journal of Progressive Sciences and Technologies (IJPSAT) Volume: 25 No. 1 2021, – P. 09-15. <https://ijpsat.ijsht-journals.org/index.php/ijpsat/article/view/2746/1628>

¹Ги де Мопассан. Собрание сочинений в семи томах. Том 1. – Москва: издательство “Правда”, 1977.

7. Gulchehra Hojiyeva. NATIONAL IDENTITY AND LINGUISTICAL ANALYSIS OF TRANSLATION OF ART TERMS IN UZBEK LANGUAGE. Journal of Contemporary Issues in Business and Government. P-ISSN: 2204-1990. Vol. 27, No. 2, 2021. Pages 1651-1660. DOI: 10.47750/cibg.2021.27.02.174 https://cibg.org.au/article_9597.html

8. Adizova, O. (2021). Роль произведений Азиза Каюмова в истории узбекской литературы. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 4(4). извлечено от http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/2053

9. M. Makhmudova.Y.V.GYoTE “G’ARBU ShARQ” DEVONINING MAQSUD ShAYXZODA VA S.S.BUXORIY TARJIMALARIGA XOS XUSUSIYaTLAR. M.Maxmudova. Ilm sarchashmalari. 2021 yil. 1-son. https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/1612

10. Hayotova, D. (2021). Инновационные Интернет-технологии и их эффективное использование в обучении немецкому языку. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), извлечено от http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/1441

11. Hayotova, D. (2021). NATIONAL-CULTURAL LINGUOCULTUROLOGICAL FEATURES OF THE CONCEPT OF HEIMAT (HOMELAND) IN GERMAN AND UZBEK LANGUAGES .ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 1(1). извлечено от http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/939

12. Rahmatov, A. (2021). FLIP TEACHING» КАК ИННОВАЦИОННЫЙ СПОСОБ ИЗУЧЕНИЯ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), извлечено от http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/1542

13. Bobokalonov R.R., Bobokalonov P.R., Hayatova N. "Meaning of canonical words-sentences in the spirit of tolerance" PHILOLOGY, INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL, N2(26), Volgograd 2020, 40-43 pp. <https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/article/view/562>

14. P.R. Bobokalonov, R.R. Sayfullaeva, R.R Bobokalonov, N.I. Hayatova " Social Map of the language: neurolinguistic and optimization of speech" INTERNATIONAL JOURNAL OF PSYCHOSOCIAL REHABILITATION, Vol 24, Issue 09,2020 ISSN:1475-7192. <https://www.psychosocial.com/article/PR290075/22732/>

15. Ruziev Y., Khudoev S., Rakhmatov A. THE USE OF THE PAST TENSES IN GERMAN AND ENGLISH. ACADEMICIA. An International Multidisciplinary Research Journal (Double Blind Refereed & Peer Reviewed Journal) ISSN: 2249-7137 Vol. 11, Issue 6, June, 2021. <https://saarj.com/wp-content/uploads/paper/ACADEMICIA/2021/FULL-PDF/ACADEMICIA-JUNE-2021/6.12,%20Yarash%20Ruziev.pdf>

16. Худоев, С. (2021). ПРАКТИЧЕСКИЕ МЕТОДЫ И ПРИЁМЫ ПОВЫШЕНИЯ МОТИВАЦИИ ОБУЧЕНИЯ НА УРОКАХ НЕМЕЦКОГО

ЯЗЫКА. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 1(1). извлечено от http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/1548

17. P.R. Bobokalonov, R.R. Sayfullaeva, N.I. Hayatova " Xorijiytilnio'rgatishdapsixoneyrolingvistikhoholatvakanonikmodelligaplarningo'rni " FarDU. ILMIY XABARLAR. 1/2020, 119-123pp.

18. P.R. Bobokalonov " Znacheniyakanonicheskixslov-predlojeniy v duxetolerantnosti" ILM SARCHASHMALARI. UrDU. 5/2020

19. Kuldasheva N.B., Kuldashev A. SOME DIFFERENT DIFFICULTIES IN SPORTS EXERCICES. SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS International Scientific Journal. Theoretical & Applied Science, p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) Year: 2019 Issue: 12 Volume: 80 Published: 30.12.2019, <http://T-Science.org>;

20. Karimova Dilafuz. (2021). ON THE HISTORY OF THE CREATION OF GRIMM BROTHERS' FAIRY TALES AND THEIR TRANSLATIONS INTO UZBEK. Euro-Asia Conferences, 3(1),95–97. RETRIEVED FROM <HTTP://PAPERS.EUROASIACONFERENCE.COM/INDEX.PHP/EAC/ARTICLE/VIEW/301>

ЎЗБЕК ВА НЕМИС ХАЛҚ ЭРТАК ҲАМДА АФСОНАЛАРИДА ТУРНА ОБРАЗИ

Жумаев Акмал Ахматович
Бухоро давлат университети
Немис ва француз тиллари кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада қушларнинг, хусусан турнанинг эртақлардаги талқини ўзбек ва немис халқ эртақлари, ривоят ва масалларда, антик давр афсоналарида ва немис тилига таржима қилинган бошқа халқ эртақларидаги образининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари қиёсий таҳлил қилинган. Шу билан бирга турнанинг гавда тузилиши лайлакка ўхшасада эртақларда мутлақо ўзгача образларда талқин қилиниши таҳлилга олинган.
Калит сўзлар: миф, афсона, ривоят, қуш, турна, тумор, рафика, гералдика.

Annotation. The article comparatively analyzes the similarities and differences between the image of birds, especially the crane, in Uzbek and German folk tales, legends and parables, ancient legends and other folk tales translated into German. At the same time, the body structure of the crane is interpreted in fairy tales in completely different images, although it resembles a stork.
Keywords: myth, legend, legend, bird, crane, talisman, wife, heraldry.

Фольклоршунос Олга Михайловна Иванова-Казас “Птицы в мифологии, флорьклоре и искусстве” асарида орнитонимларнинг миф ва эртақларда турли халқларда турлича даврларда фойдаланилгани ҳақида

мулоҳазалар юритиб кўплаб қушлар қатори турнанинг ҳам эртақ ва ривоятлардаги образи ҳақида тўхталиб ўтган.

Гералдикада огоҳлик, ҳушёрлик рамзи ҳисобланган турна Джек Тресиддернинг фикрича Хитой ва Япон маданиятида сергаклик, узоқ умр кўрувчи, донолик, садоқатлилиқ рамзини, ҳинд маданиятида эса турнани бахтсизлиқ хабарчиси деб қаралади.

Олтин тарвуз, ур тўқмоқ номли ўзбек халқ эртақларида жароҳатланган лайлакни даволаб учирма қилган эртақ қаҳрамонига миннатдорчилиқ билдириб сеҳрли уруғ, очил дастурхон, ур тўқмоқ ёки шунга ўхшаш нимадир совға қилганини кўрсак, япон эртақларида жароҳатланган турна уни даволаган кишига ё рафиқа ёки қизи қиёфасида тўқувчи образида чойшаб, ёпинчиқ тўқиб миннатдорчилиқ билдиришини кузатамиз. Немис тилга ана шундай мазмундаги япон эртақлари таржима қилиниб немисзабон китобхонларга япон халқ ижоди билан танишиш имконияти тақдим қилинган.

Қадимги Мисрда турна Қуёш қуши ва фаровонлиқ рамзи деб билишган. Римликларга турна образида содиқлик, меҳрибонлик, узоқ умр ва донолик каби олижаноб инсоний фазилатлар намоён этилган.

Турна турли халқ эртақлари, масалларида ақлиги ва макрдор эртақ қаҳрамонларини ақлий макр билан енга олган қаҳрамон қушлардан бири саналади. Шунингдек турна Гермес, Деметра, Артемида, Персей каби антик давр худоларининг ҳамроҳи бўлган. Олимп худолари хабарчиси Гермес алифбония ратаётганида илкетти ҳарфни турнанинг гучаётгандаги ҳаракатлари га қараб яратган дегана фсона ҳам қадимги юнон мифологиясида мавжуд.

Турнанинг қанотидан эса қадимдачарчокдан ҳимояловчи тумор сифатида фойдаланилган.

Халқимизда турналар пастлаб учса арзончилиқ келади, кузда баландлаб учишса куз узоқ давом этади деган фикрлар бор. Қушлар ҳаракатига қараб мавсум ва фасллар тақвими ҳамда об ҳаво ўзгаришларини қисман бўлсада кузатилиши айрим халқ эртақларида ҳам ўз аксини топган.

Дўстлик ва дўстликка хиёнат, оқибат, макр ва ёлғон, хиёнат ва ёлғоннинг жазосини ўзида мужассамлаштирган “Тулки ва турна” номли ўзбек халқ эртадаги тулки ва турна мажозий маънодаги образлар. Халқ эртақларида ҳайвон ва қушлар образи орқали турли инсоний характерлар ўз аксини топади. Табиатан тулки ватурная шашманзили ва ҳаёт тарзи бир-биридан тубдан фарқ қилсада, эртақда икковлон дўст туғиниши, турна образи орқали оддийгина, самимий ва кўнгли очик киши билан, тулки образи қиёфасида айёр ва муғомбир кишининг мунособатихоқияти қилинад и.

Барчага бир деки шонувчан турнанинг полапонларини синалмаган тулкига ишониб, уларнинг тулкига ҳўрак бўлиб қолиши мантиқан “Ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғритутма” мақолининг мазмунига мос келад и.

Немис тилига кўплаб ўзбек халқ эртаклари таржима қилинган. “Тулки ва турна” эртаги ҳозирга қадар таржима қилинмаган. Бироқ “Тулки билан турна” номли рус халқ эртаги немис тилига таржима қилинган ва немис китобхонлари аудиториясига тақдим қилинган. Ўзбек ва рус халқ эртаклари номланиши бир-бирига деярли ўхшасада, эртак воқеалари бир-бирдан тубдан фарқ қилади.

Немис халқ эртакларида турна образи деярли учратилмайди. Бироқ немис ёзувчиси Ҳанс Ҳарреснинг “Der Kranich und der Wolf”¹ (Турна ва бўри) масалида турна образи ижобий образда талқин қилинган. Масалларда ҳайвон ва қушларнинг мажозий маънода қўлланилишини эътиборга олсак, турна образи орқали оддийгина, соддагина ва ишонувчан шахс қиёфаси гавдалантирилади. Ҳанс Ҳарреснинг “Der Kranich und der Wolf” шеърий масали Л.Н. Толстой ва И.А. Крыловнинг “Бўри ва турна” масалига мазмунан ўхшаш.

Немис ёзувчиси Ф.Шиллернинг “Die Kraniche des Ibykus” (Маъноси: Ибукнинг турналар) балладасида турналар асосий образ саналмасада, асар бош қаҳрамонининг ўлдирилишига гувоҳ бўлишади. Ўлимидан олдин эпик қаҳрамон турналарга қотиллирдан қасос олишларини васият қилиб қолдиради.

К. Т. Сукиасяннинг “Русская литература” журнали 2015 йил 1 сонидан чоп этилган “Мифологема "журавль" в творчестве Н. Рубцова: генезис, мифопоэтика, интерпретация” мақоласида Ф.Шиллернинг “Die Kraniche des Ibykus” балладаси ҳақида ўз мулоҳазаларини билдириб турналарга тангри томонидан юборилган қушлар деб таъриф беради ва қадимги грек шоири қотиллари шу қушлар шарофати билан жазоланишади² деган хулосага келади.

Адабиётлар:

1. O'zbek mifologiyasi. D. O'rayeva, M. Jo'rayev. O'zbekiston Respublikasi oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi grifi bilan universitetlarning 5120100 – Filologiya va tillarni o'qitish (o'zbek tili) bakalavr ta'lim yo'nalishining 4-kurs talabalari uchun darslik sifatida tavsiya etilgan. – T.: Navro'z, 2019. – 508 bet.

2. Етти оққуш (Олмон халқ эртаклари). Ўрта мактаб ёшидаги болалар учун. (Олмон тилидан Х. Рахимов ва Ш. Салимова тарж.; Таҳрир ҳайати Э. Воҳидов ва бошқ. – Т: Чўлпон, 1990. – 304 б.

3. Nemischa-o'zbekcha lug'at [Matn] / A.A. To'laganov [va boshq.]. – Buxoro: “Sadridin Salim Buxoriy” Durdona nashriyoti, 2008. – 812 b.

¹<https://www.waldorf-ideen-pool.de/Schule/uebergreifend/rhythmischer-teil/gedichte/unterstufengedichte/fabelgedichte/Der-Kranich-und-der-Wolf>

²<http://shsu.am/media/journal/2015n1b/5.pdf>

4. Y.V.Gyote “G’arbu Sharq” devonining Maqsud Shayxzoda va S.S.Buxoriy tarjimalariga xos xususiyatlar. // “Ilm sarchashmalari” Urganch davlat universitetining ilmiy-metodik jurnali. – Urganch. 2021 yil. 1-son.

5. Иванова-Казас О.М. Птицы в мифологии, фольклоре и искусстве. – С.-Петербург: «Нестор-История», 2006. – 172 с. – [ISBN 5-98187-160-1](#)

6. Гримм Якоб. Германская мифология. Т. III / Пер., коммент. Д.С. Колчигина. Под ред. Ф.Б. Успенского. – 2-е изд., доп. – М.: Издательский Дом ЯСК, 2019. – 792 с. – (Studiaphilologica) ISBN 978-5-907117-32-7 (т. III)

7. K.D. Halimovna. Variability and Invariability in Fairy Tales (As the Example of the Translation of GrimmsFairy Tales).International Journal of Psychosocial ..., 2020.

8. Д.Х. Каримова Вариантность в переводе (на примере произведений братьев Гримм). Вестник науки и образования, 2019.

9. JumayevAkmalAxmatovich. The image of the crow in the German and Uzbek peoples. Buxorodavlatuniversitetiilmiyaxborotnomasi 1/2021. 90-100 S.

10. AkmalJumayev. Characteristic features of the image of stork in Germanand Uzbek fairy tales. Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR).TRANS Asian Research Journal (www.tarj.in). April 2020. S. 150-156

11. Jo’rayevaM.M.,HojiyevaG.S.O’zbekcha-fransuzchafransuzcha-o’zbekchalug’at(dictionnaire ouzbek-françaisfrançais-ouzbek). Musiqa va san’at sohasiga oid ikki tilli lug’at. Buxoro, 2019 . – B. 184.

12. ЖураеваМ.М. Модальность вариантности и инвариантности во французском языке. Вестник. Выпуск 63, №5, ЧелГУ, 2012. – С.45–47.

13. Juraeva M.M.Conte, genre précieux de la littérature. Point de vues des linguistes sur des contes. GIF. LangLit. An International Peer-reviewed Open Sccess Journal. V. 3, №2. India, 2016. – P.102–109. <https://moluch.ru/conf/phil/archive/108/5716/>

14. Juraeva M.M. CATEGORY OF MODALITY: RESEARCH AND INTERPRETATION. SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS International Scientific Journal. Theoretical & Applied Science, p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) Volume: 86/6. 2020.– P. 149-154.<http://www.t-science.org/arxivDOI/2020/06-86/PDF/06-86-29.pdf>

15. Juraeva M.M. Theoretical Views of Concept, Frame, Tale-Concept, Tale-Frame in Cognitive Linguistics. International Journal of Engineering and Advanced Technology (IJEAT) Volume-8, Issue-5S3, 2019. – P. 392-395. <https://www.ijeat.org/wp-content/uploads/papers/v8i5S3/E10840785S319.pdf>

16. Juraeva M.M. National-cultural similarities of uzbek and french folk tales. JCC Impact jounals (ISSN (P): 2374-4564) International Journal of Research in Humanities, Arts and Literature. V. 3, Issue-2. IJRHAL. 2015. – P.51–56.

https://scholar.google.com/scholar?hl=ru&as_sdt=0%2C5&q=juraeva+malohat

[&btnG=](#)

17. Juraeva M.M. The national, cultural and linguocognitive peculiarities of modality of the french and uzbek fairytales. GIF. LangLit. An International Peer-reviewed Open Sccess Journal. V.3, №2. 2016. India, 2016. – P. 81–86. https://scholar.google.com/scholar?hl=ru&as_sdt=0%2C5&q=juraeva+malohat&btnG=

18. Juraeva M.M. The use of modalities expressing national and cultural similarities in the Uzbek and French folk tales. МОЛОДОЙУЧЁНЬИЙ. ISSN 2072-0297. №8, 67. МолодойУчёный. Казань, 2014. – С. 947-950.

19. Juraeva M. Cognitive Peculiarities of Folk-Tales Structure in French and Uzbek

Languages. Young Scientist USA. HUMANITIES. Lulu, 2014. – P. 68–70. <http://www.YoungScientistUSA.com/>

20. Kuldasheva N.B. THEORETICAL VIEW POINTS OF LINGUISTS ON TERMINOLOGY. SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS International Scientific Journal. Theoretical & Applied Science, p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) 2019 Issue: 12 Volume: 80. 2019. – P. <http://T-Science.org>;

21. Kuldasheva N.B. Lexic-semantic Features of Sport Terms. International Journal of Engineering and Advanced Technology (IJEAT) Volume-8, Issue-5S3 2019. – P.376-378.

22. Kuldasheva N.B., Kuldashev A. SOME DIFFERENT DIFFICULTIES IN SPORTS EXERCICES. SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS International Scientific Journal. Theoretical & Applied Science, p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) Year: 2019 Issue: 12 Volume: 80 Published: 30.12.2019, <http://T-Science.org>;

23. Hojjeva G.S. LINGUVOCULARY PROPERTIES OF ART TERMS (On theexampleof French andUzbeklanguages). International Journal of Progressive Sciencesand Technologies (IJPSAT) Volume: 25 No. 1 2021, – P. 09-15. <https://ijpsat.ijsh-t-journals.org/index.php/ijpsat/article/view/2746/1628>

24. GulchehraHojjiyeva. NATIONAL IDENTITY AND LINGUISTICAL ANALYSIS OF TRANSLATION OF ART TERMS IN UZBEK LANGUAGE. Journal of Contemporary Issues in Business andGovernment. P-ISSN: 2204-1990. Vol. 27, No. 2, 2021. Pages 1651-1660. DOI: 10.47750/cibg.2021.27.02.174 https://cibg.org.au/article_9597.html

Интернет манбаалар

1. <https://www.waldorf-ideen-pool.de/Schule/uebergreifend/rhythmischer-teil/gedichte/unterstufengedichte/fabelgedichte/Der-Kranich-und-der-Wolf>
2. <http://shsu.am/media/journal/2015n1b/5.pdf>

THE IMAGE OF A SWALLOW IN UZBEK AND GERMAN FOLK TALES AND LEGENDS

Jumayev Akmal Axmatovich
Lecturer of the department of German and French, BSU

Annotation. The article analyzes the literary interpretation of birds, in particular, the swallow in Uzbek and German folk legends and fairy tales, in comparison with the characteristics, descriptions and definitions of the swallow in Greek and Egyptian mythology, as well as its similarities and differences are illustrated by the examples of German linguist Jacob Grimm, Johannes Wilhelm Wolf, and Uzbek folk tales.

Keywords: myth, fairy tale, legend, bird, swallow, spring messenger, symbol, church, dome.

In our nationality, the swallow is described as the herald of spring, the herald of happiness and goodness. This bird is also worshipped by other nations. As the swallow is one of the birds that have gained a wide symbolic meaning in the system of poetic thinking about birds of many peoples. For example, in Greek mythology, the swallow is associated with the goddess of beauty Aphrodite, and in one of the Greek legends it is said that she warned Alexander the Great of danger.

In Egyptian mythology, it is told that the goddess Isis flew in the guise of a swallow to search for the body of her husband Osiris.

Olga Mikhailovna Ivanova-Kazas, a professor at St. Petersburg State University and author of several fundamental monographs and popular science books, describes the swallow as a beacon of goodness and happiness in her books as "The Birds in Mythology, Folklore and Art" ("Птицы в мифологии, фольклоре и искусстве"). [4-83]. The swallow is also considered a symbol of the bride, a guardian of the house and food in some nations.

It is said that if a swallow makes a nest in the yard and lays eggs, in that house it will bring blessings, joy and happiness. In the beliefs of many peoples, including the Uzbek people, it is a sin to destroy a swallow nest. For this reason, older grandmothers also pitched a tent under the swallow's nest. There is an ancient belief among our people that if the flesh of the osprey is protected from all kinds of prayers, and if the swallow's wings are rubbed into the eyes, the eyes will be enlightened, and although it has not yet been scientifically proven, it is believed by older grandmothers.

According to a medieval legend, the appearance of swallows in countries where the plague was prevalent completely eradicated the disease.

The Uzbek folk tale "The Snake and the Swallow" and the fairy tale "The Swallow and the Bee" inspired by this myth tell of a swallow biting a bee's tongue so that it would save a person from being eaten by a snake and say that human flesh is the sweetest meat in the world. In the tale, the swallow asked the bee, "Which animal's meat is sweet?" The bee replied, "There is nothing sweeter

than human flesh." The swallow said, "Let me kiss your tongue because you know this." The bee stuck out its tongue. The swallow bit the bee's tongue.

Apparently, in the plot of the fairy tale, the swallow is embodied in the image of a man's friend. The story explains why the snake took revenge on the frog's flesh, why the bee chirped for no reason, and how the human child took the swallow as his friend.

According to another legend, the snake bit the swallow's tail when it tried to bite the bee's tongue, leaving the swallow's tail in the form of open scissors.

It can be seen that in German mythology a special treatment was given to the swallow. According to Jacob Grimm German, anyone who kills a swallow will call for four weeks of rain. And again, if the swallow builds a new nest in the yard or house that it used to build, it is interpreted that one of the members of the household will die [5-129].

In our people, the swallow is called the spring precursor, and the stork is called the summer precursor. German nature and climatic conditions are different from our country. Nevertheless, Jacob Grimm recognizes the German swallow and stork as the spring precursor[5-723].

Johannes Wilhelm Wolf's "Deutsche Märchen und Sagen" ("German Folk Tales and Legends"), which is kept in the National Library of Germany, tells the story of "Die verjagten Schwalben". This work was written in the old German alphabet and published in 1845.

In the Uzbek people, it is said that if a flying bird throws manure on someone's head or shoulders, it is a blessing.

In the story of Johannes Wilhelm Wolf, when a bishop named Egbert was taking his grandson to St. Peter's Church in Trier, he was furious that a swallow had thrown manure on his head and cursed it not to be able to land on the church domes and to die.

In conclusion, it can be said that the image of birds is embodied in the myths and fairy tales of different peoples and nations in similar or dissimilar images. The swallow is no exception. In particular, in Uzbek and German mythology and folk tales, the swallow is interpreted differently. It should be noted that fairy tales and the images in them are the product of the dreams and aspirations of peoples formed over the years. All fairy tales form and nurture in people such characters as kindness, humanity, compassion, hardworking and patriotism.

Адабиётлар:

1. Yettioqush: Olmonxalqertaklari: O'rta maktab yoshidagi bolalar uchun: Olmon tilidan X.Rahimov va Sh Salimova tarj.; tahrir hay'ati E. Vohidov va boshq. – T.: Cho'lpon, 1990. – 304 b.

2. Karimova Dilafro'z Halimovna. Aka-uka Grimmlarning "Bixumchashovla" ertagining tarjimaviy variantlarini qiyosi. // "Ilm sarchashmalari" Urganch davlat universitetining ilmiy-metodik jurnali. – Urganch, 2021. – 4-son. – B. 166-171.

3. Nemischa-o'zbekcha lug'at [Matn] / A.A. To'laganov [va boshq.]. – Buxoro: “Sadridin Salim Buxoriy” Durdona nashriyoti, 2008. – 812 b.
4. Ivanova-Kazas O.M. Ptisivmifologii, folkloreiiskustve. – S.-Peterburg: «Nestor-Istoriya», 2006. – 172 s. – [ISBN 5-98187-160-1](https://books.google.co.uz/books?id=Cijc-06W6d0C&pg=PA723&lpg=PA723&dq=schwalbe+in+der+deutschen+mythologie&source=bl&ots=9PQAFiFLCr&sig=ACfU3U3E-axi7DWFHDvfwTiFARl3pipYAw&hl=ru&sa=X&ved=2ahUKewiHhq-Oz9XvAhVF-joKHclkAFw4ChDoATAAegQIBBAD#v=onepage&q=schwalbe%20in%20der%20deutschen%20mythologie&f=false)
5. Grimm Yakob. Germanskayamifologiya. T. III / Per., komment. D.S. Kolchigina. Podred. F.B. Uspenskogo. – 2-yeizd., dop. – M.: Izdatelskiy Dom YaSK, 2019. – 792 c. – (Studiophilologica) ISBN 978-5-907117-32-7 (т. III)
6. A.A. Jumayev. ARTISTIC INTERPRETATION OF RELIGIOUS VIEWS RELATED TO BIRD FEATHER IN UZBEK AND GERMAN FAIRY TALES. «Тил, адабиёт, таржима, адабий танқидчилик халқаро илмий форуми: замонавий ёндашувлар ва истикболлар» халқаро илмий-амалий анжумани материаллари. Бухоро – 2021. – 666 бет.
7. A.A. Jumayev. ARTISTIC INTERPRETATION OF NIGHT BIRDS IN FOLK TALES. «Тил, адабиёт, таржима, адабий танқидчилик халқаро илмий форуми: замонавий ёндашувлар ва истикболлар» халқаро илмий-амалий анжумани материаллари. Бухоро – 2021. – 666 бет.
8. <https://books.google.co.uz/books?id=Cijc-06W6d0C&pg=PA723&lpg=PA723&dq=schwalbe+in+der+deutschen+mythologie&source=bl&ots=9PQAFiFLCr&sig=ACfU3U3E-axi7DWFHDvfwTiFARl3pipYAw&hl=ru&sa=X&ved=2ahUKewiHhq-Oz9XvAhVF-joKHclkAFw4ChDoATAAegQIBBAD#v=onepage&q=schwalbe%20in%20der%20deutschen%20mythologie&f=false>
9. <https://books.google.co.uz/books?id=y6JTAAAcAAJ&pg=PA423&dq=schwalbe+in+der+deutschen+m%C3%A4rchen&hl=ru&sa=X&ved=2ahUKewj2qqih7dXvAhXDk4sKHYMSDVkQ6AEwAHoECAEQAg#v=onepage&q=schwalbe%20in%20der%20deutschen%20m%C3%A4rchen&f=false>
10. Jo'rayeva M.M., Hojiyeva G.S. O'zbekcha-fransuzcha fransuzcha-o'zbekcha lug'at (dictionnaire ouzbek-français français-ouzbek). Musiqa va san'at sohasiga oid ikki tilli lug'at. Buxoro, 2019. – B. 184.
11. Жураева М.М. Модальность вариантности и инвариантности во французском языке. Вестник. Выпуск 63, №5, ЧелГУ, 2012. – С.45–47.
12. Juraeva M.M. Conte, genre précieux de la littérature. Point de vues des linguistes sur des contes. GIF. LangLit. An International Peer-reviewed Open Access Journal. V. 3, №2. India, 2016. – P.102–109. <https://moluch.ru/conf/phil/archive/108/5716/>
13. Juraeva M.M. CATEGORY OF MODALITY: RESEARCH AND INTERPRETATION. SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS International Scientific Journal. Theoretical & Applied Science, p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) Volume: 86/6. 2020. – P. 149-154. <http://www.t-science.org/arxivDOI/2020/06-86/PDF/06-86-29.pdf>
14. Juraeva M.M. Theoretical Views of Concept, Frame, Tale-Concept,

Tale-Frame in Cognitive Linguistics. International Journal of Engineering and Advanced Technology (IJEAT) Volume-8, Issue-5S3, 2019. – P. 392-395.
<https://www.ijeat.org/wp-content/uploads/papers/v8i5S3/E10840785S319.pdf>

15. Juraeva M.M. National-cultural similarities of uzbek and french folk tales. JCC Impact journals (ISSN (P): 2374-4564) International Journal of Research in Humanities, Arts and Literature. V. 3, Issue-2. IJRHAL. 2015. – P.51–56.

https://scholar.google.com/scholar?hl=ru&as_sdt=0%2C5&q=juraeva+malohat&btnG=

16. Juraeva M.M. The national, cultural and linguocognitive peculiarities of modality of the french and uzbek fairytales. GIF. LangLit. An International Peer-reviewed Open Sccess Journal. V.3, №2. 2016. India, 2016. – P. 81–86.

https://scholar.google.com/scholar?hl=ru&as_sdt=0%2C5&q=juraeva+malohat&btnG=

17. Juraeva M.M. The use of modalities expressing national and cultural similarities in the Uzbek and French folk tales. МОЛОДОЙУЧЁНЫЙ. ISSN 2072-0297. №8, 67. МолодойУчёный. Казань, 2014. – С. 947-950.

18. Juraeva M. Cognitive Peculiarities of Folk-Tales Structure in French and Uzbek

Languages. Young Scientist USA. HUMANITIES. Lulu, 2014. – P. 68–70.
<http://www.YoungScientistUSA.com/>

19. Kuldasheva N.B. THEORETICAL VIEW POINTS OF LINGUISTS ON TERMINOLOGY. SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS International Scientific Journal. Theoretical & Applied Science, p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) 2019 Issue: 12 Volume: 80. 2019. – P.<http://T-Science.org>;

20. Kuldasheva N.B. Lexic-semantic Features of Sport Terms. International Journal of Engineering and Advanced Technology (IJEAT) Volume-8, Issue-5S3 2019. – P.376-378.

21. Kuldasheva N.B., Kuldashev A. SOME DIFFERENT DIFFICULTIES IN SPORTS EXERCICES. SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS International Scientific Journal. Theoretical & Applied Science, p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) Year: 2019 Issue: 12 Volume: 80 Published: 30.12.2019, <http://T-Science.org>;

22. Hojyeva G.S. LINGUVOCULARY PROPERTIES OF ART TERMS (On theexampleof French andUzbeklanguages). International Journal of Progressive Sciencesand Technologies (IJPSAT) Volume: 25 No. 1 2021, – P. 09-15. <https://ijpsat.ijsh-t-journals.org/index.php/ijpsat/article/view/2746/1628>

23. GulchehraHojiyeva. NATIONAL IDENTITY AND LINGUISTICAL ANALYSIS OF TRANSLATION OF ART TERMS IN UZBEK LANGUAGE. Journal of Contemporary Issues in Business andGovernment. P-ISSN: 2204-1990. Vol. 27, No. 2, 2021. Pages 1651-1660. DOI: 10.47750/cibg.2021.27.02.174 https://cibg.org.au/article_9597.html

MAQOLLAR HAR BIR XALQNING O'ZLIGINI IFODALOVCHI BEBAHO ME'ROSIDIR

Jurayev Nurbek Djumanazarovich
Qarshi davlat universiteti, Xorijiy tillar fakulteti,
Ingliz tili va adabiyoti kafedrası o'qıtuvchisi
E-mail: nurbekjurayev6363@gmail.com
Tel: +998914536363
Husanova Zebiniso O'ktamqizi
Qarshi davlat universiteti, Xorijiy tillar fakulteti talabasi
+998912205303

Abstract. The following article deals with information about the diversity of proverbs that reflect the uniqueness of today's peoples. There are also opinions about the differences between quotations and folk sayings.

Keywords: Uzbek folk proverbs, English folk proverbs, scholars, metaphor, quotations.

Annotatsiya. Maqolada bugungi kun xalqlarining o'ziga xosligini ifodalovchi maqollarning rang-barangligiga oid ma'lumotlar haqida so'z yuritiladi. Shu bilan bir qatorda iqtiboslar va xalq maqollarining farqlari haqida fikrlar ham keltirib o'tiladi.

Kalit so'zlar: o'zbek xalq maqollari, ingliz xalq maqollari, olimlar, metafora, iqtibos.

Har birmillatning o'zigaxosligini ifodalovchi asosiy omillardan birib uuningq adimo'tmishigaboribtaqaluvchivauniyorituvchi Xalq og'zaki ijodi namunalaridir deyish xato bo'lmaydi. Har bir tilning o'ziga xos boyligi, bo'yoqdorligi uning ma'naviy merosida namoyon bo'ladi, jumladan: maqollar. Maqollar eshitish, o'qish yoki ishlatishda juda sodda va ravshan ko'rinadi va shu bilan birga ular shaxslararo munosabatlarda, siyosiy nutqda, ommaviy axborot vositalarida xatto reklama va multfilmlarda juda samarali aloqa usullarini tashkil etadi.

Filologiya fanlari doktori To'ra Mirzayev maqollarni tadqiq qilish haqida shunday deydi: "Maqollarga adabiy nuqtayi nazardan qiziqish, asar badiiyligini oshirish va badiiy til ravonligini ta'minlash uchun undan foydalanish hamma zamon so'z san'atkorlarining diqqat markazida bo'lgan. Yusuf Xos Hojib, Ahmad Yassaviy, Rabg'uziy, Lutfiy, Alisher Navoiy, Bobur, Abulg'azi Bahodirxon, Munis, Ogahiy, Nodira, Muqumiy, Furqat, Avaz, Hamza, Sadridin Ayniy, Fitrat, Cho'lpon, Abdulla Qodiriy, Oybek, G'afur G'ulom va boshqa o'nlab ijodkorlarning asarlarini sinchiklab o'rganilsa, ularning tarkibida qanchadan qancha maqollar ba'zan aynan, ba'zan o'zgargan holda mavjudligiga ishonch hosil qilamiz."

Shubhasiz, insonlar o'zlarining nutqlariva yozuvlariga metaforaviy bo'yoqdorlikni qo'shish orqali qisqa jumla bilan ko'p ma'noni anglatish uchun

bunday an'anaviy "bayt"larga muhtoj. Maqollar bugungi kunda ham huddi o'tmishda bo'lganidek, do'stlik, yaxshilik, fidoiylilik, Vatanparvarlik, shu bilan birga dushmanlik, yomonlik, xudbinlik, sadoqatsizlik kabi ijtimoiy mavzular va insoniy tushunchalarni tayyor ifoda etish uchun tayyor formula sifatida yangramoqda. Bunga isbot sifatida maqollar oilada, ish joyida va insonlarning har qanday fikr almashinuvi jarayonida kundalik hayotning bir qismi bo'lgan ko'plab tajriba va kuzatuvlarga asoslangan foydali qo'llanmalardir.

"Maqollar turli xalqlar nutqida uzoq davrlardan beri yashab kelmoqda. Insoniyat paydo bo'libdiki, u atrof-muhit, jamiyat, siyosat, tarbiyat, iqtisodiyot va tibbiyot haqida fikr yuritib xulosa chiqaradi" [Jurayev.4b] Darhaqiqat, chiqarilgan bunday xulosalar insonlarni xato qilishdan, gunohlar girdobiga tushib qolishdan, insonlarga, jamiyatga va tabiatga zarar keltirishdan saqlab turadigan samarali yechimdir.

Turli jihatdan maqollar juda ko'p ishlatiladigan iqtiboslardan farq qilmaydi. Ular orasidagi eng katta farq, albatta, ularning yaratilish va o'tmish tarixidir. Mashhur iqtiboslarning muallifi deyarli doim ma'lum, aksariyat maqollarning yaratuvchisi mavhumdir. Ikkala janrning umumiy bir jihati shundaki, ular ikkalasi ham ko'p ma'noni anglatuvchi qisqa jumla sifatida og'zaki va yozma nutqda erkin qo'llaniladi. Iqtiboslar odatda o'zi tegishli bo'lgan muallif nomi bilan birga keltirilsa, maqollar esa bunday aniq ma'lumotlarsiz ishlatiladi. Chunki uning muallifi xalqdir. Lekin ba'zi bir iqtiboslar ma'lum bir vaqt o'tgandan so'ng maqollarga aylanishi mumkin. Bu ularning takror va takror qo'llanishi bilan bog'liq.

Bunga, Abu Rayhon Beruniyning "Ne'matning qadri u yo'qolganda bilinadi." Yoki Alisher Navoiyning "Seni yomonlikka boshlagan kishi dushmaningdir." degan hikmatli so'zlari yaxshi misol bo'la oladi.

"Mahmud Qoshg'ariyning "Devoni lug'atit-turk" asarida ham turli xil maqollar o'rin olganki, vatanparvarlik, mehnatsevarlik, hamjihatlilik, vafodorlik, mardlik kabi mazmundagi namunalar keltirilgan. Bu maqollardaxalqimizning shakllanib kelayotgan millat xalq ekanligini ko'rsatib o'tiladi." [Ikromova L.B.2021.3b]

Lord Jon Rassel bu xazinani shunday ta'riflaydi: "A proverb is the wit of one, and the wisdom of many." Ya'ni maqol bir odamning so'zamolligi va ko'p odamning donishmandligi mahsulidir.

Xulosa o'rnida maqolni hech ikkilanmay xalqning ko'p asrlik tajribalari yig'indisini bir nechta qisqa jumlada jamlagan mitti xazina deb aytish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

- 1] T.Mirzayev So'zdan so'zning farqi bor.Umid Bekmuhammad. Dunyoga tarqalgan o'zbek xalq maqollari -Toshkent.Sharq.2005.
- 2] N.D. Juraev Ingliz va O'zbek tillaridagi "til va nutq" tematik guruhiga kiruvchi maqollarning semantik va lingvostatistik xususiyatlari: Magistrlik dissertatsiyasi, Toshkent. 2016.

3] L.B.Ikromova Chet tillarini o'rganishning turlicha yondashuvlari: muammo va yechimlar.Jizzax.2021.

НЕМИС АДАБИЁТИ ТАРИХИДА ҒАРБ ВА ШАРҚ МУШТАРАКЛИГИГА БИР НАЗАР

Маҳмудов Алишер
PhD, ҚаршиДУ

Аннотация. Мақолада Ғарб ва Шарқ мутафаккирлари ижодининг илм-фан, ижодий тафаккур ривожига давр билан қиёсланган. Ҳар иккала ҳолатда ҳам эришилган улкан ютуқлар иккала миллат ҳаёти, уларнинг фалсафасига катта эътибор қаратилган. Шу билан бирга миллатлар тили ва адабиёти давлат даражасига олиб чиқилгани, жаҳон маданиятининг буюк дурдоналари яратилгани юқоридаги фикрларимизни тасдиқлайди.

Аннотация. В статье сравнивается творчество западных и восточных мыслителей с периодом развития науки и творческого мышления. В обоих случаях огромные успехи были достигнуты в жизни обеих наций, с большим упором на их философию. Вместе с тем, то, что язык и литература народов доведены до государственного уровня, созданы великие шедевры мировой культуры, подтверждает сказанное.

Annotation. The article compares the work of Western and Eastern thinkers with the period of development of science and creative thinking. In both cases, great strides have been made in the lives of both nations, with great emphasis on their philosophy. At the same time, the fact that the language and literature of peoples have been brought to the state level, great masterpieces of world culture have been created, confirms what has been said.

Калит сўзлар: бетакрор маданияти ва миллий қадрият, диний-фалсафий қарашлар, сиёсий тизим, муштараклик, эзгу ғоялар

Ключевые слова: уникальная культура и национальные ценности, религиозные и философские взгляды, политическая система, общности, благородные идеи

Key words: unique culture and national values, religious and philosophical views, political system, communities, noble ideas

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” номли китобида таъкидлаганидек, ...энг аввало, ёшлар ва аҳоли ўртасида мамлакатимизнинг бой тарихини, унинг бетакрор маданияти ва миллий қадриятларини кенг тарғиб қилиш, жаҳон илм-фани ва адабиёти ютуқларини етказиш учун зарур муҳит ва шарт-шароит яратиш ҳақида бормоқда.

Дарҳақиқат, ўзбек китобхони жаҳон цивилизациясини маданий миллат аталмиш буюк халқлар билан бир қаторда инсониятнинг эзгу орзу

ва истаклари акс этган асарлардан бахраманд бўлиш баробарида, унинг ўзи ҳам жаҳон афкор оммасининг талаби ва маданиятига мос юксак бадий тафаккур намуналарини яратиб, жаҳон маданияти хазинасини бойитиб бормоқда.

Барчамизга маълумки, Қадимги Ғарб фалсафий таълимоти Шарқ, айниқса, Бобил ва Мисрнинг илм-фан ютуқлари негизида шаклланди. Милоддан аввалги IX-VI асрларда Ҳиндистон, Хитой ва Марказий Осиё мамлакатларида вужудга келган билимлар ва диний-фалсафий қарашлар антик дунё фалсафасининг тараққий этишида муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳақдаги фикрлар Ҳомер (Homeros IX Jh.v.u.Z.), Ҳеродот (Herodotos, 484-425 v.u.Z) ва Плутарх (Plutarchos, 46-125) каби тарихчиларнинг асарларида баён қилинган.

Шарқ ва Ғарб ўртасидаги илк савдо, иктисодий ва маданий алоқалар ўрнатилиши милоддан аввалги VIII-VI асрларга тегишли бўлиб, Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган Кичик Осиё шаҳарлари – Милет ва Эфес шаҳарлари муҳим роль ўйнаган. Бу шаҳарларда чуқур ижтимоий муносабатлар ўрнатилганлиги боис, юнон фалсафаси, фани ва маданиятнинг бешиги ҳисобланади.

Ғарбий Европада XII аср охири ва XIII аср бошларида кўпгина шаҳарлар ривожланиб, айримлари савдо марказлари сифатида ривож топди. Дарҳақиқат, маданият ва маърифат ўчоқлари бўлган бу шаҳарларда фалсафий ва илмий-маърифий китобларни асраб-авайлаш ва тарқатиш ишлари йўлга қўйилди. Шу даврдан бошлаб Ғарб ва Шарқ илми ва фалсафаси муштарак ҳолда ўрганила бошлади. Асрлар ривожини ва маданиятлар тараққиёти шаҳарларда таъминланган. XII асрнинг ўрталарида араблардан қайтариб олинган Толедо ҳамда Палермо шаҳарларида араб ва яҳудий фани ва фалсафаси мактаблари мавжуд бўлган. Бу даврда епископ Раймунд бошчилигидаги таржимонлар гуруҳи тузилиб, араб тилида ёзилган барча китобларни латин тилига таржима қила бошлашган. Шу йўсинда ўрта аср Европа шарқшунослари Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Форобий, Ибн Сино, Ал-Хайсам, Ибн Рушд ва бошқа Шарқ алломаларининг ижодлари билан яқиндан танишдилар.

Европа илк Уйғониш даврининг буюк шоири, публицисти, файласуф ва сиёсий арбоб Данте Алигъери (Dante Alighieri, 1265-1321) илмий дунёқарашини шаклланишида Шарқ файласуфлари ҳақида яратилган фалсафий таълимотлар катта аҳамиятга эга. Данте қадимги дунё донишмандлари ва қаҳрамонлари қаторидан Шарқ донишмандлари ибн Сино ва ибн Рушд борлигини “Илоҳий комедия” асрида ифодалаган.

Бу ҳақда немис адабиёти маърифатпарвари ва санъат назарийчиси Готтхольд Эфраим Лессинг (Gotthold Ephraim Lessing, 1729-1781) шундай фикрларни билдирган:

Die Weltweisen, ja Gottesgelehrte selbst hätten es besser überlegen sollen, ehe sie die Schöpferwürde einem ohnmächtigen Geschöpfe zugeeignet

hätten. Sie schaffen aber lauter Abenteuer, wie aus der Miltonischen Gespenster – und Geisterhecke, aus Dantes Hölle mit Ersetzen zu ersehen ist. [2:358]

Диний таълимотларни тарғиб қилган дунё мутафаккирлари ижодкорлар тоифасини жаҳон афкор оммасига яқиндан таништирди. Лекин улар Дантенинг дахшатли лавҳани тасвирлаган “Дўзах” асари (“Илоҳий комедия” асари назарда тутилган – А.М.), Милтон томонидан ифодаланган тимсоллар ва васиятлардаги каби ҳақиқий саргузаштларни яратишди. (таржима бизники – А.М.)

Данте ўз асарларида нариги дунёнинг хаёлий картинасини чизиш учун қадимги Эрон ва Туронда кенг тарқалган зардуштийлик ва ислом таълимотларидан фойдаланган. Асарларида нариги дунё, хусусан дўзах, аъроф ва жаннат ҳақидаги фикр-мулоҳазалари Шарқ ва Ғарб маданиятининг ўзаро муштараклиги асосида ифодаланган.

Дантени сарсон-саргардон бўлишига, Галилейни тиз чўкишга мажбур қилган, Жордано Брунони ўтда ёққан Италия воқелигидан, француз миллатини инқилобий фаол бўлишга ундаган Жан Жак Руссо, қабоҳатларга уруш бошлаган Робеспьерлар мансуб бўлган француз воқелигидан кескин фарқ қилувчи немис воқелигининг уч юз йиллик ривожини таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш учун қуйидагиларга эътибор қаратдик.

XVII аср XIX асрнинг бошлари немис миллатининг даҳосини дунёга танитган Исаак Ньютон (Isaak Newton, 1642-1727)дан Йоханн Вольфганг Гёте (Johann Wolfgang von Goethe, 1749-1832)гача бўлган тадрижий ўзгаришлар давридир. Бу даврни биз нафақат ижтимоий, балки маънавий жиҳатдан мамлакатимиздаги Мирзо Улуғбек (1394-1449)дан Алишер Навоий (1441-1501) вафотигача бўлган илм-фан, ижодий тафаккур ривожига давр билан қиёслаш мумкин. Ҳар иккала ҳолатда ҳам табиий фанлар борасида эришилган улкан ютуқлар иккала миллат ҳаёти, уларнинг фалсафасига катта кўрсатди. Шу билан бирга миллатлар тили ва адабиёти давлат даражасига олиб чиқилгани, жаҳон маданиятининг буюк дурдоналари яратилгани юқоридаги фикрларимизни тасдиқлайди. Немис миллатига хос ўзаро бирлашиш ва мустақил яшаш орқали ўзлигини намоён қилиш ғояси улкан кашфиёт ва ижод чўққиларига етаклаган бўлса, бизнинг миллатимизга хос миллий мустақилликни асраш ва мустаҳкамлаш ғояси халқимизни яқдиллик сари ундайди. Бундай пайтда ҳар бир халқ ўзининг буюк алломалари ва уларнинг улкан ишлари билан фахрланиб яшайди.

Немис халқининг илм-фани ва адабиётини оламга намоён эта олган вакиллари Йоханн Винкельман (Johann Joachim Winckelmann, 1717-1768), Готтхольд Эфраим Лессинг, Гёте ўша даврдаги сиёсий тизимнинг тазйиқи туфайли ўз мамлакатини ташлаб чиқиб кетишга ва муҳожирликда ҳаёт кечиришга мажбур бўлишган. Ана шундай оғир вазиятда ҳам эзгу ғояларни ифода этиш орқали немис адабиёти ижтимоий аҳамиятга молик маънавий куч олиб турди. Ўша даврда Германияда Г.Э.Лессинг,

Ф.Шиллер, Й.В.Гёте каби шоир ва ёзувчиларнинг драматик асарлари, шеърлари ва мақолаларига қизиқиш катта эди. Ўзбек адабиётида «навоийхонлик», «бобурхонлик» каби немис адабиётида «лессингхонлик», «гётехонлик» номли адабий мактаблар вужудга келди.

Шарқ ва Ғарб маданиятининг ўзаро муштараклигини чуқур англаб, шу соҳада инсоният тарихида ўчмас из қолдирган мутафаккирларнинг билимларига ва эзгу ғояларига таяниб, фалсафий муаммоларнинг ечимини топишда изланишлар давом этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Тошкент – “Ўзбекистон” – 2017.

2. Lessing G.E. Gesammelte Werke. Band III. Aufbau-Verlag Berlin, 1954.

МУҲИТ ВА ШАҲС ТАСВИРИДА МУШТАРАКЛИК

Муродов Ғ.Н.

филология фанлари доктори

БухДУ профессори.

П.Қодиров Захириддин Бобурнинг кўп қиррали, мураккаб, олижаноб характери бадий матнда бунёд этар экан, бир тарафдан мана шундай баҳо ва эътирофларга, иккинчи тарафдан эса тарихий шахс ҳақидаги тарихий манба ва материалларга суяниб иш кўрган.

Романдаги бош қаҳрамон образи тарихий давр, психологик, маданий муҳит, сиёсий, иқтисодий, фалсафий муаммолар билан алоқадорликда юзага келтирилган.

Роман бадий шаклининг, муаллиф бадий концепциясининг талаб ва қонуниятларига кўра бадий матндаги барча йирик ва кичик муаммолар етакчи қаҳрамон доирасида марказлаштирилган.

“Юлдузли тунлар”да Бобурнинг болалик (12 ёш)дан ўлимига қадар бўлган ҳаёти бадий акс этирилган. Бинобарин, романдаги бош қаҳрамон характери шаклланиш жараёнида кўрсатилган.

Бош қаҳрамон (тарихий шахс) характери диалектик тараққиётда кўрсатиш жиҳатидан “Юлдузли тунлар” Марказий Осиё тарихий романчилигининг етук намунаси “Абай йўли” роман-эпопеяси билан муштарак.

“Абай йўли”даги Абай, “Юлдузли тунлар”даги Бобур характерлари бадий сюжет, шунингдек, давр тараққиёти билан боғланишда ўсиб-ўзгариб, ривожланиб боради.

Икки катта эпик асар (роман-эпопея, роман) тарихий шахс ҳаёт йўлини нисбатан кенг қамраб олиши билангина эмас, қаҳрамон ва

тарихий-психологик муҳит муносабатларини, зиддиятларини чуқур, драматик ифодалагани жиҳатидан ҳам ўзаро яқин, ҳамоҳангдир.

М.Авезов роман-эпопеясининг бош қаҳрамони Абай Қўнонбоев – етук маърифатпарвар, комил шахс, инсонпарвар жамоат арбоби, халқчил шоир нобоп муҳит, адолатсиз давлат тузуми (чор мустамлакачилиги курилмаси), уруғ-қабилалар низоси оқибатида ўзи кўзлаган ният-идеаллар (адолатли давлат, миллий бирлик, халқ, жамият фаровонлиги)га эриша олмайди. Аммо, ўз навбатида, давр, тузум, муҳит тазйиқлари ҳам Абай сингари кучли, иродали, етук шахсни синдириш, уни ўз измига солиш қудратига эга эмас.

Роман-эпопеяда уюшган, кучли, зулмкор муҳит ва ўз даврдан илгарилаб кетган буюк инсонпарвар тарихий шахс орасидаги муросасиз, шиддатли тўқнашув-қарама-қаршиликлар жуда кескин, драматик лавҳаларда бадиий ифода этилган.

Тарихий-психологик муҳит (XV асрнинг охири – XVI аср бошларидаги Мовароуннаҳр, Афғонистон, Ҳиндистон) ва бош қаҳрамон (Заҳриддин Муҳаммад Бобур) орасидаги ғоят мураккаб, кескин, муросасиз муносабатлар силсиласи “Юлдузли тунлар” бадиий конфликтини юзага чиқарган.

Нобоп муҳит, унинг салбий намояндалари, даврнинг адолатсиз, нохуш тамойил-одатлари билан тўқнашиш қаҳрамон ҳаёти, тақдири, психикаси, характериға ўз таъсирини ўтказса-да, аммо уни тўла ўз гирдобига торта олмайди. Муҳит билан олишув, кураш қаҳрамон характерини шакллантира боради, унинг ҳақиқий моҳиятини юзага чиқаради.

“Ёзувчининг реалистик маҳорати, – деб ёзган эди адабиётшунос У.Норматов, – кучли, мураккаб шахс – Бобур билан уни қуршаган муҳит, шароит орасидаги муносабатни очишда кўринади”¹.

Дарҳақиқат, шахс ва муҳит орасидаги кўп қиррали, кенг, мураккаб психологик, тарихий, ахлоқий-маънавий муносабатларни, ўткир зиддиятларни тасвирлаш реалистик романнинг асосий хусусиятларидан биридир. Бундай муносабат ва зиддиятлар тасвири, шубҳасиз, роман матни тарихийлигини, ҳаққонийлигини, бадиий жозибасини таъминлайди, қаҳрамон характерининг тўлақонли, ҳаётий, тарихий тараққиёт қонуниятларига монанд бўлишиға имкон беради. Шунингдек, роман тафаккури, бадиий образ худудини кенгайтиради.

Муҳит ва инсон орасидаги ўткир, кўп ҳолларда бешафқат ва муросасиз зиддият тасвири – жаҳон эпик, хусусан, драматик адабиётидаги муҳим хусусиятлардан бири. А.Навоийнинг “Лайли ва Мажнун”, У.Шекспирнинг “Ҳамлет”, Л.Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” “Анна Каренина”, М.Шолоховнинг “Тинч Дон” лиро-эпик, драматик ва эпик

¹Норматов У. Етуклик. – Тошкент: Адабиётвасанъат, 1982. – Б. 220.

асарларида қаҳрамон ва у яшаб турган мавжуд шарт-шароит орасидаги қарама-қаршиликлар юксак санъаткорона маҳорат билан тасвирланган.

Буюк ижодкорлар бундай тасвир орқали инсон (қаҳрамон) руҳий-маънавий куч-қудрати, заковати, иродасининг олий мақомларини, бир шахснинг бутун бир даврга, нобоп муҳитга қарши исёнкорона, қаҳрамонона курашини бадиий ифода этганлар. Муҳит ва бош қаҳрамон орасидаги мураккаб психологик муносабатлар мажмуи, айниқса, улар орасидаги муайян дунёқарашлар, таълимотлар, назариялар асосидаги зиддиятлар Марказий Осиё тарихий романчилигида муҳим ўринни ишғол этади.

Масалага шу нуқтаи назардан кенгроқ, чуқурроқ қаралса, нафақат “Юлдузли тунлар” ва “Абай йўли”, шунингдек, “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён”, “Навоий”, “Улуғбек хазинаси” каби романлар ўртасидаги муштарақликларни, алоқа-боғланишларни кўриш мумкин.

“Ўткан кунлар”даги Отабек ва Юсуфбек ҳожи, “Навоий” романидаги А.Навоий, “Абай йўли”даги А.Қўнонбоев, “Улуғбек хазинаси”даги Мирзо Улуғбек ўз интеллектуал-маданий савияси, фикрлар тизими, инсонпарварлик, халқпарварлик идеаллари жиҳатидан ўз замони, даври дунёқарашини, тамойилларидан юксак турган етук шахслардир.

П.Қодиров устод ва замондош адиблар бадиий тажрибасида ишланган, ўзига хос адабий анъаналар силсиласига эга “муҳит ва шахс” муносабатларини “Юлдузли тунлар” асарида реалистик роман, бадиий-фалсафий концепция нуқтаи назаридан тасвирлар экан, мавжуд бадиий ютуқ, изланишларни ижодий ўрганиш-ўзлаштириш билан бир қаторда бу масалага ўз (индивидуал) нуқтаи назарлари, хос қарашлари билан ёндашишга интиланган.

Инсонга, инсониятга хос муштарақ хусусиятлар, табиийки, бадиий ижодга, адабий қаҳрамон, бадиий матн структурасига ўз таъсирини ўтказган ва ўтказиб келмоқда.

Кучли, фавқулодда шахс билан мавжуд муҳит орасидаги зиддият, одатда, қуйидагича интиҳо топади: 1) шахс муҳит тазйиқига қарши исён кўтаради, кучлар нисбати нотенглигидан қаҳрамонларча ҳалок бўлади (Шекспирнинг “Ҳамлет” фожиаси), фаолият, кураш майдонидан узлатга чекинади (А.Қодирий, “Ўткан кунлар” – Юсуфбек ҳожи), муҳит шахсни ўз ҳукмига бўйсундиради, уни муросага боришга мажбур қилади (О.Ёқубов, “Улуғбек хазинаси” – мавлоно Муҳиддин).

Бу ҳолат ва натижалар тарихий-психологик муҳитнинг аҳволи, дунёқарашини, иқтисодий-ижтимоий тузум ва ниҳоят, шахснинг ички-маънавий хусусиятлари билан боғлиқ.

Умуман олганда, қиёсий-типологик, аналитик ва структурал-семиотик таҳлил ва тадқиқлар “Юлдузли тунлар” роман, хусусан, тарихий роман тарзида Марказий Осиё, жузъий равишда қаралганда, ўзбек эпик

Марказ

адабиётининг замонавий босқичида ўзига хос адабий-бадий ҳодиса бўлганлиги, тарихий материал ва бадий тўқима уйғунлиги ва яхлит бадий майдонга эгаллиги, сюжет-композицион қурилмаси пишиқ ишланганлигидан далолат беради.

“Юлдузли тунлар” (“Бобур”)нинг бевосита давоми бўлган “Авлодлар довоми” (“Хумоюн ва Акбар”)да П.Қодировнинг дастлабки тарихий романидаги мавзу, хронотоп, фалсафий-бадий концепция давом эттирилди. Натижада роман-диалогия яхлит ҳолда темурийларнинг уч авлоди (Бобур-Хумоюн-Акбар) ва халқ тарихининг йирик даврини бадий инъикос эттирди.

Адабиёт

Авезов М. Абай йўли. Биринчикитоб. – Тошкент: Ўзбекистондавлатбадийадабиётнашриёти, 1957. - 462 б.

Авезов М. Абай йўли. Иккинчикитоб. – Тошкент: ЎзССР Давлат бадийадабиётнашриёти, 1960. — 492 б.

Норматов У. Етуклик. – Тошкент: Адабиётвасанъат, 1982. – Б. 220.

Қодиров П. Юлдузлитунлар. (Бобур). Тарихий роман. - Тошкент: Шаркматаанашириёти. 1999. – 543 б.

ОПЫТ ИЗУЧЕНИЯ АНТИУТОПИИ В ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИИ УЗБЕКИСТАНА

Пулатова Виктория Искандеровна
докторант кафедры русского литературоведения
Национальный университет Узбекистана
vickyft9@mail.ru

Annotation. A review of research works existing in native literary study which are devoted to the analysis of dystopian genre as well as to principles of its completion is given in this article.

Key-words: genre, dystopia, novel of prevention, chronotope, conflict

Аннотация. В статье проводится обзор существующих в отечественном литературоведении научных работ по анализу жанра антиутопии, а также принципов его осуществления.

Ключевые слова: жанр, антиутопия, роман-предупреждение, хронотоп, конфликт

Антиутопические произведения играли знаковую роль в мировом литературном процессе XX века. Ставшие результатом глобальных потрясений того периода, они отразили дегуманизацию культуры и гибель человеческой личности. Согласно определению «Словаря литературоведческих терминов» М.Н. Низамовой и И.Ф. Борисовой, антиутопия – литературный жанр, представляющий вымысел, изображение постепенного или катастрофического отчуждения людей, отмирание их

индивидуальных свойств и превращение в элементы – приатки Системы. В отличие от утопии антиутопия – жанр, отрицающий возможность будущего, мечты [9, с.7]. Л.Т. Сарджент, один из самых авторитетных англоязычных литературоведов в данной области, предлагает следующее толкование: «Антиутопия или негативная утопия – несуществующее общество, описанное достаточно детально и обычно расположенное в пространстве и времени, которое, по установке автора, должно восприниматься читателем как значительно худшее относительно общества, в котором этот читатель живет» (*перевод наш - В.П.*) [12, с.9]. В литературе XXI века подобные произведения продолжают появляться, что объясняет наличие большого количества научных работ на разных языках в русле этой темы.

В литературоведческой науке Узбекистана, вероятно, в силу иной ментальной ориентированности указанных произведений, а также отсутствия большого разнообразия антиутопий на национальном языке, изучение специфики антиутопического жанра находится только в стадии развития и пока представлено немногими работами. Рассмотрим их подробнее.

Исследование доктора филологических наук Камиловой С.Э. посвящено антиутопии, представленной в малой узбекской прозе. В частности, она рассматривает рассказы Р. Рахмата «Адашбой» («Заблудший», 2011) и У. Хамдама «Остров тщеславия» (2012). По мнению автора, в этих рассказах главное внимание уделяется проблемам нравственности, кризису духовности и деформации личности [3, с.38]. Если в первом рассказе С.Э. Камилова подчеркивает освещение негативных тенденций современного общества (разрыв преемственности поколений, перераспределение гендерных ролей, живучесть тоталитарного сознания), то в произведении «Остров тщеславия» У. Хамдам затрагивает универсальные, временные проблемы человечества и, на основе мифа о сотворении мира, «констатирует хроническую болезнь человечества, способную уничтожить мир» [3, с.40]. Интерес представляет принцип анализа: оба рассказа исследуются сквозь призму авторской позиции и способов ее выражения. Помимо рассказов, С.Э. Камилова рассматривала особенности антиутопии и в рамках крупных литературных форм. Так, в философском романе И. Султона «Вечный скиталец» («Бокийдарбадар», 2010), также отнесенным ею к антиутопии, «активно используются символика, приемы экспрессионизма и сюрреализма», что позволяет обнажить проблемы сегодняшнего дня на основе типических ситуаций типических характеров [4, с.76].

А.В. Корзун рассматривал особенности антиутопии в современной русскоязычной литературе на примере малой прозы А. Ровнера. В рассказе «Лестница», которую А.В. Корзун определил, как «современную, «перестроечную» антиутопию, он исследует категорию хронотопа. Время

и пространство в произведении, по его мнению, характеризуются абсурдностью; идейный центр же раскрывается в мрачном предзнаменовании: «абсурдное настоящее не позволяет верить в будущее»[5, с.133].

Жанр антиутопии в общем и конкретно англоязычные его образцы являются объектом изучения Р.Ш. Ахмедова и М.Н. Низамовой. Отмечая жанровое ядро антиутопии (способность к художественному моделированию и прогнозированию социальной системы, конфликт человека и государства, ситуацию испытания «человеческой природы», демифологизацию, критический пафос и пр.), Р.Ш. Ахмедов характеризует и новые черты жанра, появившиеся в произведениях рубежа XX-XXI вв. К их числу он относит: усиление философских, универсальных мотивов; обращение к историческому прошлому; модификацию способов художественного моделирования; появление нового типа героя и т.д. Особенно акцентируется автором трансформация конфликта: «...традиционный конфликт антиутопии – столкновение человека и системы – в современных произведениях переводится прежде всего в сферу духовно-психологическую» [1, с.133].

D'après Esope, la fable a pour mission de faire rire, d'avertir par exemple et de corriger les erreurs en charmant l'oreille. L'événement raconté par la fable, la plupart du temps unique, est symbolique d'une situation courante, et l'explique. Les personnages sont en général stéréotypés et constants. Elle met en scène des animaux: le lion représente le pouvoir et la grandeur; le loup, la cruauté, la force sauvage et stupide, le totalitarisme; le renard symbolise l'intelligence fine, la réflexion et la ruse; le chien, la bonté et la fidélité; le singe, le burlesque mais aussi la sagesse; l'âne, la sottise; le chat, l'égoïsme et la cruauté. Dans les fables de La Fontaine, les animaux sont au nombre de vingt-cinq. On y trouve d'abord les forts et les puissants: le chat, le lion, la lionne, le loup, le renard, l'aigle, le milan et le vautour. D'un autre côté, on trouve les faibles et les victimes: le mouton, l'agneau, la brebis, le chevreau, l'âne, la souris et le poisson. Le chien, la grenouille, le serpent, l'éléphant, et le rat sont parfois forts, parfois faibles en fonction de l'animal auquel ils sont confrontés. La Fontaine est surtout connu pour les dizaines de fables qu'il a composées jusqu'à la veille de sa mort. La fable est un genre littéraire très ancien et déjà utilisé. A l'époque de l'Antiquité Romaine, Esope rédige de courtes histoires mettant en scène hommes et animaux. Le récit s'achève sur une morale dont il revient au lecteur de tirer un

enseignement. Des siècles plus tard, La Fontaine s'inspire des héritages de son brillant aîné: il y ajoute pourtant sa touche particulière... Mal reçu à Versailles, l'écrivain ne se prive pas de souligner, parfois cruellement, les absurdités de la Cour du Roi Soleil. Deux fables éclairent les couloirs du palais d'une lumière bien étrange: au-delà des salons feutrés, des anti-chambres cossues, mensonges, hypocrisies et trahisons régissent les rapports de ceux qui vivent à l'ombre du souverain. Les animaux mis en scène ne sont pas choisis par hasard. Chacun joue un rôle bien précis. - Le lion: sa puissance, son orgueil démesuré et son attitude rappellent le comportement de Louis XIV. A l'image de l'animal qui le symbolise, le roi règne sur sa Cour. Jaloux de son pouvoir, méfiant d'une Noblesse remuante de nature, il convoque régulièrement auprès de lui les princes de sang pour mieux les surveiller. Une invitation à Versailles ne se décline pas. Il faut s'y soumettre, quitter sur l'heure sa résidence provinciale et accourir au plus vite. La violence que le lion déloie quand un courtisan commet l'erreur de lui déplaire souligne avec quelle facilité le souverain peut briser la réputation et la renommée de celui qui ne satisfait pas ses exigences. Attention toutefois! Si le lion n'est pas dupe des courbettes du singe réjoui de sa sévérité, Louis XIV n'apprécie pas davantage les hypocrisies trop marquées d'un courtisan empressé et soucieux d'obtenir sa faveur. - Le singe, l'ours et le renard évoquent les attitudes de la Cour[1, c.25]. Le bonheur qu'éprouve le Porté critique singe quand l'ours endure la colère léonine n'est pas sans rappeler que des profondes tensions animent Versailles: la déchéance de l'un fait le bonheur de l'autre et la disgrâce du malheureux arrange les affaires de l'ambitieux. La morale de la fable résonne comme un avertissement. Le renard est le plus malin de ses compères. Il a compris qu'au palais de son maître, il n'est jamais bon de dévoiler trop haut ses opinions. L'hypocrisie n'est cependant pas la meilleure conseillère. La Fontaine prévient: un bon courtisan ne prend jamais ouvertement parti et doit éviter de se compromettre dans de trop violentes querelles. Enfin, la comparaison que l'auteur utilise quand il évoque la Cour dévoile des sentiments sans concession à l'égard d'un univers où il ne s'est jamais senti à son aise. Le message est clair: par delà des dorures des tableaux et l'éclat brillant de la Galerie des Glaces, les corridors du palais ne sont guère plus avenants qu'un affreux charnier. Comportements écoeurants, attiéceurants, attitudes répugnantes ont donc découragé l'honnête homme de pénétrer à Versailles...

Bibliography:

1. M.Lebrun "Regards actuels sur les fables de la Fontaine" //Septentrion ,presse universitaire 2018. Page 20,28
2. N.W. Bartlett "Une etudes des fables complexes de Jean de la Fontaine"// Septentrion ,presse universitaire 2018. Page 20,28
3. I.Perrot " Jean de la Fontaine pour les etudiants etrangers" . // Reinardus n 14 , 2001 page 69-87

4. Adizova, O. (2021). Роль произведений Азиза Каюмова в истории узбекской литературы. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 4(4). извлечено от http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/2053
5. Adizova, O. (2021). // В НАУЧНО-БИОГРАФИЧЕСКИХ РАБОТАХ АЗИЗА КАЮМОВА ОБ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ НАВЫКАХ СОЗДАТЕЛЯ. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 6(2). http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/2055
6. Таржималар Серияда:// "Тўплам Буда": Эсопе. Масаллар. Э. Чамбрй номли матн. 5е тираге 2002. ЛИВ, 324 п. Русчатаржималар.
7. [хтпс://априори-наука.ру/уз/монограпх/эзоп-зхизнеописание-эзоп-первйи-баснописес-исторические.хтмл](http://априори-наука.ру/уз/монограпх/эзоп-зхизнеописание-эзоп-первйи-баснописес-исторические.хтмл)

ZAMONAVIY ADABIYOTSHUNOSLIKDAYANGI TENDENSIYALARNING PAYDO BO'LISHI VA RIVOJLANISHI

**Ramazonova Zarina G'afurovna
BuxDU, Nemis va fransuz tillari
kafedrası o'qituvchisi**

Turli mamlakatlardagi ijtimoiy-tarixiy taraqqiyot hatto bir vaqtning o'zida har xil darajada bo'ladi chunki adabiyotning rivoji bir tekisda kechmaydi. Bir mamlakatdagi jamiyat kayfiyatini ham yakrang, deb bo'lmaydi. Biroq har qancha xilma-xillikka qaramay, har qanday jamiyatda muayyan tarixiy davrda umumiy bir kayfiyat ham mavjud bo'ladiki, u masalan, adabiyotda yaxlit bir yo'nalishning vujudga kelishiga turtki beradi. Chunonchi, XVII asrda Frantsiyada klassitsizm oqimi paydo bo'ldi. Undan keyingi davrlardagi dunyo adabiyotida yana romantizm, sentimentalizm, realizm, tanqidiy realizm, naturalizm, modernizm, postmodernizm kabi o'nlab yo'nalish-metodlar maydonga keldiki, bular hammasi jamiyatda hukm surgan ana shu umumiy, yetakchi kayfiyatlar hosilasidir. Ayni damda bir mamlakat doirasida, masalan, modernizm ruhi urf bo'lgan bir pallada romantik asarlar yozadigan ijodkorlar ham uchraydi. Buning sababini, meningcha, ijodkorning o'sha umumiy kayfiyatdan alohida, turmush tarzidan, o'zi mansub bo'lgan muhit kayfiyatidan, uning psixologik belgilaridan, an'analarni davom ettirish va izlash to'g'riroq bo'ladi.¹[1,13b]

Demak, nega endi antik davrdan XVII asrgacha, ya'ni Fransiya klassisizm paydo bo'lgungacha, boshqacha aytsak, Esxildan Shekspirgacha aniq shakllangan birorta metod bo'lmagan, undan keyingi asrlarda «izm»lar soni ko'payib ketgan? Metodlar avvaliga bir necha o'n yillar, hatto ko'proq muddat faol «iste'mol» etilib, nihoyat, XX asrga kelganda ularning quvvati, masalan,

¹Abdurauf Fitrat. Tanlangan asarlar. IV jild. –T.: “Ma'naviyat”, 2006. 13- bet.

ayniqsa, rangtasvir san'atida bir necha yillargagina arang yetmoqda. Buning sababi yana dunyo ijtimoiy-tarixiy jarayonining tezlashuvi, tez o'zgarib, hayot sur'atining shiddat bilan o'sib borayotganiga bog'lanadi. Qadimda yuz yilda o'tilgan yo'llarni endilikda insoniyat bir-ikki yillardagina bosib o'tayotganday. Demak, mana shunday gigant sur'atga hamqadam yurmoqchi bo'lgan Insonning kayfiyati ham, uning ijtimoiy-tarixiy ongi ham avvalgi asrlarga hech qiyoslanmas darajada shitob bilan turlanib bormoqda. XX asrda jahon adabiyotida urf bo'lgan ko'plab ijodiy metodlarning qisqa muddatda yuzaga kelib va shunday tez barham topib ketishi aslida shundan. Faqat negadir bitta metod – realizm haqida bunday deyishga til bormaydi. Nazarimda, realizm boshqa barcha ijodiy metodlarning dunyoga kelishida asos bo'ladigan, ta'bir joiz bo'lsa, boshqa metodlarni xuddi turli xil daraxtlar kabi o'z bag'rida yetishtirayotgan, zaminga o'xshaydi.

Shunday qilib, Abdurauf Fitrat fikricha “Adabiyot – ijtimoiy-tarixiy hodisa. Adabiyot nafaqat adabiyotchilar uchun, balki jamiyatshunoslar, psixologlar, sotsiologlar, tarixchilar va umuman, insoniyatning buguni-yu ertasi uchun befarq qaramaydiganlar uchun ham muhim va zaruriy manbadir”.¹ [2,18-25b] Badiiy asarni to'laroq anglash va chuqurroq tahlil qilish uchun uni ilmiy tekshirishning uch bosqichi bosib o'tilishi zarur. Asarning tahlil kechimi a) boshlang'ich idrok darajasida asarni butunisicha anglash; b) keyin uni unsurlari bo'yicha sinchiklab tahlil (analiz) qilish; v) ilmiy tadqiqot natijalarini tizimli yo'sinda umumlashtirish, ya'ni sintezlash singari bosqichlardan iborat bo'ladi.

San'at asarlariga madaniy-tarixiy yondashuvning keng tarqalishi 19 asrning 70-yillariga kelib, falsafa va estetika fanlari hamda badiiy ijodda naturalistik oqimning dunyoga kelishiga sabab bo'ldi. Lotincha natura –tabiat so'zidan olingan naturalizm 19 asrning so'nggi choragida AQSh va Ovropoda keng tarqalgan edi. Bu ilmiy-estetik yo'nalish hayotiy reallikni aynan ko'rsatish va insonning xarakterini u yashagan muhit va o'zining fiziologik tabiatidan ayirmagan holda ob'ektiv, aniq va betaraf tasvirlashni maqsad qilib qo'ygan edi. Naturalizm ijtimoiy muhit tushunchasini bevosita odamni o'rab turgan katta-kichik barcha maishiy va moddiy mavjudlik tarzida anglar, tasvirda inson tabiati hamda uning maishiy turmushidagi mayda-chuyda tafsilotlarni ham birday ko'rsatish kerak deb hisoblardi. Ayni vaqtda bu oqim tarafdorlari badiiy tasvirda ijtimoiy-tarixiy omillar muhim o'rin tutishini ham tan olar edilar. Naturalizm oqimi I. Ten qarashlari ta'sirida asosan Fransiyada shakllandi. “Tabiatshunoslar, ya'ni naturalistlar tabiatni ilmiy izohlash uchun uni sinchiklab, bironta mayda narsani ham nazardan qochirmay, to'liq va batafsil o'rganganliklari kabi estetikadagi naturalizm tarafdorlari ham o'z oldilariga jamiyat va undagi har bir

¹Abdurauf Fitrat. Tanlangan asarlar. IV jild. –T.: “Ma'naviyat”, 2006. 18-25 bet.

odamni shunday batafsil tadqiq etishni maqsad qilib qo'yardilar".¹[3,980b] O'n to'qqizinchi asrning yetmishinchi yillari o'rtalarida naturalizmning nazariy asoslarini ishlab chiqqan taniqli adib Emil Zolya o'z atrofiga Gi de Mopassan, J. K. Gyuismans, A. Sear, L. Ennik, P. Aleksis, E. Gonkur, A. Dode kabi mashhur san'atkorlarni birlashtirib, adabiy ijodda naturalistik maktabni shakllantirdi. Naturalistlar ilmiy bilish jarayoni bilan badiiy tasvir kechimini deyarli bir xil hodisalar deb bilishardi. Ular badiiy asarlarga ijodiy-estetik hodisadan ko'ra, "insonga tegishli xususiyatlar aks etgan hujjatlar" sifatida qarashib, ularda bilish faoliyati bosqichlarining qanchalik to'liq tasvirlanishini adabiy yaratilishning qimmatini belgilaydigan asosiy mezon hisobladilar.

Agar oldingi modern qarashlar eskicha yondashuvlarga nisbatan o'zining yangiroq va ilg'orroqligini ta'kidlagan bo'lsalar, keyingi modernizm o'zidan boshqa barcha qarash va yondashuvlarni inkor etdi. Buning ustiga, insoniyat XIX asrning oxirlariga qadar ham tafakkur va taraqqiyotga odamzotga faqat yaxshilik keltiruvchi ezgu hodisa sifatida qarab keldi, ko'p jihatdan o'zi shunday edi ham. Aynan XIX asr adog'i, ayniqsa, birinchi jahon urushidan keyin ma'naviyat bilan baqamti bo'lmagan tafakkur va taraqqiyot bashariyat uchun nafaqat ezgulik, balki ulkan bir ofat bo'lishi ham mumkinligi ayonlashdi. Aynan shundan keyin va shu sabab falsafa hamda ijtimoiyotda modernistik qarashlar bo'y ko'rsatdi. Modernizm ezgulikka umidsizlikning natijasi o'laroq dunyoga keldi. Shu bois unda ishonchsizlik va inkor ruhi yetakchilik qilardi. Falsafadagi modernistik qarashlar ko'p o'tmay, san'at va adabiyotda namoyon bo'la boshladi. Shu tariqa san'at tarixi va taraqqiyotida chuqur iz qoldirgan o'ziga xos bosqich yuzaga keldi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Abdurauf Fitrat. Tanlangan asarlar. IV jild. –T.: "Ma'naviyat", 2006. 13- bet.
2. Abdurauf Fitrat. Tanlangan asarlar. IV jild. –T.: "Ma'naviyat", 2006. 13- bet.
3. Asadov Mahmadiyor. Haqiqat izlab | Sahifa.uz. 4 dek. 2017
4. Vinogradov A. K. Tri sveta vremeni [1931] Proza, Vinogradov A. K. Stendal' i yego vremya [1938] Proza, Biograficheskaya proza (Jizn' zamechatel'nykh lyudey. Seriya biografii; Выр. 13 (303).
5. Adizova O. —World literature and biographical method. ISJ Theoretical & Applied science. Year: 2018. Issue: 10.volume: 66. Section29. Literature. Folklore. Translation. P.327-330.
6. Adizova O., Toirova M. , Ramazonova Z "Biographical approach to the interpretation of human qualities in A. Navois epic " Layli and Majnun" International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 06, 2020 ISSN: 1475-7192 Received: Feb 2020 | Revised: 28 Mars 2020 | Accepted: 25 Apr 2020 9252-9256 p

¹Ramazonova Z.G', Suvonqulova G.I., Fransuz tilida sintaktik munosabatni ifodalovchi vositalar, Международный научно-образовательный электронный журнал «ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ». Выпуск №11 980 с

7. Lixachev D.S. O tochnosti literaturovedeniya // Literaturnye napravleniya i stili. –Moskva. 1976. S
8. Sayfullaeva R., Bobokalonov P., N.Hayatova. Xorijiy tilni o'rgatishda psixoneyrologistik holat va kanonik modeli gaplarning o'rni. Ilmiyxabarlar – Nauchnyyvestnik. FerGU. 2020
9. Ramazonova Z.G', Suvonqulova G.I., Fransuz tilida sintaktik munosabatni ifodalovchi vositalar, Международный научно-образовательный электронный журнал «ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ». Выпуск №11 (том 3) (февраль, 2021),980 с.
10. Таирова М.Х, Климентова З. «Использование портфолио в обучении иностранных языков», «MODERN SCIENTIFIC CHALLENGES AND TRENDS» SCIENCECENTRUM.PL ISSUE 2021. №2(36),193 с
11. Икромова, Л. (2021). Научно-теоретические взгляды на выражение понятия фрейме в лингвистике. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 3(3). Извлечено от http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/1494
12. Икромова, Л. (2021). Научно-теоретические взгляды на описание понятия Фрейм в лингвистике. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu.Uz), 1(1). Извлечено от http://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/1240

3-ШЎЪБА. ТАРЖИМАШУНОСЛИК, АДАБИЁТШУНОСЛИК ВА ЛИНГВОМАДАНИЯТШУНОСЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

ҲАЙНРИХ ҲАЙНЕ СОНЕТЛАРИ ЎЗБЕКЧА ТАРЖИМАСИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР

Бозорова Муҳаббат Абдурахмоновна
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш
муҳандислари институти Бухоро Филиали
“Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси катта ўқитувчиси
mbozorova16@gmail.com

Abstract. The article discusses the peculiarities of the Uzbek translation of Heinrich Hayne's works, among which the sonnets play an important role. Hayne's sonnets were translated into Uzbek by the well-known poet Abdulla Sher. While reading these sonnets, it can be seen that the translator entered the poet's psyche, and skillfully conveyed the delicacy and artistic brilliance of the German language in the Uzbek language.

Key words: sonnet, poetry, artistic delicacy, lyrical hero, romantic image.

Аннотация. Мақолада Ҳайнрих Ҳайне сонетлари ўзбекча таржимасига хос хусусиятлари ҳақида сўз юритилган бўлиб, улар орасида сонетлар муҳим ўрин тутди. Ҳ.Ҳайне сонетлари ўзбек тилида таниқли шоир Абдулла Шер таржимасида ўзбек тилида жаранглади. Бу сонетларни мутолаа қилиш давомида мутаржим шоирнинг Ҳайне руҳиятига кириб борганлигини, немис тилининг назокати ва бадий жилосини ўзбек тилида маҳорат билан бера олганлигини кузатиш мумкин.

Калит сўзлар: сонет, шеърят, бадий жило, лирик қаҳрамон, романтик тасвир.

Ҳайнрих Ҳайне – немис халқининг мутафаккир шоири. У романтизм даврида яшаб, ижод этди. Шоир шеърятининг жанрий ранг-барангликка эга. Улар орасида сонетлар муҳим ўрин тутди. Таъкидлаш керакки, бу жанрдаги асарлар У.Шекспирдан кейин жаҳон шеърятининг ўзига хос ёрқин саҳифасини ташкил этади. Ҳ.Ҳайне сонетлари ўзбек тилида таниқли шоир Абдулла Шер таржимасида ўзбек тилида жаранглади. Бу сонетларни мутолаа қилиш давомида мутаржим шоирнинг Ҳайне руҳиятига кириб борганлигини, немис тилининг назокати ва бадий жилосини ўзбек тилида маҳорат билан бера олганлигини кузатиш мумкин.

Ҳ.Ҳайне сонетлари орасида онасига бағишлангани алоҳида ажралиб туради. “Онам Фон Гелдерн изи Б. Ҳайнега” деб номланган бу шеър қуйидагича бошланади:

Бошимни тутаман доимо мағрур,
Ҳеч қачон енгилмас ўжар идроким;

Қиролнинг бошида туриб хаттоким
Кўзимни мен ерга олмайман биркур.

Юқоридаги сатрларда бошини ҳамиша “мағрур” тутган, “ўжар идроки” ҳеч қачон енгилмайдиган, қирол қошида ҳам шундай мағрур турган лирик қаҳрамон ҳолати акс эттирилган.

Мен яна, онажон, таъкидлаймасур:
Бўй эгмам ҳечкимгатирикмантоким!
Валекин қошингда, жилмайганча жим,
Бош букиб тураман доимо махмур.

Бироқ лирик қаҳрамон она олдида масрур бош эгади. Бу сатрларда умумбашарий мазмун бор. “Табиатнинг буюк ихтироси”¹ бўлган она улуғ зот. Ундаги меҳр қудрати олдида бутун инсоният ўзини бурчли ҳис этади. Шу буюк туйғу сатрлар бағрига сингдирилган.

Ул сенинг руҳингми – келади ғолиб?
Ул сенинг руҳингми – ғулғуласолиб,
Ёритарқалбимничакин мисоли?

Мутаржимнинг маҳорати шундаки, немис тилига хос оҳангни ўзбек тилидаги назокат билан бера олган. Яъни “ғолиб” ва “солиб” сўзлари қофиядош сўз сифатида бир туркумга мансуб эмаслиги кўриниб турибди. Шунга қарамай, поэтик мазмун ёрқин ифодаланганини кузатиш мумкин. Яъни юқоридаги сатрларда онанинг фарзандга қувват берувчи руҳи ҳар нарсадан ғолиб келиши, ҳамиша қалбларга ғулғула солиб яшаши бадий акс эттирилган. Шу жиҳатдан онанинг руҳи фарзанд қалбини ёритувчи чақинга қиёс этилган.

Бошимниъгаман доим, эҳтимол,
Келтирганимучун сенга кўпмалол,
Кечирганингучун барини дарҳол?

Ушбу сатрлар хулосавий мазмун ташийди. Гарчи фарзанд онанинг олдидаги ҳамиша бурчли эканлигини англаса-да, бот-бот унга озор етказди. Бироқ она ҳам ҳар қандай дамда фарзандини кечири олади. Фақат оналаргагина хос фазилят бўлган бу фазилят унинг улуғлик пиллапояларига етаклайди.

Ҳайнрих Ҳайненинг навбатдаги сонети ахлоқий мавзуда ёзилган. Бу жиҳатдан Шарқ шеъриятига уйғунлик қилади:

Эгилиб тақмайман тўнкага гултож
Олтинга беланган бўлса ҳам агар:
Кўлимни чўзмайман бойга таъмагар,
Номардга ўзимни қилмайман муҳтож.

Дастлабки сатрда поэтик мазмун метафора воситасида ифода этилган. Таъкидлаш керакки, лирик қаҳрамон ниҳоятда мард ва олийжаноб

¹Ҳошимов Ў. Дунёнинг ишлари

инсон. У олтинга беланган тўнкага гултож тақмоқчи, бойнинг хазинасига кўл узатмоқчи, номардга ўзини муҳтож қилмоқчи эмас.

Мен бузуқ аёлга очмайман қулоч
Фаҳшини яширса ҳамки безаклар;
Айбдор қилмайман, оломон магар
Такаббур ҳокимга сезса эҳтиёж.

Лирик қаҳрамон – юксак ахлоқ эгаси. Шунинг учун у “фаҳшини безаклар яширган бузуқ аёл”га пешвоз чиқмайди.

Биламан, чўртсинарма-рур, чўнгэман,
Навда-чи, қутиларэгилишбилан, –
Табиатҳайқириб, тургандабўрон.
Навданингқисмати, валекинаён:
Биркуни у ҳасса– силлиқ, ялтироқ,
Ё кўйлакчангиниқоқувчитаёқ!

Табиатдагиҳолатлар лирик қаҳрамон туйғуларига уйғун. Бу жиҳатдан чўнг эман, новда тимсолларига асосий мазмун юкланган. Зеро, чўнг эманнинг новдалари йиллар ўтиб синиши мумкин. Натижада у энди эман шохи эмас, бошқа бир нарсага – силлиқ ялтироқ ҳассага, чанг қоқувчи таёққа айланади. Демак, энди новданинг ҳаётий вазифаси ўзгаради. Шоир бу поэтик хулоса орқали инсон ҳаётига ишора этади.

Юқорида таҳлил этганимиз Ҳ.Ҳайненинг икки сонети ҳам романтик тасвир ва реалистик лавҳаларга бой. Уларда сонет жанри табиатидан келиб чиқиб, дастлабки саккиз мисрада асосий фикр ўртага ташланган, кейинги олти сатр эса хулосавий характер касб этган. Шоир сонетларига ҳос яна бир хусусиятни алоҳида таъкидлаш керак. Уларда кўтарилган мавзулар хилма- хил бўлиб, ахлоқий мазмун етакчилик қилади. Бу эса шоир шеърятининг Шарқ сарчашмаларидан сув ичганлигини тасдиқлаб туради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Гейне в воспоминаниях современников. — М., 1988.
2. Гиждеу С. П. Лирика Генриха Гейне. — М., 1983.
3. Дейч А. Н. Судьбы поэтов. Гельдерлин. Клейст. Гейне. — М., 1974.
4. Ҳайнрих Ҳайне “Кўшиқлар китоби”
5. Ҳошимов Ў. “Дунёнинг ишлари” 1982 й
6. Хуршид Даврон таржималари
7. Абдулла Шер таржималари 2003 йил
8. <https://kh-davron.uz/kutubxona/jahon/haynrix-hayne-ishqiy-qoshiqlar-abdulla-sheer-tarjimalari.htm>
9. <https://kh-davron.uz/tag/heinrich-heine>

САДРИДДИН САЛИМ БУХОРИЙНИНГ НЕМИС ТИЛИДАН БАДИЙ ТАРЖИМАЛАРИ

Маҳмудова М.М.
БухДУ немис ва
француз тиллари кафедраси
каттаўқитувчиси

Аннотация. Мазкур мақолада ўзбек таржимашунослигида ўзининг беқиёс ўрнига эга мутаржим, серкирра зуллисонан ижодкор, тасаввуфшунос олим, шоир, Садриддин Салим Бухорийнинг немис тилидан ўзбек тилидаги бадий таржималари ҳақида сўз боради.

Аннотация. В статье рассматриваются литературные переводы с немецкого на узбекский язык Садриддина Салима Бухари, переводчика, блестящего писателя, мистика, поэта, занимающего уникальное место в узбекском переводоведении.

Abstract. The article examines the literary translations from German into Uzbek by Sadriddin Salim Bukhari, a translator, a brilliant writer, mystic, and a poet who occupies a unique place in Uzbek translation studies.

Калит сўзлар: таржимашунос, Гётешунос, ижодкор, таржима, таржимонлик, образ, фаолият, дурдона, тадқиқ, мутаржим, девон.

Ключевые слова: переводчик, ученый Гете, создатель, перевод, переводчик, образ, деятельность, шедевр, исследователь, переводчик, девон.

Key words: translator, scientist Goethe, creator, translation, translator, image, activity, masterpiece, researcher, translator, Devonian.

Ўзбек адабиётшунослигида Садриддин Салим Бухорийнинг бадий ва маърифий ижоди моҳияти махсус тадқиқ қилинмаган бўлса-да, узок йиллардан буён шоир ижодига илмий қизиқиш катта. Хусусан, бу қизиқиш шоирнинг шеърий тўпламларига ёзилган сўзбошиларда ва уларга бағишланган илмий тақризларда, мақолаларда яққол кузатилади. Жумладан, С.С.Бухорий таржималари ҳақида Ғайбулла Саломов, Нажмиддин Комилов, Янглиш Эгамова, СалимЖабборов, Камола Бобожонова каби машҳур адабиётшунос ва таржимашунос олимлар илик муносабат билдириб, ўзларининг илмий асар ва мақолаларида таржимон маҳоратини юқори баҳоладилар.¹

¹Саломов Ғ., Сулаймонов М. Ҳофиз ва Гёте. – Гулистон. – 1974. – № 7. – Б. 23; Комилов Н. Тафаккур карвонлари // Махсус муҳаррир: Р.Қўчқор. – Т.: Маънавият, 1999. – Б. 13-14; Эгамова Я. Гётенинг “Ғарбу Шарқ девони” ва унинг ўзбекча таржимаси хусусида // Гулистон давлат университети Ахборотномаси. – 2002. – № 1. – Б. 58-63; Жабборов С. Шеърий таржиманинг айрим муаммолари (И.В.Гётенинг “Ғарбу Шарқ девони” таржималари асосида) // Поэтика ва лингвостилистика муаммолари. Халқаро илмий анжуман материаллари (И.В.Гётенинг 250 йиллик юбилейига бағишланади). – Самарқанд, 2002. – Б. 84; Жабборов С. Гёте ижодида

Шоирнинг “Бухорога Бухоро келди” тўпламига ёзилган Неъмат Аминовнинг “Ватан ва эътиқод куйчиси” номли сўзбошиси, яна шу тўпламга Ўз ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти илмий ходими, филология фанлари номзоди Эргаш Очиллов ёзган “Садриддин Салим ижодида Бухоро мавзуси” сарлавҳали илмий тақризи ҳамда шоирнинг энг яқин дўсти, филология фанлари номзоди, олмон тили бўйича мутахассис Самад Азимовнинг қатор илмий мақолалари шоир ижодига бўлган қизиқишни янада кучайтиради. Бироқ Садриддин Салим Бухорий ижодига бағишлаб алоҳида рисолалар ҳам яратилган. Бунга И.Ғаниев ва Н.Афоқова ҳаммуаллифлигида ёзилган “Шахс ва ижод”, Ғ.Муродовнинг “Ёруғлик олами” рисолалари мисолдир.¹ И.Ғаниев ва Н.Афоқованинг “Шахс ва ижод” рисоласи Садриддин Салим Бухорий ижодининг таҳлилу тадқиқига бағишланган илк махсус нашр бўлиб, унда шоир ижодининг энг характерли фазилатлари, образлар дунёси, сатрлар ботинидаги маъно қатларини очишга, унинг таржимонлик, гётешуносликдаги хизматларини холис баҳолашга ҳаракат қилинган. Шоир ижодида Ғарбу Шарқ мавзуси, образи ҳамиша бўртма.

Якка одам ҳақ бўлиши мумкин,
Якка Одам халқ бўлиши мумкин.
Якка Одам Ғарб бўлиши мумкин,
Якка Одам Шарқ бўлиши мумкин.

Садриддин Салимов немис тилини нафақат мукамал билар, балки уни юракдан ҳис этар эди. Шунинг учун у жаҳон адабиёти дурдоналарининг анчасини аслият тилида ўқиб завқланган, ана шу завқини ўзбек китобхонларига ҳам улашишга интиланган моҳир таржимонлардан бири эди.

У ўз таржимонлик фаолиятини талабалик йилларидан, аниқроғи, 1971 йилдан бошлаган. Бу ҳақда унинг “Кундалик”ларидан шундай муҳим маълумотларни олиш мумкин: **“10 май, 1971 йил, душанба.** Гётенинг саккизликларини таржима қилдим. Яхши чиқди. “Мен осмонга ишонмайман” номли таржимамни эртага дўстларимга кўрсатаман”.

Ёки яна: **“22 октябрь, 1974 йил, чоршанба.** Ўтган куни “Муштум” журналида менинг 8 дона юморим (немистилидантаржима) чиқибди”. Улар куйидагилар эди.

Ўқитувчи: – Отанг онанга эллик марка беради, кейинроқ йигирма маркани қайтариб олади. Хўш, айтгинчи, Вилли, кейин нима чиқади?

тасаввуфона шеърлар ва уларнинг ўзбек тилида қайта яратилиши // Вопросы зарубежной филологии. Сборник научных трудов. – Самарқанд, 1995. – С. 40-43; Жабборов С. Ш. Гётенинг “Ғарбу Шарқ девони”. Матн. Талқин. Таржима: Филология фанлари номзоди... автореферати. – Тошкент, 1995. – 24 бет; Бобожонова К. Гёте ва Шарқ. – Жаҳон адабиёти. – 2007. – № 4. – Б. 172-179.

¹Ғаниев И., Афоқова Н. Шахс ва ижод. – Бухоро, 1995. – 56 б.; Муродов Ғ. Ёруғлик олами. (Маънавий-маърифий рисола). – Бухоро: Дурдона, 2016. – 70 б.

Ўқувчи: – Жанжал чиқади, жаноби ўқитувчи.

- Сизга бош билан ишлаш мумкин эмас.
- Ахир, жаноби доктор, бунинг иложи йўк! Менинг ишим бош билан.
- Нима ёзувчи ё олимсиз?
- Йўк, саргарошман.
- Бир сутка неча соатдан иборат?
- Йигирма беш соатдан!
- Ие, нега?
- Ўзингиз неча кунлар бир соатга чўзилди деб, айтувдингиз-ку, жаноби ўқитувчи.
- Кечирасиз, сиз кеча менинг ўғлимни сувдан олиб чиқдингизми?
- Худди шундай. Лекин бу айтишга арзигулик иш эмас.
- Айтишга арзигулик иш эмас? Ўғлимнинг янги фуражкеси қани?
- Фрау Клуге дугонаси Фрау Нойманникига келди. Уйда фақат қизча Эльзе бор экан.
- Ойинг қаерда?
- Ойим икки соат олдин беш минутга Мария холаникига чиқиб кетувдилар.
- Ханс бугун нега кинога бормадинг?
- Иложи бўлмади, оғайни! Отамга уй вазифаларимни бажариш учун ёрдам бермоғим лозим бўлди.

Бола онасининг янги ёзги шляпасини кўрсатиб деди:

- Мана кўринг, отажон, энди ойим шляпаларини ҳечам йўқотмайдилар, чунки мен номларини унга сиёҳ билан ёзиб кўйдим.
- Судралувчи жониворлар доим ерда эмакляб юрадилар.
- Пётр судралувчиларга мисол келтира оласанми?
- Ҳа, судралувчи юрувчи менинг кичкина синглим.

Ўтган асрнинг 80-йилларида дунё шоирлари атом урушига қарши бонг кўтариб чиқдилар. Бундайлар орасида, албатта, немис шоирлари ҳам бор эди. Улардан бири Карл Микельдир. Унинг “Жаннат дарвозаси рўпарасида”сарлавҳали шеъри айнан шу мавзуда яратилганлиги билан эътиборни тортади. Шеър К.Микельнинг қисқача шарҳига эга. Бу шарҳда Кёльнлик архиепископ Фрингс Аборт хусусида: “Ўлдириш мумкин эмас. Ҳар бир туғилажак зот бир кунмас-бир кун осмон фуқароси бўлмоғи муқаррардур”, атом уруши ҳақида: “Католик черков ядровий синовларга қарши чиқмайди” дейилган.

Кирмоқ бўлиб жаннатга алҳол,
Гўдак келди заиф, хастаҳол.
Қўли чўлтоқ, ранги хазондир,
Ҳаворий Петр дарвозабондир.

«Мен – бегуноҳ, муқаддас падар!
Жувонмаргман – билсангиз агар.
Хиросима – мен туғилган жой,
Жаннат ичра ўрним ҳойнаҳой!»

«Тўхта, кирма! – ул авлиё дер, –
Дўзахэкан сен туғилган ер.
Ким туғилмишдўзахда, инон,
Жаннатга у кирмасҳечқачон!»

Садриддин Салим Бухорийнинг таржимачилик борасида шу тариқа тўплаган узоқ йиллик ибратли тажрибаси кейинчалик унинг томонидан машҳур немис адиби Йохан Волфганг Гёте қаламига мансуб “Ғарбу Шарк девони”нинг бевосита олмон тилидан ўзбек тилига ўгирилишига замин яратди.

Айтиш керакки, Садриддин Салим Бухорий немис тили мутахассислигини эгаллаш мақсадида уни чуқур ўрганишга бел боғлар экан, аввало, шу тилда ижод қилиб, она тилининг нуфузини ўз дурдона асарлари билан дунё миқёсига кўтарган, шу асосда уни катта меҳр билан ардоқлашини исботлаган мутафаккир шоир И.В.Гёте ижодини севиб ўрганди.

С.Салимов Гётени фақат ижодкор сифатида эмас, балки моҳир таржимон сифатида ҳам эъзозлаб, ўзининг у билан маънан ва руҳан ички яқинлигини чуқур ҳис қилди. Буни таржимоннинг Гёте ижодини илмий-ижодий ўрганиш борасидаги кўп йиллик ижодий меҳнати ва эришган натижалари асосида далиллаш мумкин, албатта.

Садриддин Салим Бухорийнинг бевосита немис тилидан қилган дастлабки таржималари турли газета ва журналларда эълон қилинган ва адабий жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинган.

Садриддин Салим Бухорийнинг мутаржимлик соҳасидаги маҳорати олмонларнинг машҳур шоири Йохан Вольфганг Гётенинг “Мағрибу Машрик” девони таржимасини амалга ошириш жараёнида янада юқори чўққига эришди, дейиш мумкин. Чунки шоир уни ўзбек тилига бевосита немис тилидан ўгирди. (Бу ҳақда ишимизнинг учинчи боби иккинчи фаслида батафсил тўхталамиз).

Мухтасар қилиб айтганда, Садриддин Салим Бухорий ўзининг етук таржима асарлари билан ҳам ўзбек маданияти ва адабиётига муносиб ҳисса қўшди. Шу билан бирга, адибнинг халқимиз маънавий мулкига айланган таъсирчан асарлари, таржималари дунё маънавиятига янада уйғунлашувимиз йўлида хизмат қилиши шубҳасиздир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Y.V.Gyote “G’arbu-sharq devoni”ning Maqsud Shayxsoda va S.S.Buxoriy tarjimalariga xos xususiyatlar. M.M.Maxmudova. Ilm sarchashmalari. 2021 yil. 1-son.
2. SadriddinSalimBukhariy’srolle in the Development of the Literary Environment of Bukhari in the Late XX and Early XXI Centuries. M.M.Makhmudova. SCHOLASTICO-2021. Angliya. 2021 yil. 92-92 betlar
3. Preservation of Originality in the Translation of Goethe’s Works.International journal of PsychosocialRehabilitation. M.M.Makhmudova. 2020.01. 152-159 betlar.
4. Вариантность в переводе (на примере произведений братьев Гримм) ДХ Каримова - Вестник науки и образования, 2019.
5. Variability and Invariability in Fairy Tales (As the Example of the Translation of Grimms Fairy Tales). K.D Halimovna - International Journal of Psychosocial ..., 2020
6. GulchehraHojiyeva. NATIONAL IDENTITY AND LINGUISTICAL ANALYSIS OF TRANSLATION OF ART TERMS IN UZBEK LANGUAGE.Journal of Contemporary Issues in Business and Government. P-ISSN: 2204-1990. Vol. 27, No. 2, 2021. Pages 1651-1660. DOI: 10.47750/cibg. 2021.27.02.174 https://cibg.org.au/article_9597.html
7. Kuldasheva N.B., Kuldashev A. SOME DIFFERENT DIFFICULTIES IN SPORTS EXERCICES. SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS International Scientific Journal. Theoretical & Applied Science, p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) Year: 2019 Issue: 12 Volume: 80 Published: 30.12.2019, <http://T-Science.org>;

“ҒАРБУ-ШАРҚ ДЕВОНИ”ДАГИ ТАСАВВУФИЙ ҒОЯЛАРНИ ТАРЖИМАДА БЕРИШДА САДРИДДИН САЛИМ БУХОРИЙ МАҲОРАТИ

М.М.Махмудова
БухДУ немис вафранцуз тиллари
кафедраси каттаўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада ўзбек таржимашунослигида ўзининг беқиёс ўрнига эга мутаржим, серқирра зуллисонан ижодкор, тасаввуфшунос олим, шоир, Садриддин Салим Бухорийнинг “Ғарбу-Шарқ девони”даги тасаввуфий ғояларни таржима қилишдаги маҳорати ҳақида сўз боради.

Аннотация: В статье рассказывается о мастерстве Садриддина Салима Бухари, переводчика, разностороннего писателя, мистика, поэта,

занимающего уникальное место в узбекском переводе, в переводе мистических идей в «Западно-Восточном диван».

Abstract. The article tells about the skill of Sadridin Salim Bukhari, translator, versatile writer, mystic, poet, who occupies a unique place in the Uzbek translation, in the translation of mystical ideas in the "West-Eastern Divan".

Калит сўзлар: таржимашунос, Гётешунос, иждокор, таржима, таржимонлик, образ, фаолият, дурдона, тадқиқ, мутаржим, девон.

Ключевые слова: переводчик, ученый Гете, создатель, перевод, переводчик, образ, деятельность, шедевр, исследователь, переводчик, девон.

Key words: translator, scientist Goethe, creator, translation, translator, image, activity, masterpiece, researcher, translator, Devonian.

Садриддин Салим Бухорий Гётенинг “Ғарбу Шарқ девони” таржимаси жараёнида ҳам шоир, ҳам тасаввуфий олим сифатидаги маҳоратини тўлик намоён эта олган.

Й.В.Гётенинг “Ғарбу Шарқ девони” “Муғаннийнома” қисми билан бошланади. Унинг бошланишида эса “Ҳижрат” шеъри келтирилган. Бу шеърда шоир Шимол, Мағриб, Жанубда тахтлар қулаб, ҳаммаёқ хароб бўлиб турган бир пайтда Шарққа ҳижрат қилиш зарур деб ҳисоблайди. Негаки, Шарқда бу дунёнинг ўткинчи ҳою ҳавасларига берилиш бефойдалигини англаган, ҳаммаси Оллоҳ иродаси билан боғлиқлигини тушуниб, фақат унгагина ишқ қўйган инсонлар етишиб чиққанини, улар таълимоти тўғрилиги боис эргашиш мумкинлигини билган. Шу ишонч билан шоир ёзади:

Унда ишқу маю мутриб
Ҳамда Хизр суви бордир,
Боқий умр сенга ёрдир.

Шу тариқа шоир хаёлан чўпонларга ҳамроҳ бўлиб, дашту сахро кезиб, қаҳва, шоҳи, мушқу анбар савдоси мақсадида карвон билан шому саҳар йўл юриб, бекас ва ҳеч ким билмас сўқмоқлардан юриб, беҳад хатарли қоялардан ўтиб, Шарққа йўл олади. Бу машаққатли сафар давомида шоир Ҳофиз байтлари ҳаммага руҳий мадад бўлишидан, унинг шеърларини эшитганда карвонлар қушандаси – қароқчилар ҳам қўрқиб қолишидан ҳайрати ошади. Бу саёҳат ўзига бир дам эркинлик бахш этганидан ҳам қониқиш ҳис этади. Шарқда юлдузлар илми кашф этилгани, шу илм асосида карвонларнинг қуруқлик ва сувда уларни маёқ қилиб, адашмаслигидан завқланади. Умуман, борлиқнинг тилсимларга бойлигидан ҳайратланади ва ўзи тушган йўл Ҳақ йўли эканига ишонади:

Шарқни яратгандур Худо,
Мағрибни этгандир бино.
Офат йўқдир ўнг-сўлида

Шимол, Жануб Ҳақ кўлида.

Шундан сўнг шоир Оллоҳга ҳамд ўқийди:

Ул ўзи қози эрур,

Барча эл рози эрур.

Ардоқлаймиз юз номин,

Шарафлаб деймиз: “Омин!”

Ҳато этиб адашсам гар,

Ўзинг мендан бўл бохабар.

Ҳар юмушда, ижодда ҳам,

Тўғри йўлга бошла, Эгам.

Шоир нафас олмоқ ҳамда чиқармоқни инсон ўзи учун ато этилган эҳсон деб англаши зарурлигини, нафас кирган онда ҳам, нафас чиқарганда ҳам Аллоҳга шукур айтиш кераклигини эслатади. Яратган арабларга марҳамат кўрсатиб, тўрт нарса берганини эътироф этади. Булар:

биринчиси – чиройда шоҳ тожидан устувор бўлган салла;

иккинчиси – ҳар жойда тиксанг, тайёр бошпана бўла оладиган чодир;

учинчиси – ботир учун бешак истехком вазифасини адо қиладиган шамшир;

тўртинчиси – хуркак қизни ром айлагувчи кўшиқдир, дейди.

Шуни билган ҳолда шоир ҳам ошиқлик йўлига кириб, унинг озорларидан чўчимай, муҳаббат кўшиқларини куйлашга жазм этади. Қалбини кучли илоҳий ишқ эгаллаб бораётганини яширмайди, иқроп бўлади:

Ишқни ким дер яшириб бўлар,

Кўзлар уни билдириб кўяр.

Илҳом пайти дилни тарк этиб

Чиққан шеърни бўлмас беркитиб.

Девондаги “Аносир” шеърда муҳаббат билан бошланган, ҳар калому, ҳар садоси ишққа омихта бўлган, ёқутранг май тўла қадаҳ жарангидай оҳанг берган, жанглар “урҳо”си-ла мисралари безатилган, охирида қабоҳатга нафрат билдирилиб, гўзаллик улуғланган шеър асил ва қудратли кўшиқ бўлиши, унинг ижодкори Ҳофиз каби халқлар тилидан мангу тушмаслигига ишонч билдирилган. “Ташриф” шеърда эса шоир шу кўшиқ сабабли Ҳофизга рўбарў бўлганлигини, риндона ўтаётган дамнинг азизлигини таъкидлайди.

“Беадаблик” шеърда шоир хотиржам ижодкоргина завққа тўлиб куйлай олишини уқтириб, шу сабабли унга барча тўсиқларни батамом йўқотиш лозимлиги, ўз дардига ўзи нажот топиши кераклигини ўргатади.

Шоир девоннинг “Муғаннийнома” боби якунида келтирилган “Саодатбахш азият” (“*Selige Sehnsucht*”) ашъорида Шарқ шеърятига алоқадор анъанавий парвона тимсолини қўллаш асосида фикр юритиб, у орқали ҳақиқий ошиқлик азиятини саодатбахш деб атайди. Зулматдан қочиб нурга интилган парвонани алқаб, унинг устидан кулувчи нодонларга

нафрат билдиради. Булар орқали ижодкор одатдаги ҳаёт чегарасидан чиқиб, руҳан қайта янгиланиш учун инсон Оллоҳ висолига интилиши керак, деган тасаввуфона ғояни илгари суради.

Маълумки, Ҳофиз ғазалиётига сингдирилган бош ғоя ишқ-муҳаббат эди. Лекин бу инсоннинг инсонга муҳаббати эмас, балки инсоннинг Оллоҳга бўлган илоҳий ишқидир. Шоир маъшуқаси сиймосида Оллоҳ тажаллисини англайди. Шоирнинг маъшуқа висолига етиши аслида Оллоҳ висолига етмоқликка тенгдир. Бундай ишққа етишган инсон эса ўзини унутиш даражасига етади. Шунинг учун Гёте бу борада Ҳофиздай фикрлаб, унга эргашиб ёзган шеърларида ўзликни йўқотмаслик ҳақида алоҳида уқтириб дейди:

Нени қўлдан бой берсанг ҳам
Ўзни бой берма аммо.

“Арзу дод” шеърида инсонлар йўлига тузоқ қўйишни пойлагувчи иблислар тузоғига ёлғончи, нокаслар илинишидан огоҳлантиради. Сохта мажнунваш, ўз сўзига амал қилмайдиган шоирларни танқид қилади. Олимлару, аҳли мусулмонга мурожаат қилиб, тақво таълимини аён этишга чорлайди. Ҳофизлар ҳамон ринду савдойи эканини айтади.

“Фатво” шеърида бир муфти Мизрий шеърларини бобма-боб ўқиб, сўнгра ҳар варағини йиртиб, ёнаётган гулхан ичига отиши, хушхат китоб ёниб, кулга айланиши, муфтининг одамларни ким агар Мизрий сўзларига эътиқод қилса, шундай ўтда ёндирилишидан огоҳ этиши баён қилинган. Лекин шоир, Гёте таъкидлаганидек, ўт балосидан озод, чунки унга Худодан илҳом берилган. Агар шоир чалғиса, гуноҳга ботиб, Аллоҳга ўзи жавоб беради”. Бу билан шоир илоҳий илм эгалари, шоирларнинг ҳамиша Аллоҳ назарида бўлишини таъкидламоқчи.

Маълумки, тасаввуфда “ломакон”, яъни “беҳудудлик” тушунчаси мавжуд. Шоирнинг девондаги бир шеъри айнан мана шу мавзуга қаратилганлиги билан эътиборни тортади. Унда шоир қўшиқчилик, ғазалчиликни беҳудудликка менгаб, унинг кўҳна ва лекин навқиронлигини таъкидлайди. Девонда бундан кейин келтирилган “Пайравлик” шеъри юқоридаги шеърни мантиқан давом эттиради. Унда шоир ўзидай бир олмон қалбини шарқона шеърият оташи шайдо этгани, унинг ҳар бир байтига тақлид қилмоқ, пайрав боғламоқ ҳаваси уйғонгани, бу айни пайтда ўзи учун шараф экани ҳақида сўз юритган. Унингча, шеър гарчи янги вазн, қофия билан гўзал бўлса-да, пайрав билан яратилса-да, ҳар янги вазн ажалдай олдинги вазнга таъсир кўрсатиб, уни ўлдириб, янги бир шеърни ҳосил қилади.

Бўса – тасаввуфий шеъриятдаги муҳим рамзий тимсоллардан биридир. Шунини инобатга олиб, Гёте шу руҳдаги шеърларида бўса талқинига алоҳида ўрин ажратган:

Қошу кўзи, лабидан олдим бўса,
Дардларимга, нетай, дармон шу бўлса?

Худди шунингдек, май тимоли, уни қуйиб берувчи соқий образи ҳам Шарқ мумтоз шеърлятида сўфиёна мазмун ташийди. Мана шу боис Гёте тасаввуфона рухдаги шеърлярида бу рамзий тимсол ва образларга алоҳида ўрин ажратган. Шоир соқийга мурожаатни худди тасаввуфий шеърлятдагидек “Аё, соқий” мурожаати билан келтиради:

Ёнаётир ўт ичра тан

Аё, соқий, қадаҳ тут!

Бир ё икки қадаҳ бирлан

Сўнарму бу оташ – ўт?

Баъзан шоир соқийнинг ёш йигит эканига эътиборни тортади:

Соқий йигит муаллимга

Қадаҳ тутади боз-боз,

Шак келтирмас у таълимга

Рухга май берар парвоз.

Бу мисраларда мутаржим матндан келиб чиқиб, “пир” сўзи ўрнида муаллим” сўзини қўллаган кўринади.

Салла – мусулмонлар рамзига айланган бош кийим турларидан биридир. Мусулмонликка бор вужуди билан ихлос қўйган Гёте салла ўрашга ҳам таёр. У маҳбубаси Зулайхога мурожаат қилиб дейди:

Кел, маҳбубам, салла ўраб бер

Нафис қўлинг билан менга.

Шоир саллага Эрон шоҳи Аббос ҳам меҳр билан лаъл қадаганини, салла жаҳонгир Искандарга ярашгани ва маъкул бўлганию ўз саркарда ва амирлярига дастор боғланг деб фармон берганини, аммо салла қимматбаҳо лаъл билан безатилса, тож аталишини, тожни ҳукмдор кийса, шону шуҳрати юксак бўлажагини айтиб, ўзининг бунақа саллалар эмас, балки Шарқ авлиёларига ўхшаб оппоқ салла кийиш истагини изҳор қилади.

Шоир девонида тасаввуфона шеърлятда кўп учрайдиган “майхона” образи ҳам келтирилган:

Майхонада базм этсам

Хоҳ кулбада мен якка,

Хаёл доим сен билан банд

Рух боғлиқ сен малакка.

Қуйидаги мисрада ҳам сўфиёна фикр ўзига хос бадий ифодаланган:

Ўргимчакни ўлдириб, шу дам

Ғоят ғамгин бўлдим, ажабо,

Унга ҳаёт берган-ку, Худо

Ҳақли мендай яшашга у ҳам.

Девоннинг “Ишқнома” қисмида Рудоба ва Рустам, Юсуф ва Зулайхо, муродга етмай ўтган Фарҳоду Ширин, бир-бири учун яралган Лайлию Мажнун, кексайганда ҳам ёниб севган Жамил ва Ботина, висолдан масту беармон бўлган Билқис билан Сулаймон, Вомику Узро ишқ ҳамда вафо тимсоллари сифатида тилга олинган. Улар ҳақидаги қиссаларни жаҳондаги

хар бир мардум билишини, ишқ-муҳаббат риёзатдан иборатлигини, у фақат гумроҳлар наздидагина роҳат саналишини, унга на зар, на зўр билан етиб бўлмаслигини, чин ошиқлик ҳатто инсонни девона этишини шоир эслатиб ўтади. Шу орқали илоҳий ишқ моҳиятини илғаб етганини намоён этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Y.V.Gyote “G’arbu-sharq devoni”ning Maqsud Shayxsoda va S.S.Buxoriy tarjimalariga xos xususiyatlar. M.M.Makhmudova. Ilm sarchashmalari. 2021 yil. 1-son.
2. Sadridin Salim Bukhariy’s rolle in the Development of the Literary Environment of Bukhari in the Late XX and Early XXI Centuries. M.M.Makhmudova. SCHOLASTICO-2021. Angliya. 2021 yil. 92-92 betlar
3. Preservation of Originality in the Translation of Goethe’s Works. International journal of Psychosocial Rehabilitation. M.M.Makhmudova. 2020.01. 152-159 betlar.
4. Вариантность в переводе (на примере произведений братьев Гримм) ДХ Каримова - Вестник науки и образования, 2019.
5. Variability and Invariability in Fairy Tales (As the Example of the Translation of Grimms Fairy Tales). K.D Halimovna - International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 2020.
6. Kuldasheva N.B. THEORETICAL VIEW POINTS OF LINGUISTS ON TERMINOLOGY. SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS International Scientific Journal. Theoretical & Applied Science, p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085 (online) 2019 Issue: 12 Volume: 80. 2019. – P. <http://T-Science.org>;
7. Hojjeva G.S. LINGUVOCULARY PROPERTIES OF ART TERMS (On the example of French and Uzbek languages). International Journal of Progressive Sciences and Technologies (IJPSAT) Volume: 25 No. 1 2021, – P.09-15. <https://ijpsat.ijsht-journals.org/index.php/ijpsat/article/view/2746/1628>

NEMIS TILIDAGI MODAL PARTIKELLARNING O’ZBEK TILIDA IFODALASH IMKONIYATLARIGA DOIR

Omanov Shuhrat
Qarshi davlat universiteti o’qituvchisi

Annotasiya. Ushbu maqola nemis tilidagi modal yuklamalarning o’zbek tilida ifodalanish imkoniyatlariga bag’ishlangan. Shuningdek ushbu maqolada ayrim badiiy asarlar tarjimasining lingvistik tahlili ham amalga oshirilgan.

Abstract. This article is devoted to the expressing possibilities of modal particles while translating them from German into Usbek. And linguistic analyzes on the translation of some literary works also have been done in this article.

Kalit so’zlar: modal partikel, tarjima, badiiy tahlil, lingvistik tahlil, qayta ifodalanish, lisoniy ekvivalentlik.

Key words: modal particle, translation, literary analysis, linguistic analysis, reformulation, linguistic equivalency.

Xorijiy tillardan tarjima qilingan badiiy asarlar matnini tarjima tanqidchiligi nuqtai nazaridan ham tahlil qilib chiqish – bu ushbu tarjima matnining yutuq va kamchiliklari, har ikkala tilning o'ziga xos lisoniy, stilistik hamda estetik normalarini tarjimon tomonidan qay darajada egallanganligi va shularga asoslangan holda tarjima matnida bu normalarga qanchalik amal qilinganligini o'rganib chiqib, kelgusida bo'ladigan tarjimalarning yanada mukammalroq bo'lishi uchun tavsiyalar ishlab chiqadigan bir ezgu faoliyatdir. Tarjima tanqidchiligini rivojlantirishning ahamiyatini professor Sh. Sirojiddinov bugungi kun o'zbek tarjimonlari va noshirlari oldiga qo'yilgan dolzarb vazifalardan biri sifatida ta'kidlaydi [6, 4]. Germaniyalik tarjimashunos olim Werner Koller “ilmiy tarjima tanqidchiligida asosiy muammo – tarjimalar haqida fikr-mulohaza ketganda baholash kriteriyalarining obyektiv bo'lishiga erishishdir” deya o'zining fikrlarini bildiradi [3, 127]. Bu obyektivlikka erishish deganda tanqidchi va tarjimonning o'zaro shaxsiy munosabatlari emas, albatta, tanqidchidan keng bilimga asoslangan holda yondashishib o'z bahosini berish, tarjimondan esa bu qimmatli tavsiyalardan keyingi faoliyatda unumli foydalanishni tushunmog'imiz shart.

Mazkur maqolada nemis yozuvchilari Elke Haydenrayx va Bernd Shrederlarning “Alte Liebe” romanining Hafiza Qo'chqorova hamda Furqat Soatovlar tomonidan o'zbekchaga o'girilib 2013-yilda “Azaliy ishq” nomi bilan nashr qilingan nusxalarini o'zaro solishtirib, unda nemis tilida eng ko'p qo'llanadigan “**denn**” modal partikeli orqali ifodalangan ma'noni o'zbek tilida qaysi vositalar bilan qayta tiklab berilganini ayrim misollar orqali tahlil qilishga harakat qilinadi. Avvalo, asar mazmuni haqida ozroq to'xtalib o'tsak, tahlil davomida bildiriladigan fikrlarni asoslashga xizmat qilgan bo'lardi. Romanda 40 yil turmush qurib, ba'zi ko'ngilsizliklarni aytmaganda binoyiday umr o'tkazib kelayotgan qariyalar Lore va Harrining o'zaro suhbatlari, qahramonlar tilidan qilingan hikoyalar orqali biz ularning turmushi qanchalik sinovlarga dosh berganini ko'rishimiz mumkin.

Endi “**denn**” modal partikeli va uning ifodalaydigan ma'nosi haqidagi germanist lingvistlarning fikrlari bilan tanishib o'tsak. Nemis tilidagi modalpartikellar, ularning semantik, sintaktik va pragmatik xususiyatlari haqida bir qator olimlarning tadqiqotlari mavjud bo'lib, tahlil davomida Harald Weydt, Gerhard Helbig, Maria Thurmair, Ulrich Engel, Harald Weinrich, Elke Hentschel, Sergul Vural, Coriina May va boshqalarning kitoblari, ilmiy maqolalari va dissertatsiyalaridan foydalanildi. Nemis tilidagi boshqa partikellarda bo'lgani singari “**denn**”da ham aniq bir ma'no yo'q, ya'ni gap turiga va vaziyatiga ko'ra turli ma'nolarni ifodalaydi, ko'p hollarda illokotiv-pragmatik ma'nonini ifodalaydi, kommunikativ nutqda qo'llaniladi. So'zlovchi va tinglovchi o'rtasidagi faol interaksiya jarayonini yuzaga keltiradi.

H.Weydt “**denn**”ning so‘roq so‘zli gaplarda ko‘pincha “do‘stona” munosabatni ifodalasa, so‘roq so‘zsiz so‘roq galarda esa “hayron qolish” ma’nosini ifodalashi haqida yozgan: *Warum weinst du **denn**? Können Sie **denn** Japanisch?*

Boshqa adabiyotlarda ham “**denn**”ning gap vaziyatiga va turiga qarab ifodalaydigan ma’nolari haqida keng ma’lumotlar berilgan bo‘lib, ulardan tahlil jarayonida foydalanilib boriladi.

Qo‘yidagi misollarda “**denn**”ning asliyat tilida berilishi va tarjima tilida ushbu ma’noni qanday vositalar orqali qayta tiklanganini ko‘rib chiqamiz. Eslatib o‘tish joizki, nemis tilidagi modal partikellarni o‘zbek tilida ifodalash bo‘yicha N.Shokirova, R.Begmatovanning ilmiy maqolalari va Sano Saidovning “Nemis tili grammatikasi” kitobidagi umumiy ma’lumotdan tashqari aytarli tadqiqotlar amalga oshirilmagani bois tarjimalar tahliliga ham anchagina ehtiyotlik bilan yondashildi.

*Aber mein Gott, wie leben wir **denn**, ist das **denn** so schlecht? Immerhin hat unsere Ehe alle Stürme überdauert, eine 68er Ehe, das muss man erst mal bringen.*

Ey xudo, biz qanday yashayapmiz, shunchalik yomonmi?Nikohimiz qancha to‘fonlarga dosh berdi. Oltmish sakkiz yillik umrdan so‘ng birinchi marta shu haqida o‘ylayapman.

Ushbu parchada bosh qahramonlardan biri Lore qizi Gloriyaning taqdiridan kuyunib aytgan gaplari berilgan. “**denn**” qatnashgan gaplar bu parchada so‘roq gap, aniqrog‘i, *ritorik so‘roq* gaplardir. Mana shu o‘rinda H.Weydt, modal partikellarni kommunikativ-pragmatik aspektda o‘rganilishini boshlab bergan(1969) lingvist olimning partikellarni tarjimada ifodalash haqida bildirgan fikrini keltirib o‘tish zarur: “*modal partikellar nemislarga xos fenomen, tarjima qilinmaydi, balki u orqali ifodalangan ma’no qayta tiklanadi.*”

Lingvistlar ko‘rsatadiki, *ritorik so‘roq* gaplarda qatnashgan “**denn**” so‘zlovchining “*gina-kudurat*”ini ifodalaydi. So‘zlovchi kutadiki, suhbatdoshi u aytganlarini tasdiqlaydi. Yuqoridagi parchada ham “*shunchalik yomonmi?*” tarzida *ritorik so‘roq* qayta tiklandi, albatta, emotsianallikni kuchaytiruvchi boshqa vositalarni ham qo‘llab o‘zbekcha tarjimini yanada to‘liqroq qilish mumkin edi.

- *Woher hat der **denn** die Kohle? Geerbt?*

- *Shuncha mol-dunyo unga osmondan tushibdimi?Yo merosmi?*

